633.51

М.А.РАХМАТОВ, Б.З.ЗАРИПОВ

КЛАСТЕР – ИНТЕГРАЦИЯ, ИННОВАЦИЯ ВА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ



Р-30

633.51
Р-30

М.А.РАҲМАТОВ, Б.З.ЗАРИПОВ

КЛАСТЕР – ИНТЕГРАЦИЯ, ИННОВАЦИЯ ВА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ

Ушбу рисола Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг 100 йиллик юбилейига бағишланади



"Zamin Nashr"
Тошкент – 2018

RESPUBLIKA ILMIY QISHLOQ XO'JALIGI KUTUBXONASI
T/r 359236a
"___" _____ 20___ yil

УЎК 338 (575.1)
КБК 65.32 (5Ў)
М 54

КЛАСТЕР – ИНТЕГРАЦИЯ, ИННОВАЦИЯ ВА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ

Муаллифлар:

Муртазо Аҳмедович Раҳматов – иқтисод фанлари доктори, профессор;

Бакридин Зарипов – қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг аъзоси, биология фанлари доктори, профессор.

Илмий маслаҳатчилар:

Шуҳрат Тешаев – қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Илмий-ишлаб чиқариш маркази бош директори, Қишлоқ хўжалиги вазири ўринбосари;

Толибжон Қудратов – техника фанлари номзоди.

Муҳаррир:

Анвар Қулмуродов – "Қишлоқ ҳаёти" газетаси бош муҳарири ўринбосари.

Тақризчи:

Фарҳод Раҳимов – техника фанлари доктори, профессор.

Ушбу рисола ғояси давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2017 йил 10-11 март ва 2018 йил 16-17 феврал кунлари халқ билан мулоқот қилиш ҳамда жойларда амалга оширилаётган ислоҳотлар билан танишиш мақсадида Бухоро вилоятига ташрифлари чоғидаги "Пахта ва тўқимачилик кластери" лойиҳаси билан танишуви асносида юзага келган.

Китобда Президент қарори билан мамлакатимиз агросаноатида биринчилардан бўлиб Бухоро вилоятида ташкил қилинган "Пахта ва тўқимачилик кластери" тизимини жорий этиш билан боғлиқ интеграцион, инновацион, иқтисодий ҳамда назарий-амалий ғоялар ёритилган.

Рисолада Ўзбекистонда кластер тизими асосида ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг илмий асослари кўрсатиб берилган. Кластер тизимининг пировард мақсади – ишлаб чиқаришда юқори қўшимча қийматга эга бўлган экологик тоза экспортбоп, Ўзбекистон бренди билан маҳсулотлар яратиш, аҳолининг кенг қатламини ижтимоий ҳимоя қилиш – уларнинг бандлигини таъминлаш ва муносиб меҳнат шароити яратиш каби муҳим ижтимоий масалалар ечими эканлиги ўз ифодасини топган.

Шунингдек, кластер тизимида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги барча мутахассислар – деҳқонлар, олимлар, инженерлар, агрономлар, иқтисодчилар, ветеринарлар, олий ва ўрта махсус таълим ўқув юртлари талабалари, илмий ходимлар ва бошқа соҳа касб эгаларининг ягона мақсад сари фаолият механизимлари имкониятлари очиб берилган.

Тадбиркорлар, фермерлар, мутахассислар, талабалар ва умуман кластер тизимига қизиқувчи барча китобхонлар учун мўлжалланган мазкур рисола Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети олимлари билан кенг муҳокама қилиниб, нашрга тавсия этилган.

Шиддат билан ривожланаётган, беқиёс табиий бойликларга бой гўзал Ватанимизда инновацион кластер тизимини Бухоро вилоятининг Ромитан туманида жорий этиш ва ривожлантириш сохасидаги дастлабки нашр ҳисобланади. Албатта, китобда айрим хато ва камчиликлар бўлиши мумкин.

Муаллифлар ҳурматли ўқувчиларнинг истаклари ва таклифларини мамнуният билан қабул қилади ва албатта кейинги нашрларда ҳисобга олади.

Рисолада зикр этилган материаллардан кўчириш, нусха олиш, кўпайтириш нашриёт ва муаллифлар рухсатисиз тақиқланади.

ISBN 978-9943-5125-4-2

2018йил–ФАОЛТАДБИРКОРЛИК, ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ.

“...БИЗ МАВЖУД РИВОЖЛАНИШ СУРЪАТЛАРИ БИЛАН ЎЗ ОЛДИМИЗГА ҚЎЙГАН ЮКСАК МАҚСАДЛАРГА ЭРИША ОЛМАЙМИЗ. БУГУН ЗАМОН ЎЗГАРМОҚДА, УНИНГ ТАЛАБИ, ОЛДИМИЗГА ҚЎЯЁТГАН ВАЗИФАЛАРИ ТОБОРА ОРТИБ БОРМОҚДА...

...ВАЗИЯТНИ ЎЗИМИЗ, ЎЗ АҚЛ-ЗАКОВАТИМИЗ, МЕҲНАТИМИЗ БИЛАН ЎЗГАРТИРМАСАК, ҲЕЧ КИМ ЧЕТДАН КЕЛИБ БУ ИШНИ БИЗ УЧУН ҚИЛИБ БЕРМАЙДИ”.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

“Буюк келажагимиз бугундан бошланади.”
Ш.М. Мирзиёев,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

АГРОСАНОАТ “ҚАЛДИРҒОЧ”И
(Сўзбоши ўрнида)

Давлатимиз раҳбари халқ билан мулоқот ҳамда олимлар, мутахассислар билан учрашган чоғларида ҳар доим таъкидлайдики, **қишлоқ хўжалигида чуқур қайта ишлашни ва саноатни ривожлантирмасдан кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди.**

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида белгиланган устувор йўналишларда шу жиҳат алоҳида аҳамият касб этган.

Яқинда имзоланган инновацияни ривожлантириш вазирлигини ташкил этиш ҳақидаги фармон ҳам Ўзбекистоннинг стратегик ривожланишида инновациянинг алоҳида ўрнига эга эканлигидан далолат беради.

Маълумки, мамлакатимизда, шу жумладан, Бухоро вилоятида пахтачилик борасида катта тажриба тўпланган. Айниқса, уни етиштиришда, шунингдек, уруғчилик ва қайта ишлаш соҳаларида, хусусан, “Бухоро” навлари бугун юртимизнинг катта ҳудудида экиб келинмоқда. Ўзига хос қийин шароитда – тупроғи шўрланган, сув етказиб бериш машаққати оғир, об-ҳавоси кескин ўзгарувчан ҳудуд бўлишига қарамай бухоролик пахтакорлар юқори ҳосил олишга эришиб келмоқдалар. Бирламчи қайта ишлаш саноатида кейинги йилларда соҳада амалга оширилган модернизация самарасида ютуқлар кўлами кенгайиб бормоқда.

Пахтамиз ранги, толасининг узунлиги, пишиқлиги ва микронейер кўрсаткичлари билан халқаро стандартларга тўла жавоб беради. Бу унинг жаҳон тола бозорида харидорлигини таъминлайдиган энг муҳим жиҳатларидандир. Аммо, Президентимиз таъкидлаганидек, ушбу толани ўзимизда қайта ишлаб, тайёр маҳсулот шаклида жаҳон бозорига олиб чиқсак-чи? Даромад бир неча баробарга ошиши табиий. Қолаверса, пахта ўсимлигидан олинадиган яна юзлаб маҳсулотлар ҳам борки, буларнинг барчаси иқтисодий самарани бир неча баробарга оширади. Энг муҳими, кўплаб янги иш ўринлари яратилади.

Президентимиз жойларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, кенг кўламли бунёдкорликлар ва ободонлаштириш ишлари, йирик лойиҳалар билан яқиндан танишиш мақсадида 2017 йилнинг 10-11 март ва 2018 йил 16-17 феврал кунлари Бухоро вилоятига ташрифлари чоғида иқтисодиётимизнинг негизини ташкил этаётган пахтачилик ва тўқимачилик соҳаларининг тубдан ўзгартириш бўйича аниқ таклифлар тақдимоти бўлиб ўтди.

Айни чоғда Бухорода етиштирилаётган пахта толасининг 20,6 фоизи вилоят ҳудудида саноат усулида қайта ишланмоқда. Янги лойиҳа бўйича вилоятнинг 7 та шаҳар ва туманида шу йўналишда 20 та йирик саноат корхонасини фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Бу вилоятда етиштирилаётган пахта толасининг 65 фоизини қайта ишлаш, минглаб янги иш ўрнини ташкил этиш имконини беради.

Лойиҳалар билан танишув чоғида Президентимиз хорижий инвестициялар иштирокидаги “Bukhara cotton textile cluster” корхонаси лойиҳасига катта қизиқиш билдирди. Янги корхона йилига 6,5 минг тонна ип-калава, 10 минг квадрат метр жинси мато ва 1,5 миллион дона тайёр тикувчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади.

Президент ташрифидан сўнг қисқа муддат ичида 2017 йил 19 майда "Бухоро вилоятида замонавий пахтачилик-тўқимачилик кластерини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида"-ги ПҚ-2978-сонли қарор қабул қилинди.

Пахтачилик-тўқимачилик кластери – "Bukhara cotton textile cluster" корхонасининг ташкил этилиши 2017-2021 – йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш борасидаги ислоҳотларни давом эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб қилиш юзасидан белгиланган вазифаларни бажаришга хизмат қилади.

Ҳозирда бу жараёнда кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир. Энг муҳими, Бухорода, Сирдарё ва Навоий вилоятида бошланган "кластер" тажрибаси юртимиз бўйлаб кенг тарқалмоқда. Хусусан, Самарқанд, Тошкент, Сурхандарё, Жиззах, Қашқадарё ва бошқа вилоятларда ҳам "кластер" тизимида ишлаб чиқариш объектлари барпо этишга киришилди.

"Пахта – тўқимачилик кластери" – улкан лойиҳа, иқтисодий тараққиётнинг муҳим шартларидан бири. У билан яқиндан танишиш, моҳиятини чуқурроқ англаш нафақат соҳа ходимлари, мутахассислари, иқтисодчилар учун, балки кенг омма учун аҳамиятлидир. Зеро, барчамизнинг тақдиримиз шу заминга боғланган. Тараққиёт – инновацияни талаб этади. Улардан қанчалик хабардор бўлсак, ривожланишда ҳам шунчалик ҳиссамиз ошади.

Шуҳрат Тешаев,
қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор.

Албатта, амаллар ниятларга боғликдир.
"Ҳадиси шариф"дан.

КЛАСТЕР – ИННОВАЦИОН ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ

Жаҳон иқтисодиётида кечаётган интеграция жараёни унинг глобаллашувига катта таъсир кўрсатмоқда. Бу бир томондан қўшимча қиймат яратишнинг трансмиллий "занжирини" кўзда тутган ҳолда, иккинчи томондан ишлаб чиқариш соҳасида ҳам рақобатни кучайтирмоқда. Глобаллашиш асосида логистика ва товарлар ҳамда хизматлар сифатини ҳам стандартлаштиришни таъминловчи умумжаҳон коммуникация тизими ҳам ривожланиб бормоқда. Қолаверса, аҳоли сонининг муттасил ошиб бориши иш билан таъминлаш, аҳолига қулай фаолият жараёнини яратишни тақозо этаётир.

Интеграциялашувнинг кичик даражаси мамлакатлар иқтисодиётида янги хўжалик юритиш тизимини шаклантириш йўли ҳисобланиб, ўзаро пировард маҳсулот ишлаб чиқарадиган ва географик яқин бўлган корхона ва ташкилотларни ўз ичига олган "Кластер"лар яратишдир.

Кластерларни шакллантиришдан мақсад – шаҳар, туман ва вилоят ичида жойлашган бир хил соҳа корхоналарини ва улар билан ягона технологик занжирда бўлган таълим, илмий, инжиниринг, консалтинг, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва бошқа хизматларни уйғунлаштириш – инновацион ишлаб чиқаришни ташкил этиш асосида рақобатбардош товарлар яратишга йўналтиришдан иборатдир. Бунда аҳолини иш билан таъминлашдек муҳим жиҳат ҳам ўзини намоён этади.

"Кластер" атамаси французча сўз бўлиб, ўзбекча таржимаси "боғлам", "гуруҳ", "тўпланиш" маъноларини беради.

"Кластер" назариясининг асоси бўлиб, Альфред Маршаллнинг XIX аср охирида ёзилган "Иқтисодиёт принциплари" номли асарида (1890) ихтисослашган тармоқ-соҳаларнинг алоҳида ҳудудларда уйғунлашиши тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари ҳисобланади. Унинг илмий хулосалари бўйича ихтисослашган фаолият юритувчи субъектларнинг ҳудудий уйғунлашуви:

– малакавий меҳнат ресурсларининг борлиги;

– таъминотчи ва қўшимча соҳаларнинг ўсиши;

– ҳар хил корхоналарнинг ишлаб чиқариш жараёнининг турли бўғинларига ихтисослашувининг мавжудлигига асосланганлигидир.

"Кластер" назариясини ўрганиш жаҳон ҳамжамиятида тез суръатларда ўсиб бормоқда ва уни амалиётда қўллаш эса миллий ва минтақавий иқтисодий ривожланишнинг асосий йўналишига айланмоқда.

1980 йиллардан кейин "Кластер назарияси"нинг ривожланишида 3 та муҳим (Америка, Британия ва Скандинавия ва бошқа) илмий мактаблар ютуқларини кўришимиз мумкин.

Америка олимлари – М.Портер "Рақобат устунлиги назарияси", М.Энрайт, С.Резенфельд, П.Маскелл ва М.Лоренценлар "Минтақавий кластерлар концепцияси", А.Маршалл "Саноат ҳудудлари назарияси", П.Бекатин "Итальян саноат округлари назариялари", М.Сторпер "Идеал ҳудудий кластер" назарияларини яратган. Қўшимча қиймат ва кластерлар занжири уйғунлиги, минтақаларни ўқитиш концепциялари ҳам шу гурухдан ўрин олган.

Айнан шу олимлар назарияларида кластерлар – ишлаб чиқарувчилар рақобат устунлигини оширишда юқори самарали бўлиб, уларнинг ҳудуддаги таълим, фан, технологик, иқтисодий ва бошқа хизмат кўрсатувчи субъектлар фаолияти билан уйғунлашган тизими эканлиги таъкидланади.

Британия назариётчиларининг (Ж.Даннинг, К.Бримэн, Шмит, Ж.Хамфрилар) фикрича, кластер – ўзаро ҳамкорликдаги институтлар тизими сифатида иқтисодиётнинг асосини белгиловчи институционал назариялардир. Бу ҳолатда кластернинг ўзига замонавий институт сифатида қаралмоқда. Улар мазкур тизим қатнашчиларининг ўзаро муносабати турлича – расмий ва норасмий бўлганидек, кластерларнинг ҳам ташқи доираси кенг бўлади деган хулосани айтишган.

Скандинавия олимлари (Б.О.Лундваль, Б.Йонсон, Б.Асхайм, А.Изаксон) – кластернинг эволюцион ривожи бир қатор босқичлардан ўтишини айтишади, яъни туғилишидан тугагунича.

Бошқа тўртинчи гуруҳ олимлар Кластерни ўзи ичига олган *ҳудуд – корпорация устунлиги*, *ҳудуд – бозор устунлиги*, *ҳудуд – давлат устунлиги*, *ҳудуд – ижтимоий соҳа устунлиги* концепциялари асосидаги минтақавий ривожланишнинг замонавий парадигмаларидир, деб ҳисоблайдилар.

Кластерлар назарияси рус олимлари Ю.С.Артамонова, Б.Б.Хурусталев ва бошқалар томонидан ҳам ўрганилиб, амалиётга татбиқ этиш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Юқоридаги назарияларни яратилиши ва уларнинг амалий аҳамияти мамлакатлар, тармоқлар ва корхоналар иқтисодиёти рақобатбардошлигини ошириш ва юқори самарадорликка эришишини назарда тутади.

Биология фанида «генлар кластери», «бактериялар кластери», «вируслар кластери» каби тушунчалар ҳам мавжуд. Таълим тизимидаги кластер эса, боғча, мактаб, лицей, коллеж, олий ўқув юрти, аспирантура, докторантура, малака ошириш каби жараёнларни қамраб олувчи бутун умр давомидаги таълим занжирини бир-бирига узвий боғлашдир.

Жонажон мамлакатимизда, насиб бўлса инновацион таълим тизими кластерларининг пайдо бўлишига ишончимиз комил.

"Кластер" назарияси эволюциясидан унинг икки фундаментал тавсифини ажратиб кўрсатишимиз мумкин.

Биринчиси – кластерга уйғунлашган корхона ва фирмалар фаолияти аниқ бир хил турдаги товарлар бозори билан боғлиқ бўлиши зарур. Бундай боғлиқлик вертикал (харид ва сотиш занжири) ва горизонтал (қўшимча бўлимлар ва хизматлар, шунга кетадиган махсус сарфлар, технологиялар ёки институтлар ва бошқа алоқалардан фойдаланиш).

Иккинчиси – кластерлар географик яқин жойлашган ўзаро боғлиқликдаги корхоналар гуруҳи бўлиб, улар ўртасидаги ўзаро иқтисодий-ижтимоий муносабатларни барқарорлашиши натижасида рақобатбардошликнинг ривожланиши, кўпроқ қўшимча қийматни яратишига ва бозорда сотилишига имкониятлар яратишдир.

Саноат кластерлари, аввало, шу тармоқ ичидаги рақобатга маҳаллий ва жаҳон бозорларида бардош беради.

Мамлакат ва ҳудудлар рақабатбардошлигини ривожлантиришга кластер назариясини татбиқ этиш ғоясининг асосчиси Майкл Портер фикрига кўра, Кластер – жўғрофий нуқтаи назардан қўшни бўлган, ўзаро боғлиқ компаниялар (ишлаб чиқарувчилар, маҳсулот етказиб берувчилар ва бошқалар) ҳамда уларга алоқадор хизматларни кўрсатиб, маълум соҳада фаолият юритувчи ташкилотлар (таълим муассасалари, давлат бошқарув идоралари, инфратузилмавий компаниялар) гуруҳидир. Ёки кластер – ишлаб чиқариш корхоналари рақобатбардошлигининг ўсишига имкониятлар яратувчи, ўзаро чамбарчас боғланган тармоқлар ягона технологик занжирини ташкил этувчи ҳамжамиятлардир.

Кластер назарияси илмий жараёнга маркетинг стратегияси шаклида, давлат, ҳудудлар ва минтақалар корхоналарининг

бозордаги рақобат муҳитида ғолиб бўлишларини таъминловчи ғоя-усули сифатида кириб келди.

Кластер стратегиясини амалда қўллаш асосида миллий ва минтақавий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш ғояси турли мамлакатларда ва тармоқларда унинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлсада, аммо М.Портер ва М.Энрайтлар унинг қуйидаги умумий устуворлиги борлигини очиб бердилар:

– корхона (фирма)лар учун таъминотчиларга, малакавий ходимларга, ахборотларга, хизмат ва таълим марказларига тўғридан-тўғри боғланишлари сабабли меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга имкониятлар яратилади. Кластерлашган минтақалар корхоналарида меҳнат унумдорлиги 1,5 баробаргача, иш ҳақи эса 30 фоизгача кўплиги ўз тасдиғини топган;

– таълим ва илмий-тадқиқот марказлари янги илмий-услубий ишланмаларни яратиши, уларни қисқа муддатда синовдан ўтказиши, ишлаб чиқаришга жорий этиши учун шарт-шароитлар мавжуд бўлади;

– ишлаб чиқариш ва илмий изланишлардаги ходимлар ва мутахассислар меҳнатларини кўпроқ рағбатлантиришга ва янги товарларни яратишга имтиёзли шароитлар бўлади.

Шунинг учун иқтисодиётни инновацион тараққий эттиришда, айниқса, иқтисодий ривожланишнинг анъанавий усуллари етарли даражада фойда бера олмаётган ҳозирги даврда, *Кластер* назариясини амалиётга татбиқ этиш энг мақбўл йўл ҳисобланади. *Кластер*лаштиришни корхоналар инновацион фаолиятини тезлаштириш асосида рақобатбардошлигини ошириш ва уларнинг глобал рақобатнинг кучли таъсирига қарши туришдаги миллий ва минтақавий ривожланиш талабларига тўла жавоб берадиган янги иқтисодий тизим деб ҳам қараш мумкин.

Кластерларнинг шаклланишида давлатнинг роли муҳим ўрин тутади. Агар дастлаб *кластер*лар фақат бозорнинг кўринмас қўли (рақобат) туфайли, аввало, трансмиллий компанияларни замонавийлаштиришда ташкил этилган бўлса, кейинги вақтда кўпгина мамлакатларнинг ҳукуматлари бу жараёнга сезиларли даражада таъсир этгани ҳолда уларга ёрдам бермоқдалар. *Кластер* стратегияси жозибадорлиги, йўналишларнинг турли-туманлиги боис ҳам, инновацион *кластер*ларини давлатнинг ўзи шакллантиришни тақозо этмоқда.

Давлат иқтисодиёти кластерларнинг кучли жиҳатларига таянади, чунки уларсиз энг ривожланган иқтисодиёт ҳам ўртамиёна натижаларга эришиши мумкин, деган хулосалар мавжуд. Кластерларнинг иқтисодий-ижтимоий самарадорлиги, улар иштирокчилари йўналишлари бўйича тақсимланади:

– бошқа тармоқлардан келадиган янги ишлаб чиқарувчилар илмий-тадқиқот ишларини рағбатлантириб ва янги стратегияларни таъминлаб, ривожланиш жараёнини тезлаштиради;

– ўзаро эркин ахборот алмашинуви юзага келади, янгиликлар истеъмолчи ва маҳсулот етказиб берувчиларнинг каналлари бўйича тез тарқалади;

– кластер ичидаги ўзаро алоқалар рақобатда янги имкониятлар пайдо бўлишига олиб келади;

– инсон капитали, илмий ғоялари ривожланиши ва ишлаб чиқаришга жорий этилишига янги имкониятлар яратади.

Кластер иштирокчилари деганда – кластерда фаолият юритувчи бозор субъектлари тушунилади.

Ривожланган давлатларнинг тажрибалари шуни кўрсатмоқдаки, барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашда, инвестицион фаолликни оширишда, рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришда кластерларнинг, халқаро логистик марказларининг, эркин иқтисодий зоналарнинг ўрни ва аҳамияти жуда юқори.

Ривожланган мамлакатларда инновацион иқтисодиётни шакллантириш ва бошқаришда кластерлардан фойдаланиш бўйича маълум тажриба тўпланган.

Европа мамлакатлари ва АҚШда бу стратегия кенг қўлланилмоқда. Кластерлар Буюк Британия, Голландия, Германия, АҚШ, Дания, Франция, Италия, Финляндия, Ҳиндистонда яхши ривожланган. Дания, Финляндия, Швеция саноатини кластерлар тўла эгаллаган.

Кластер тузилмалари Швейцария, Австрия, Италия, Дания, Ҳиндистон, Корея, Покистон, Хитой ва Туркия давлатлари енгил саноатида, Германияда кимё ва машинасозлик, Францияда озиқ-овқат ва косметика саноатларида муваффақиятли ишламоқда.

Кластерларни шакллантириш жараёни Жанубий-шарқий Осиё, Хитой, Сингапур, Япония ва бошқа мамлакатларда фаоллашиб бормоқда.

Масалан, Германияда яқин вақтгача минтақавий кластерлар ривожланиши давлат аралашувисиз кечар эди. Бироқ 2003 йилда ҳукумат кластер ташаббусларига жиддий эътибор қаратди. Бу, биринчи навбатда, юқори технологияли соҳаларни лойиҳалашда амалга оширилди. Давлат нафақат маҳаллий, балки бошқа манбалар ҳисобидан саноат ва илмий марказлар куч-ғайратини бирлаштиришни кўзда тутмоқда.

Кластерлар "Эркин илмий-техникавий зоналар" шаклида ташкил этилмоқда. Эркин илмий-техникавий зоналар алоҳида ажратилган ҳудудлардан иборат бўлиб, у ерда илмий-ишлаб чиқариш ва ўқув марказлари жамланади ҳамда улар учун илмий ва ишлаб чиқариш имкониятини ривожлантиришга қаратилган махсус ҳуқуқий тартибот ўрнатилади. Эркин илмий-техникавий зоналар юксак технологиялар амал қиладиган зоналар, технопарклар, минтақавий инновация марказлари – технополислар шаклида ташкил этилади.

Технопарклар иккита асосий компонентлардан: ишлаб чиқариш (саноатнинг илғор соҳасидаги корхоналар) ва мутахассислар (университет, институт, илмий-тадқиқот институти, лабораторияларнинг кучли гуруҳлари)дан таркиб топади ва уларнинг фаолияти рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришга йўналтирилади.

Халқаро амалиётда синалган *Кластер* назариясига асосланган тажрибадан фойдаланиш, жумладан, иқтисодиётимизнинг тўқимачилик ва енгил саноат истиқболида муҳим аҳамият касб этади. Ҳар қандай мамлакат, ҳудуд ёки вилоят иқтисодиётининг рақобатбардошлиги, энг аввало, ишлаб чиқараётган товарларини маҳаллий ва жаҳон бозорларидаги рақобатбардошлиги, яъни харидоргирлиги орқали аниқланади. Мамлакатнинг таълим тизимидаги ислоҳотлар ва барча илмий, маънавий-маърифий ривожланишларнинг якуний кўрсаткичи ҳам товарлар ва хизматларимизнинг замонавий бозорларда рақобатбардошлигининг таъминланиши билан баҳоланади.

Шундай қилиб, хорижий ва маҳаллий тадқиқотчиларнинг таҳлилларида "кластер" тушунчасига қуйидаги таърифлар берилган:

-кластер – битта соҳага бирлашган ва бир-бири билан узвий алоқада бўлган корхоналар гуруҳи.

-кластер – битта географик ҳудудда жойлашган ва битта тармоқни ташкил қиладиган корхоналар гуруҳи.

-кластер – махсус соҳалар бўйича битта географик ҳудудда фаолият юритаётган, бир-бири билан боғлиқ бўлган ва бир-бирини тўлдирувчи компаниялар, институтлар гуруҳи.

-кластер – горизонтал ва вертикал равишда функционал боғлиқ бўлган корхоналар гуруҳи.

-кластер – жамоавий, хусусий ва ярим жамоавий кўринишда бир-бири билан боғлиқ ва ўзаро бири-бирини тўлдирувчи корхоналар, тадқиқот ва ривожланиш институтлари гуруҳи.

-кластер – тижорат ва нотижорат ташкилотлари гуруҳи бўлиб, у гуруҳда фаолият юритаётган ҳар бир корхонанинг рақобатбардошлигини таъминлашга хизмат қилади.

-кластер – ҳудудий концентрациялашувга асосланган ва технологик занжирга боғланган товар ва хом ашё етказиб берувчилар, асосий ишлаб чиқарувчиларни бирлаштирган индустрлашган мажмуа.

Умумий олганда кластерлаштириш бу битта географик ҳудудда концентрациялашган ва маълум бир аниқ вазифани ечишга қаратилган, ягона бошқарувдаги занжирга боғланган корхоналар гуруҳи бўлиб, улар бир-бири билан узвий алоқадаги, жамоавий рақобатлашувни мустаҳкамлаш мақсадида ишчи кучларини ўзаро бирлаштирувчи интеграцион, инновацион ва албатта, иқтисодий ўсишни таъминлайдиган, илмга асосланган жараён ҳисобланади.


Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек, барча соҳаларда кластер тизимини яратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Дарҳақиқат, нефть, газ, химия, биотехнология, фармация, информатика, автоқурилиш, транспорт-логистика, рекреацион-туристик, озиқ-овқат, таълим, балиқчилик, паррандачилик, асаларичилик, ипакчилик ва бошқа соҳаларда кластер тизимларини яратиш илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни молиялаштириш ҳажмини кўпайтиради, сифатини яхшилайди, илмий тадқиқот ишларининг техник таъминоти даражасини юксалтиради, инвестициявий ташқи лойиҳаларда иштирок этиш, илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва малакасини оширишнинг янги имкониятларини яратади. Бундан ташқари, кластер тизимида таълим ва илмий-тадқиқот марказлари янги илмий-услубий ишланмаларни яратиш, уларни қисқа муддатда синовдан ўтказиш, ишлаб чиқариш ва ил-


RESPUBLIKA ILMIY QISHLOQ
XO'JALIGI KUTUBXONASI
T/r 359236
"___" _____ 20___ yil

мий изланишлардаги ходимлар ҳамда мутахассислар меҳнатларини кўпроқ рағбатлантириш, янги товарларни Ўзбекистон бренди билан ихтиро қилиш учун кенг имкониятлар ва шароит пайдо бўлади.

Шунингдек, мамлакатимизда халқаро кластер координаторларини тайёрлаш илмий марказлари ва кластер проектлари бўйича Кенгашлар пайдо бўлади.

Ўзбекистон тўқимачилик ва енгил саноати тизимида кластерларни шакллантириш масаласи мамлакат миқёсида эмас, балки минтақалар – вилоятлардаги аниқ иқтисодий-ижтимоий шарт-шароитлар асосида, кластер назариясининг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилаётгани энг оқилона йўллардан биридир.





Пахта – тўқимачилик кластери фаолиятининг схемаси

“Агар кучсизлар бирлашсалар, улар кучли бўладилар. Агар кучлилар бирлашсалар, улар енгилмасга айланадилар.”

Гегель.

“КЛАСТЕР”НИНГ ЎЗБЕКЧА ТАЪРИФИ – “ХАЗИНАЛАР САНДИҒИ”

Ўзбек халқи “етти хазина” деб таърифлайдиган қишлоқ хўжалигининг тармоқлари мавжуд. Булар – сигир, товуқ, ўрмон, ипак қурти, асалари, овжувоз ва тегирмон. Яна халқ донолигига қулоқ тутамиз: Чорва – рўзғор қассоби ва баққоли. Парранда – ҳам оби ёвғон, ҳам дори-дармон. Ипак қурти – қизлар сепи. Ўрмон – иморат суяги, ҳаёт тиргаги – мусаффо ҳаво манбаи. Асалари – оила табиби. Обжувоз – қозоннинг ёғи. Тегирмон – қорин белбоғи. Бу иборалар ота-боболаримизнинг кўп кузатишлари, ҳаётий тажрибаларида сайқаллашган.

Кластер тизимида ушбу хазиналарнинг аксарияти бор. Хусусан, ипак қурти ўрнида тола олишнинг муҳим тармоғи бўлган пахтачилик соҳаси жадал тараққий эттирилади. Чорвачилик мажмуасида наслли қорамоллар парваришланади. Бир вақтлар оила табиби дея таъриф олган асаларичилик агротехнологияда муҳим аҳамиятга эга бўлган чанглантириш вазифаси учун ҳам ташкил этилади. Қолаверса, ғўза гулидан шифобахш хусусиятга эга бол олиш тажрибаси ўзининг исботини топган. Экин майдонлари атрофига экиладиган дов-дарахтлар ўрмон хўжалигининг ўрини босиши, шунингдек, ғўзапоядан қурилиш маҳсулоти тайёрлаш, биогаз ва биогумус ишлаб чиқариш учун хомашё сифатида фойдаланиш инновацион ғояси ҳам истиқболли ҳисобланади. Пахтадан олинадиган асосий хомашёлардан бири чигит ёғи корхонасини ташкил этиш имконини яратади. Буларнинг барчасини жамлаган ҳолда айтиш мумкинки, кластер лойиҳаси – ҳақиқий хазиналар сандиғидир.

Ҳазрат Навоий таъриф этади:

Деҳқонки, дона сочар, дон сочмоқ била ризқ йўлин очар...

Бир томчи сув дунёни айланиб чиқишини ҳаммамиз яхши биламиз. Худди шундай бир дона уруғнинг ерга сепилишидан то нонга айлангунича қанча кишининг меҳнати кетишини-ю қанча жонзотга ризқ улашишини биласизми?

Алихонтўра Соғуний “Тарихи Муҳаммадий” асарида машойихларнинг шундай ҳикматини келтиради: “Ҳар бир банданинг ейдирган бир парча нони олтмиш қўлдан ўтиб, унинг оғзига тушадур”.

Дарҳақиқат, дона дон ерга тушгунча ерни шудгорлаш, уруғни тайёрлаш талаб этилади. Уруғ экилиб, майсалар парваришида бевосита иштирок этадиган кишиларни ҳисобласак, бу миқдор янада ортади. Ўрим-йиғим ишлари, хирмон тўплаш-у донни сақлаш, сўнгра тегирмон, ахийри, новвой қўлларида тандирдан узилгунча яна ўнлаб киши меҳнати зарур. Нонни бозорга элтмоқ, дастурхонга тортмоққа ҳам яна бир неча киши меҳнат сарф этади. Бу жараёнда қанча киши тирикчилигини ўтказиб, қанча киши оиласини тебратади. Қолаверса, ғалланинг сомони – чорва учун озуқа, донидан нондан ташқари яна ўнлаб турдаги маҳсулотлар тайёрланади ва ҳ.к.

*Кластер*да айнан шу жиҳатларни яққол кўриш мумкин. У “пахтачилик – тўқимачилик” ва бошқа тармоқларида ҳам олиб борилмоқда. Ерни тайёрлашдан то тайёр кийим бозорга чиқарилгунга қадар бўлган жараён бир жамоа томонидан амалга оширилади. Бунда деҳқон меҳнати, олим илми, саноатчининг ишбилармонлиги, мутахассис билими кабилар яхлит ҳолда уйғунлашади.

Бухоро қалдирғоч кластери занжирининг узилмас ҳалқаси – бу илмий, таълим ва кадрларни тайёрлаш тизими ҳисобланади.

Кластер раҳбарияти, Бухоро вилоятида жойлашган олий ўқув юртлари, лицей ва касб – ҳунар колежлари билан ҳамкорлик шартномалари тузди. Шулар қаторига Ўзбекистон Фанлар академияси, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги вазирлигига қарашли Илмий – ишлаб чиқариш маркази, Ўзбекистон Миллий университети, Бухоро давлат университети, Бухоро муҳандислик технология институти, Бухоро давлат тиббиёт институти, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ва унинг Бухоро филиали, Самарқанд қишлоқ хўжалик институти, Бухоро енгил саноат ва педагогика коллежи ва Бухоро ирригация коллежлари киради. Мазкур маскан олимларининг илмий изланишлари, тадқиқотлари ишлаб чиқаришда жорий этилиши кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари, кластернинг ишлаб чиқариш майдончаси юқорида кўрсатилган ўқув юртлари талабалари учун ишлаб чиқариш амалиётлари ўташ учун хизмат қилади.

Пахта-тўқимачилик кластери нафақат енгил саноатни, балки ўз йўлида қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноати, фармацевтика, қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш каби ўнлаб тармоқларни ҳам қамраб олади.

Далил. Пахта хомашёсидан 30 турдан зиёд маҳсулот тайёрланади. Бир тонна пахта хомашёсидан ўртача 360 килограмм момиқ пахта, 110 килограмм пахта ёғи, 16 килограмм совун олинади. Шунча толадан ўртача 7200 метр мато, ундан 54 минг метр ғалтак ип юзага келади ва ўнлаб турдаги ҳаёт учун зарур бошқа маҳсулотлар тайёрланади. Қолаверса, фармацевтика саноатида қўлланиладиган моддалар, чигитидан чорва учун озуқа, ҳаттоки, ғўзапоясидан биогаз, биогумус, ёғоч материаллари тайёрлаш имкониятини ҳисобга олсак, унинг аҳамияти янада ойдинлашади.

Пахта оқлик, маънавий поклик тимсоли ҳисобланади. Ва уни фақат гўзал қалбли, покиза ниятли инсонларгина етиштириши мумкин...

НЕГА АЙНАН ПАХТАЧИЛИКДА?

Пахта маҳсулоти қишлоқ хўжалиги соҳасида тайёрланадиган ялпи маҳсулотнинг деярли ярмини ташкил этади. Лекин таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, пахтачиликда ишга солинмаган катта имкониятлар ва ҳал этилмаган масалалар мавжуд. Қишлоқ хўжалигининг барча тармоқлари орасида пахта хомашёси етиштириш энг паст рентабелликка эга эканлигини айтишнинг ўзи кифоя.

Ғўза ҳосилдорлиги бўйича республикамизда эришилган кўрсаткич пахта экувчи бошқа мамлакатлар билан солиштирганда анчайин паст. Аммо таҳлиллар, суғориладиган пахта майдонларининг ҳар бир гектари ҳосилдорлигини кўтариш учун улкан имкониятлар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Пахта хомашёсини ишлаб чиқаришнинг самарадор усулларини излаш зарурати яна шу билан изоҳланадики, Ўзбекистон шароитида ернинг маҳсулдорлиги имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаган. Ўзбекистон ва ривожланган хорижий мамлакатларнинг қишлоқ хўжалигидаги айрим кўрсаткичлар таққосланса, бу яна бир бор ўз тасдиғини топади. Масалан, 16 миллион киши истиқомат қилувчи ва 1,038 миллион гектар экин майдонлари (унинг ҳам 60 фоизи денгиз яқинида ўзлаштирилган ерлар) бўлган Голландияда 131 миллиард долларлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарилгани ҳолда, 32 миллионлик аҳолиси ва 4,4 миллион гектарлик экин майдонларига эга Ўзбекистонда эса, бу кўрсаткич бор-йўғи 13,2 миллиард долларни ташкил қилади.

Ўзбекистонда пахта хомашёсининг асосий истеъмолчиси тўқимачилик саноати бўлиб, у республиканинг саноат комплексида муҳим ўрин тутади. Ҳеч шубҳасиз, тўқимачиликнинг ривожланиши ҳам пахтачилик соҳасининг ҳолатига бевосита боғлиқ.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, тўқимачилик саноатида вертикал интеграциялашган тизим самарали ва рақобатбардош бўла олади, бу тизим пахта хомашёсини етиштириш ва дастлабки ишлов беришдан бошлаб, то уни пахта заводларида кейинги қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотга (яъни ип-калава, трикотаж, газлама ва кийим-кечакка) айлантиришгача бўлган жараёнларни ўз ичига олади.

Иқтисодиётга янгича, замонавий ёндашувларни жорий этмасдан туриб, юқори қўшимча қийматга эга рақобатбардош маҳсулот яратишни тасаввур қилиб бўлмайди.

Пахтанинг экин майдони ва жаҳонининг баъзи бир мамлакатларида унинг хосилдорлиги

Давлатлар	Ҳосилдорликка кўра рейтинги	Ҳосилдорлик		Экиш майдонига кўра рейтинги	Экиш майдони, минг.га	Толани ялпи йиғиш бўйича рейтинги	Пахта-тола, минг. тонн
		Тола кг/га	Пахта хомашёси, ц/га				
Исроил	1	1766	53,5	52	6	38	10
Австралия	2	1550	50,3	30	590	10	915
Туркия	3	1429	37,4	8	320	7	457,5
Бразилия	4	1391	42,2	6	1212	5	1680
Мексика	5	1374	37,6	29	116	15	159,5
Хитой	6	1310	39,7	1	5317	1	6967
Сурия	7	1280	32	22	125	13	160,1
Қирғизистон	8	938	28,4	41	24	35	22
АҚШ	9	889	26,9	3	3735	2	3329
Греция	13	816	24,2	15	240	8	196,1
Перу	14	811	24,1	33	51	26	41,4
Покистон	15	688	20,8	4	3000	4	2105
Ўзбекистон	16	674	20,4	5	1313	6	885
Қозоғистон	17	649	19,6	27	146	18	94
Эрон	18	635	21,3	32	120	24	76,3

Ўзбекистон ва Нидерландия давлатлари қишлоқ хўжалигининг баъзи иқтисодий кўрсаткичлари қиёси

Давлатлар	Аҳоли	Шудгорланган ерлар, га		Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ҳажми			Қишлоқ хўжалигида бир ишчи учун қўшимча қиймат, АҚШ долл.
		Га	1 кишига	Сўм	АҚШ долл.	1 гектардан, АҚШ долл.	
Ўзбекистон	32,0	4 400 000	0,15	42,28 трлн.	13,2* млрд.	3 000	2 183
Нидерландия	16,0	1 038 400*	0,06	-	131,0 млрд.	131 000	66 236


Изоҳ: * Нидерландияда 60% шудгорланган ерларни *польдерлар* ташкил этади.

Польдер – денгиз ҳудудидан қишлоқ хўжалигида фойдаланиш мақсадида ўзлаштирилган экин майдони.

Изоҳ: Давлат курси бўйича 1$ = 8100 сўм.

Аммо бугун тан олиш лозимки, тўқималарнинг механизми пахта етиштирувчи фермерларни ривожлантиришнинг амалдаги хўжаликлар ва пахта толасини чуқур қайта ишловчи корхоналарни ташкил қилиш ҳамда тараққий эттириш, шунингдек, тайёр маҳсулотда қўшимча қийматни кўпайтириш жараёнларини суст рағбатлантириб келаяпти.


1 кг пахта хомашёси ва уни қайта ишлашдан олинган маҳсулотлар реализациясидан олинган даромад (АҚШ $)



Пахта толаси ишлаб чиқариш(тн.) ва жаҳонда тўқимачилик экспорти (АҚШ $ млрд)



Республика ЯИМ да тўқимачилик саноати улуши (%)



Республика саноат ишлаб чиқариши ҳажмида тўқимачилик саноатининг улуши (%)




Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмида тўқимачилик саноатининг улуши (%)



Давлат бюджетининг даромадлар қисмида тўқимачилик саноатининг улуши (%)



Ўзбекистон енгил саноати маҳсулотлари экспортининг ўсиши (АҚШ дол.)



Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2016 йил 21 декабрда ПҚ-2687 сонли "Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ривожлантиришнинг 2017-2021 – йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги қарори соҳадаги мавжуд имкониятларни тўла очиш, салоҳиятдан оқилона ва унумли фойдаланиш мақсадида қабул қилинган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Бухоро вилоятида замонавий пахта-тўқимачилик кластерини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида" қарори эса унинг узвий ва мантиқий давоми бўлди.

Ўз моҳиятига кўра, миллий иқтисодиётимиз учун янги бўлган, саноатнинг илғор тури кластер схемасини яратиш ва жорий этиш асосида "пахта хомашёсини етиштириш – қайта ишлаш – тайёр маҳсулот" шаклидаги ёпиқ занжирдан иборат, юз фоиз чиқитсиз ишлаб чиқариш объектини ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

Бу ерда сўз нафақат пахтакор хўжаликлар томонидан анъанавий тарзда хомашё етиштириш ҳақида, балки пахтани қайта ишловчи, ёғ-экстракция ва бошқа корхоналарда бирламчи пахта хомашёси ҳамда ғўзапояни қайта ишлаб, юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар яратиш ҳақида бормоқда. Бунда пахтани қайта ишловчи ва ёғ-экстракция корхоналарида ҳосил бўладиган иккиламчи маҳсулот (пахтани йигиришдаги қолдиқлар, шрот, шелуха каби) кейинчалик чорвачилик комплексида ишлатилади, чорвачилик комплексининг чиқитлари эса – биогаз қурилмасида иссиқлик ва электр энергияси ишлаб чиқаришга сарфланиб, кейинчалик сабзавот ва кўкатлар етиштиришга мўлжалланган замонавий иссиқхоналарга узатилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан илк тажрибавий саноат кластерининг яратилиши қуйидаги мақсадларга қаратилган:

– таркибий ўзгартиришларни янада чуқурлаштириш ва давлатнинг қишлоқ хўжалигидаги иштирокини камайтириш;

– агросаноат комплексини инновацион усулда ривожлантиришнинг интеграциялашган кластер тизимини яратиш учун хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш;


– пахта хомашёсини етиштиришга самарали усулларни жорий этиш ва қишлоқ хўжалиги хомашёсини чуқур қайта ишлашни ташкил этиш;

– аграр соҳада ишлаб чиқариш самарадорлиги ва меҳнатга ҳақ тўлашни яхшилаш.

Ушбу тажрибавий саноат кластерининг пировард мақсади – юқори қўшимча қийматга эга, рақобатбардош ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш ва шу асосда ҳудудлардаги кўпгина муаммолар, яъни меҳнат ва моддий ресурслардан самарали фойдаланиш, бюджетни тўлдириш, экспорт имкониятларини кенгайтириш, ижтимоий масалаларни ҳал этишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қўйилган вазифаларни амалга ошириш, шунингдек, мамлакатимизнинг тўқимачилик ва пахтачилик бўйича халқаро имижини кўтаришга, Ўзбекистон брендини экологик жиҳатдан энг тоза (органик) маҳсулот яратувчи давлат сифатида мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшади.

Пахта – тўқимачилик кластерини бошқариш схемаси



Юзага келган муаммога сиз ҳеч қачон ечим тополмайсиз, қачонки бунга сабаб бўлган фикрлаш ва унга муносабат тарзини ўзгартирмасангиз.

Альберт Эйнштейн.

ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ

Ўзбекистонда қулай инвестициявий муҳит яратилиб, чет эллик сармоядорлар ҳуқуқларининг қонуний кафолати мустаҳкамлангани, уларга қўшимча имтиёзлар берилаётгани ишбилармон доиралар фаолиятини рағбатлантирувчи омил бўлмоқда.

Кейинги йилларда олиб борилаётган ана шундай оқилона ислоҳотлар самараси ўлароқ, ижтимоий-иқтисодий барқарорлик таъминланяптики, бу ўз навбатида, хорижлик инвесторларнинг мамлакатимизга қизиқишини янада кучайтирмоқда. Натижада дунёга машҳур кўплаб йирик компанияларнинг инвестиявий фаолияти кенгайиб, иқтисодиётнинг турли соҳаларида самарали иш олиб бораётир.

Маълумки, Ўзбекистон саноати салоҳиятини юксалтиришда тўқимачилик соҳаси алоҳида ўрин эгаллайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 21 декабрдаги "2017-2019 йилларда тўқимачилик ва трикотаж саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги қарори тармоқ ривожида янги босқични бошлаб берди. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, инвестицияларни кенг жалб қилган ҳолда, замонавий корхоналарни барпо этиш, янги иш ўринлари яратиш, ташқи бозорларда харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қаратилган йирик лойиҳалар амалга ошириляпти.

Табиий савол туғилади: пахта-тўқимачилик кластери нима дегани?

Бу ягона технологик занжирга бирлаштирилган корхоналар мажмуи бўлиб, у илм-фан, таълим ҳамда ишлаб чиқариш интеграциясини чуқурлаштириш, янги технологияларни амалиётга жадал жорий этиш имконини беради.

Пировардида хомашё қайта ишлашнинг барча босқичидан ўтиб, экспортбоп тайёр маҳсулотга айланади. Кластерни яратиш эса олим ва иқтисодчилар, қишлоқ хўжалиги ҳамда саноат ходимлари салоҳияти, илғор тажрибасини ягона мақсад йўлида бирлаштиришни тақозо қилади. Шу боис, янги лойиҳани ишлаб чиқишда олимлар, илмий-тадқиқот марказлари ходимлари, мутахассислар ва тадбиркорлар билан маслаҳатлашиб, шу ернинг ўзида илмий-техник кенгаш, илмий марказ ва кадрлар тайёрлаш бўйича кенгаш тузиш белгилаб олинди.

Лойиҳанинг яна бир янгилиги шундаки, тўқимачилик корхоналари учун саноатбоп хомашё томчилатиб суғориладиган экин майдонларида етиштирилади. Кластер ҳудудида ёғ-мой заводи қурилиб, чигитни қайта ишлаш ҳисобига олинган ёғ истеъмолчиларга жўнатилса, кунжара ҳамда шулха шу ернинг ўзида ташкил этиладиган чорвачилик мажмуида парваришланадиган қорамоллар учун тўйимли озуқа ҳисобланади. Бундан ташқари, чорва учун гидропоника усулида қўшимча озуқа экинлари етиштириш йўлга қўйилади. Ўз навбатида, ферма ва ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўладиган органик чиқиндилар келгусида бунёд этиладиган иссиқхонани иситиш манбаи бўлган биогаз ишлаб чиқаришга йўналтирилади.

Кўриниб турибдики, мазкур йирик инновацион бизнес-лойиҳа тўлиқ циклни қамраб олган. Ундаги ҳар бир тузилманинг фаолияти тайёр маҳсулот олишга қаратилган. Иқтисодчиларнинг ҳисоб-китобларига кўра, лойиҳа беш йилда ўзини оқлайди.

Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, ярати-

ладиган кластер инновацияга кўмаклашувчи муҳим восита бўлиб, Бухоро вилояти иқтисодиётининг рақобатдошлигини ошириш ҳамда замонавий корхоналарнинг кўпайишига мустаҳкам замин яратади. Пировардида саноат маҳсулотлари тайёрлаш ҳажми ортиб, экспорт салмоғи кўпаяди, шунингдек, ишлаб чиқариш ва савдо муносабатлари такомиллашуви ҳисобига катта иқтисодий самара келтиради.

Тажрибасиз назария – ўликдир.
Амалиётсиз таълимот – хавфлидир.
Гете.

КЛАСТЕР ЛОЙИҲАСИ АМАЛИЁТДА

Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган 2017-2021 – йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, етакчи тармоқларни модернизация ва диверсификация қилиш асосида мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш борасида барча соҳаларда кенг кўламли ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этиш кўзда тутилган.

Шавкат Мирзиёев хомашёни сотиб эмас, хомашёни тайёр маҳсулотга айлантириб, моддий манфаатдор бўлиш зарурлиги ҳақида кўп бора гапириб, бунга эришишнинг йўлларига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Зотан, бу йўл билан ҳозиргидан кўра ўн мартагача кўпроқ моддий бойликка эга бўлиш мумкин. Бу борада таълим ва ишлаб чиқариш интеграциялашувини чуқурлаштиришнинг аҳамияти, янги технологияларни жорий этишнинг ўта муҳимлиги ҳам алоҳида эътироф этилмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев Бухоро вилоятига қилган ташрифи давомида Бухоро шаҳрида ишга тушириш мўлжалланаётган "Бухоро коттон текстиль" қўшма корхонаси ва кластер лойиҳаси билан танишиб, бу борада ўзининг қимматли маслаҳатларини берган эди. Ушбу лойиҳа, яъни қўшма корхона ўз моҳиятига кўра, юқоридаги жараённи ўз ичига олганлиги билан аҳамиятлидир. Яъни бу ерда инвесторлар – "Paraglide Ltd" (Буюк Британия) ва "Компания Петромаруз" (Россия) компаниялари мазкур лойиҳа доирасида пахта етиштиришдан то тайёр тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришгача бўлган жараённи қамраб оладиган пахта-тўқимачилик кластери ташкил этиш юзасидан амалий тадбирларни амалга оширишга киришишган.

Мавзуга доир

Мамлакат раҳбари томонидан танқид остига олиниб, иқтисодий йўналишнинг анъанавий усуллари самараси етарлича эмас, деб баҳоланаётган ҳозирги даврда, инновацион технологиялар асосида бизнесни ташкил этишда Кластер назариясини амалиётга татбиқ этиш энг мақбул йўл, дея эътироф этилмоқда.

Кластер – яъни, ягона технологик занжирга бирлаштирилган корхоналар мажмуи илм-фан, таълим ҳамда ишлаб чиқариш интеграциясини чуқурлаштириш, янги технологияларни амалиётга жадал жорий этиш заруриятини юзага келтиради ва бунинг имконини беради. Янги илғор тизимни яратиш олим ва иқтисодчилар, қишлоқ хўжалиги ҳамда саноат ходимлари салоҳияти, илғор тажрибасини ягона мақсад йўлида бирлаштиради. Кластерни шакллантиришда академиклар, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ вазирлиги илмий-тадқиқот марказлари хо-

димлари, олий таълим муассасалари олимлари, шу жумладан, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, М.Улуғбек номидаги ЎзМУ мутахассислари, Бухоро вилоятидаги барча олий ўқув юртлари, Самарқанд қишлоқ хўжалик институти, тадбиркорлар ва бошқа матахассисларнинг маслаҳатларига таяниб иш кўрилди. *Кластер* қошида турли кенгашлар, жумладан, академик ва олимлар техник кенгаши, илмий марказ, коллежлар, лицейлар қатнашувида кадрлар тайёрлаш кенгаши, олий таълим муассасалари ва бошқаларнинг кенгашлари ташкил этилди. М.Улуғбек номидаги ЎзМУда кластер маркази ўз фаолиятини бошлади.

Уларда Ўзбекистон тўқимачилик ва енгил саноати тизимида кластерларни шакллантириш масаласи вилоятлардаги аниқ иқтисодий-ижтимоий шарт-шароитлар асосида, кластер назариясининг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўлади, деган хулосага келинди.

*Кластер*ни "ягона занжирда айланадиган тараққиёт", деб таърифлаш мумкин. Бу жараённинг тўрт босқичдан иборат бўлиши эътироф этилди:

Биринчи босқич аграр тармоқ юмушлари – саноатбоп хомашё етиштирувчи жабҳа бўлиб, ерни экинга тайёрлашдан, то ҳосилни йиғиштириб олгунча бўлган жараённи ўзи ичига олади.

Иккинчи босқич хомашёни бирламчи қайта ишлаш – ҳосилни тола, уруғ, чигит каби маҳсулотларга айлантиришни ўз ичига олади. Шунингдек, курилиш соҳаси учун ғўзапоядан курилиш товарларини тайёрлаш.

Учинчи босқич чуқур қайта ишлаш жараёнини ўзига олиши билан аҳамиятлидир. Бунда пахта хомашёсидан олинган бирламчи маҳсулотлар истеъмол учун тайёр маҳсулотга

айланади. Жумладан, толадан ип-калава ва ундан мато, тайёр кийим-кечаклар, чигитдан ўсимлик мойи, хўжалик совуни, чорва учун озуқа, фармацевтика учун керакли маҳсулотлар олинади. Ғўзапоя қайта ишланиб ундан иссиқхона учун биогаз тайёрланади.

Тўртинчи босқич. Бунда биринчи босқич билан тўртинчи босқич ўзаро боғланади – ҳақиқий занжир юзага келади. Яъни, олинган озуқа ҳисобига чорвачилик мажмуи ташкил этилиб, ундан олинган маҳсулотларни қайта ишлаш орқали озиқ-овқат саноати учун гўшт-сут етиштириш, уни қайта ишлаш натижасида эса бозорга 30 дан зиёд турдаги тайёр маҳсулот чиқариш мумкин. Чорвачилик тармоғи бевосита аграр тармоқни – ерларни табиий ўғит билан бойитиш имконини беради. Бундан ташқари, биогаз олиш, у орқали кластердаги яна бир тармоқ – иссиқхона хўжалигини ривожлантириш имконини юзага келади.

Кластерда тўқимачилик соҳасини ташкил этиш учун 123,1 миллион АҚШ долларилик инвестиция йўналтирилмоқда. Ушбу маблағ эвазига мавжуд қувватлар модернизация қилиниб, қўшимча равишда йигирув, тўқув ҳамда тикув-трикотаж линиялари ўрнатилади. Шунингдек, лойиҳада тўқилган матоларга ранг бериш учун индигофера ўсимлиги экилиб, ундан индиго рангини берувчи буёқ ҳам олиш мўлжалланган.

Ўз моҳиятига кўра, бу ерда тўқимачилик корхоналари учун саноатбоп хомашё етиштирилади. У ҳам инновацион технология асосида – томчилаб суғориладиган экин майдонларида етиштирилади. Кластер ҳудудида ёғ-мой заводи қурилиб, чигитни қайта ишлаш ҳисобига олинган ёғ истеъмолчиларга жўнатилса, кунжара ҳамда шулха шу ернинг ўзида ташкил этиладиган чорвачилик мажмуига берилади. Яъни, лойиҳага кўра,

кластер ҳудудида 12 000 қорамолга мўжалланган чорвачилик мажмуи ҳам барпо этилмоқда. Чорва учун тўйимли озуқа ҳам "бир занжир"да тайёрланади. Кунжара ва шулхадан ташқари гидропоника усулида қўшимча озуқа экинлари етиштиришни йўлга қўйиш режалаштирилмоқда. Муҳим жиҳати, чорвачилик яна бир инновацияни амалиётга татбиқ этишга йўл очади. Яъни ферма ва ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўладиган органик чиқиндилар келгусида бунёд этиладиган иссиқхоналарни иситиш манбаи бўлган биогаз ишлаб чиқаришга йўналтирилади. Бунда минглаб киши иш билан таъминланади. Меҳнат жамоасининг асосини маҳаллий аҳоли, касб-ҳунар коллежи, республика олий таълим муассасалари битирувчилари ташкил этади.

Буларнинг барчаси мамлакатда кенг кўламдаги ўзгаришлар амалга оширилаётганининг ёрқин далилидир. Энг муҳими, ушбу ислоҳотлар жаҳон стандартлари даражасидаги инновация билан бойитилаётгани билан аҳамиятлидир.

Хуллас, кластер тизимининг хар бир босқичида дунёнинг энг илғор инновацион технологияларни жорий этиш мўлжалланган.

"Илм ўрганинглар: илм зулматда қуёш, ваҳшатда ҳамроҳ, ёлғизликда йўлдош, бегона юртда сирдош, оғир дамда раҳбар, душманга қарши қуролдир"
Ҳадиси шарифдан

ФАН, ТАЪЛИМ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНТЕГРАЦИЯСИ

Илм – фан башариятнинг бугуни ва келажагини белгилашда муҳим ўрин тутади. У тараққиётга бевосита таъсир кўрсатади. Аҳоли эҳтиёжларини қондириш баробарида, ҳаётини янада фаровон қилади, муҳофазалайди, энг муҳими, замонавий, ишончли хизмат кўрсатади. Иқтисодиёт ривожининг жадаллигини таъминлайди.

Файласуф Конфуций ҳақида шундай ҳикматли ҳикоят бор: у ёшлигида балиқчининг олдига борибди. Балиқчи унга тутган балиғидан тутқазибди. Шунда бола Конфуций балиқчига қараб, – Менга ёрдам бермоқчи бўлсангиз, балиқ берманг, балки балиқ тутишни ўргатинг. Шунда мен бу ҳунар билан оиламни боқаман, ундан ортса, қўшниларимга, ундан ҳам ортса, сизга ҳам бераман, деган экан.

Бугун *кластер*да ҳамкорлик қилаётган олимларнинг иши ҳам балиқчининг ишидек. Улар деҳқонга тайёрини бериш эмас, балки уни ўргатмоғи даркор. Шунда деҳқон ўзини ҳам эплайди, элни ҳам боқади.

Фикримизни кенгроқ ифодалайдиган бўлсак, қишлоқ хўжалигида энг янги агротехник ва механизациялашган инновацион лойиҳаларни жорий этиш орқали ҳосилдорликни ошириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш имкони юзага келади.

Қишлоқ хўжалигида **юқори натижага эришиш, аввало, нав танлашга боғлиқ.** Нав яхши бўлса, ҳосил ҳам сифатли, ҳам салмоқли бўлади. Шу боис, республикамиз иқлими, тупроқ шароитига мос навларни яратиш ниҳоятда муҳим вазифа

ҳисобланади. Негаки, ишлаб чиқаришга жорий этиладиган навлар ҳосилдор, жаҳон бозори талабларига жавоб бера оладиган, касаллик ва зараркунандаларга бардошли бўлиши зарур.

Мавжуд ресурслар чекланган шароитда ҳосилдорликни оширишнинг энг муҳим омили – **ресурс тежамкор усуларни амалиётга кенг жорий этиш** ҳисобланади. Айниқса, сувдан оқилона фойдаланиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқ унумдорлигини оширишнинг аҳамиятини ҳар бир қишлоқ хўжалик ходими бугун фаолиятида яққол кўриб турибди. Уларнинг назарий асосларини яратиш эса олимлар олдига янада катта масъулият юклайди.

Ҳаммамизга маълумки, **қайта ишлаш хомашёга нисбатан бир неча баравар кўп даромад беради.** Айни шу жиҳат яна бир қатор инновацион йўналишларни ўз ичига қамраб олади. Дейлик, биз иккиламчи хомашё деб ҳисоблайдиган маҳсулотлардан бирламчи аҳамиятга эга товар олиш масаласи. Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, пахта пояси, барги, чаноғи, шунингдек, қорамолнинг гўнги каби чиқиндилардан биогаз, биоёқилғи, гумус, сифатли қоғоз, электр энергияси каби инновацион маҳсулотлар олиш мумкин. Унинг технологиясини юртимизга олиб келиш ёки яратиш эса *Кластер*да фаолият юритаётган олимларимиздан катта изланишларни талаб этади.

Инновация – изланишларнинг асоси бўлмоғи лозим. Шу ўринда бир мисолни қайд этсак, бугун илғор давлатларда гидропоника усули кенг тарқалмоқда. Ўсимликни тупроқсиз сунъий муҳитда ўстириш технологияси асосида етиштирилаётган ўсимликлар ўғитларга муҳтож эмас, улар шундоқ ҳам касалликларга чидамли ва юқори ҳосил беради. Яна бир инновация – тўқимачилик саноатида қўлланиладиган ноёб бўёқбоп ўсимликлар, жумладан, индигофера ўсимлигини экиш ва ундан экологик тоза индиго бўёғини олиш назариясини олиб

кўрайлик. "Ранглар қироли" дея таъриф олган ушбу ўсимликдан олинган бўёқ жаҳон бозорида ниҳоятда қадрланади. Энг муҳими, уни етиштириш учун юртимиз ҳудуди қулайдир.

Инновация – бу бозор талабидан келиб чиққан ҳолда жараёнлар ва маҳсулотларнинг сифатли ўсиш самарадорлигини таъминлаш учун жорий этилган янгиликдир. Инсон интеллектуал фаолияти, унинг фантазияси, ижодий жараёни, кашфиётлари, ихтиролари ва рационализаторлигининг якуний натижаси ҳисобланади.

Янги истеъмолчилик хусусиятлари ёки ишлаб чиқариш тизимларининг самарадорлигини сифатли ошириш орқали бозорга маҳсулот (товарлар ва хизматлар)ни етказиб бериш – инновацияга мисол бўла олади.

Инновация – фойдаланиш учун киритилган янги ёки сезиларли даражада яхшиланган маҳсулот (товар, хизмат) ёки жараён, сотувларнинг янгича услуби ёки иш амалиётидаги, иш ўринларини ташкил этишдаги ва ташқи алоқаларни ўрнатишдаги янги ташкилий услуб ҳисобланади.

"Инновация" атамаси лотинча "novatio" сўзидан олинган бўлиб, "янгиланиш" (ёки"ўзгариш"), "in" қўшимчаси эса лотинчадан "йўналишида" деб таржима қилинади, агар буни яхлит "Innovatio" кўринишида таржима қилсак – "ўзгаришлар йўналишида" деб изоҳланади. Innovation тушунчаси биринчи бўлиб XIX асрнинг илмий тадқиқотларида пайдо бўлди.

"Инновация" тушунчаси ўзининг янги ҳаётини "инновацион комбинациялар"ни таҳлил қилиш, иқтисодий тизимларнинг ривожланишидаги ўзгаришлар натижасида XX асрнинг бошида австриялик ва америкалик иқтисодчи Й. Шумпетернинг илмий ишларида бошлаган. Шумпетер 1900-йилларда иқтисодда ушбу терминни илмий қўллашга киритган дастлабки олимлардан эди.

Инновацияга ҳар қандай турдаги янгилик сифатида эмас, балки мавжуд тизимнинг самарадорлигини жиддий равишда

оширадиган омил сифатида қарашимиз лозим. Кенг тарқалган янглиш фикрлашларга қарамасдан инновациялар кашфиётлардан фарқ қилади

Инновацияларнинг илмий кашфиётлар ва ихтиролардан фарқи шундаки, илм-фан – бу маълум маблағларни билимлар ва ғояларга айлантириш ҳисобланади. Инновациялар – бу билимлар ва ғояларни маблағларга айлантиришдир. Ихтиро – бу янги концепцияни яратиш демак. Инновация – бу ихтиронинг амалий аҳамиятини ажратиб кўрсатиш ва уни муваффақиятли сотиладиган маҳсулотга айлантириш.

Таълим, фан ва амалиёт интеграцияси – тараққиётнинг асосий шартидир. Малакали кадрларни тайёрлаш тизимида унинг аҳамиятини ҳеч нарса билан солиштириб бўлмайди. Зеро, бугунги шиддаткор даврда илму фандан бир қадам орқада қолган инсон жуда кўп нарсани йоқотади. Олимлар билан деҳқонлар ҳамкорлиги, илм эгаларининг деҳқон олдида бўлиши ниҳоятда муҳимдир. Сирасини айтганда, бу йўналишдаги ишлар халқимизнинг "Бешикдан қабргача илм изла" деган пурмаъно мақоли билан ҳамоҳанг бўлмоғи керак. Ўзбекистонда пахта-тўқимачилик саноатида кластер тизимини жорий қилиш ташаббуси Ватанимиз қишлоқ хўжалигини яхлит бир тизим асосида фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясининг чуқурлаштириш учун муҳим омил бўлди. *Кластер* тизими асосида мамлакатимизнинг қишлоқ хўжалиги соҳасида ва академияда фаолият юритаётган олимлар, илмий ходимлар ва соҳа мутахассислари бирлашдилар. Зеро, *кластер* орқали турли касб эгалари – деҳқон, сувчи, боғбон, агроном, инженер, агрохимик, фермер, иқтисодчи, чорвадор, ветеринар, энергетик, технолог, бичувчи, тикувчи, дизайнер, маркетолог, қурувчи, тарбиячи ва олимлар бир мақсад сари сафарбар этилмоқда. Бошқарувнинг битта мақсадга бирлашуви эса барча иш жараёнларини мувофиқлаштиради, осонлаштиради ва жадаллаштиради.

"Кластер усулига биз Ўзбекистон пахтачилигининг келажаги сифатида қарамоқдамиз"
Ш.М. МИРЗИЁЕВ.

БИРИНЧИ БОСҚИЧ – АГРОТЕХНОЛОГИЯ

"Пахта-тўқимачилик кластери"да ер ва сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш энг муҳим вазифалардан бири сифатида қаралади. Бунда сон эмас сифат алоҳида аҳамият касб этади. Агротехникада интенсив технологиялар қўлланилади. Ғўза навларини янада яхшилашга алоҳида эътибор берилади. Хусусан, ҳудуднинг тупроғи ва иқлимига мос навлар экилади.

Ҳосилдорликнинг оширишнинг мезонлари, омиллари кўп. Қолаверса, табиатнинг инжиқлиг-у саховати бор. Бобо деҳқонларимиз айтишадики, йил-йилга ўхшамайди. Шундай жараёнда тажриба ўз сўзини айтади, омилкорлик асқотади. Ҳақиқий деҳқонгина ҳар қандай шароитда ҳам мўл ҳосил етиштиради.

*Кластер*да ана шундай деҳқонлар жамоаси шакллантирилади. Пахтакорларнинг унумли меҳнат қилишлари, ҳар бир тадбирни ўз вақтида ўтказишлари учун барча шароитлар яратиб берилади. Яъни уруғни ерга қадашдан, тўғрироғи, ер шудгорлашдан то ҳосилни йиғиб олгунга қадар пахтакорлар диққат эътиборда бўлади. Ана шу жараёнда кўрсатилаётган хизматлар, яъни инфратузилманинг такомиллаштирилиши натижаларда катта аҳамият касб этади. Хусусан, ерни шудгорлашда тупроқ структурасини яхшилаш мақсадида чуқур ҳайдаш зарурлиги инобатга олинади.

Таъминот тизимида барча шарт-шароитлар яратиб берилади. Хусусан, ёқилғи-мойлаш материаллари ва ўғитни дала бошигача етказиб бериш йўлга қўйилади. Бу эса иш унумдор-

лиги ошиши, вақт тежалишида муҳим аҳамият касб этади. Энг муҳими, ҳар бир тадбирни маромига ва оби-тобига етказиш имконини беради. Шунингдек, бунда энг муҳим жиҳат олимлар билан деҳқонлар ҳамкорлигини мустаҳкамлаш агротехникани илмий усулда ўтказиш имконини беради.

Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, агротехнологияда бир-бирини тўлдирувчи бошқа тармоқлар биргаликда ривожлантирилади. Жумладан, чорвачилик комплекси бунёд этилиб, ерни тўйинтиришнинг муҳим базаси бўлган маҳаллий ўғит шу ернинг ўзидан чиқади. Кўплаб майдонларга чорва озуқаси учун беда ва бошқа седерат ўсимликларнинг экилиши, тўқимачилик учун ранг олиш мақсадида индиго ўсимлигини етиштирилиши қишлоқ хўжалигида ҳосилдорликни оширишнинг энг муҳим жиҳати бўлган "алмашлаб экиш агротехнологияси"ни амалиётга изчил татбиқ этиш имконини беради.

Маҳаллий ўғит ҳақида мутахассис маълумоти

Мутахассисларнинг маълумотларига кўра: 20 тонна чала чириган гўнг таркибида 0,3 тонна аммиакли селитра, 0,25 тонна оддий суперфосфат ва 0,2 тонна калий хлоридга тенг озуқа моддалари бор. Айниқса, шудгор олдидан ер маҳаллий ўғит билан бойитилса, яхши самара бериши исботланган. Шунингдек, маҳаллий ўғит тупроқнинг ҳарорати ҳамда ер наминнинг меъёрида сақланишига ёрдам беради. Бу эса Бухоро вилояти ҳудудида кечадиган қуруқ ва совуқ иқлимда ниҳоятда қўл келади.

Шу ўринда мутахассисларнинг яна бир фикрини келтириб ўтамиз: гўнг тупроқ шўрини ювишда катта аҳамиятга эга. Гўнг ернинг нам ўтказувчанлигини оширади, натижада тузларнинг ювилиши тезлашади. Таркибида маҳаллий ўғит бўлган тупроқнинг намликни сақлаш хусусияти ошади. Демак, сувни иқтисод қилишда ҳам гўнг муҳим ўрин тутади. Ҳар гектар ерга 20 тоннадан маҳаллий ўғит солингач, тупроқ шўри

ювилса, 6-7 центнер атрофида қўшимча ҳосил олиш мумкин бўлади.

Агротехнологиядаги инновация шуки, бу ерда томчилатиб суғориш технологияси амалиётга татбиқ этилади.

Томчилатиб суғориш технологияларининг афзаллик жиҳати фақат сувни тежашда эмас. Суғоришнинг бундай усули ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ҳосил юқори бўлишига эришишда ҳам самарадор ҳисобланади. Масалан, экин майдонларини томчилатиб суғорганда сув ҳар бир экиннинг маълум даврдаги эҳтиёжига мос равишда дала бўйлаб бир текисда тақсимланади. Натижада тупроқнинг намлиги бир хил меъёрда таъминланади. Ўғит сув билан берилганлиги боис ўғитлаш учун техника ишлатишнинг зарурати қолмайди. Шунингдек, бундай усулда берилган озиқ моддаларнинг экинга ўзлаштирилиш кўрсаткичи юқори бўлади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, томчилатиб суғорилган пахта ҳосилдорлиги 60 фоизгача ортар экан.

Бухоро вилоятида амалга оширилаётган *кластер* лойиҳасининг илк натижалари ҳақида қисқача изоҳ бериб ўтишни жоиз билдик. 2017 йилнинг 1 октябридан бу лойиҳа бўйича иш бошланди. Ромитан туманида 8 минг гектар ер ажратилиб, 5 та пахтачилик хўжалиги ташкил этилди. Шунингдек, ушбу майдондаги агротехникани амалга ошириш учун юзлаб техникаларга хизмат кўрсатадиган машина-трактор парки бунёд этилмоқда. Бу ерда бир нафар бош агроном-менежер ва бир нафар бош инженер раҳбарлигида агротехник ишлар авжига чиқмоқда. Беш нафар агроном-менежер ҳозирда уч миллион сўмдан ортиқроқ миқдорда маош олмоқда. Энг муҳими, улар тайёр маҳсулот сотилиши билан кўрилган даромаддан яна тегишли миқдорда қўшимча ҳақ олишади. Бу жиҳат ишлаб чиқариш жараёнига ўзининг ижобий самарасини бериб, манфаатдорликнинг ошишида муҳим омил бўлади.

Пулингдан бир пул қолса ҳам палов е,
Кунингдан бир кун қолса ҳам палов е.
Ўзбек халқ мақоли.

ИККИНЧИ БОСҚИЧ – БИРЛАМЧИ ҚАЙТА ИШЛАШ


Ҳосилни тола, уруғ, чигит каби маҳсулотларга айлантиришни ўз ичига оладиган бу тизим бугун Ўзбекистонда яхши ривожланган. Мутахассислар етарли. Малака ва тажриба тўпланган.

Аммо *Кластер* тизимида унинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Энг аввало, *чиқитсиз хомашё* тамойили бунда устувор бўлади. Яъни ғўзанинг ҳар маҳсули чигитдан тортиб толагача, ҳаттоки, ғўзапоя ҳам маълум мақсад учун ажратиб олинади.

Чигит – ёғ-мой саноати,
чорва озуқаси фармацевтика соҳаси учун хомашё.



Пахта чигитини қайта ишлаш



Лойиҳага кўра Бухоро вилоятида пахта техник уруғларини қайта ишлаш асосида ёғ-мой маҳсулоти ишлаб чиқаришга ихтисослашган "***BCT Fat*Oil***" корхонаси фаолиятини ташкил этиш кўзга тутилган.

"***BCT Fat*Oil***" корхонаси замонавий инновацион пахтачилик – текстиль кластери бўлган "***BCT cluster***" ХК нинг таркибий қисми ҳисобланади.

"***BCT Fat*Oil***" корхонаси фаолиятининг **асосий вазифаси**:

– Ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш ва ривожлантириш, янги турдаги маҳсулотлар чиқаришни ўзлаштириш;
– ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш;
– инвестицияларни жалб этиш;
– ишлаб чиқаришнинг молиявий ҳолатини яхшилаш;
– аҳолининг ёғ-мой маҳсулотларига бўлган ички эҳтиёжларини фаоллаштириш;
– ходимлар турмуш даражасини ошириш кабилардан иборат.

Инновацион стратегияни муаффақиятли амалга ошириш, ички ва ташқи бозорда харидоргир юқори сифатли, экологик жиҳатдан тоза маҳсулотларни чиқаришга имкон беради.

Режалаштирилаётган фаолиятнинг асосий истеъмолчиси "***BCT cluster***" ХК таркибига кирувчи – чорвачилик мажмуи ҳисобланади.

"*BCT Fat*Oil*" корхонасининг маҳсулотлари – пахта – ўсимлик ёғи, шрот, шелуха ва, шунингдек, халқ кундалик эҳтиёжида фойдаланиладиган совун, ошхона ювиш воситалари ва бошқа товарлар юқори сифат ҳисобига Ўзбекистон Республикаси истеъмол бозорида харидоргир маҳсулотларга айланади.

Қорамол учун шрот ва шулха



Мавзуга доир маълумот

Ўзбекистонда қадимда мой ишлаб чиқариш асосан мойжувозда амалга оширилган. Биринчи мой заводлари 1883-84 йиллари Қўқонда, кейин 1893 йилда Каттақўрғонда, 1922 йилда Янгийўл шаҳрида ва 1930 йилда Фарғонада 24 гидропрессли завод қурилган. 1936 йилда экстракция усули билан чигитни қайта ишлайдиган цех Каттақўрғонда фаолият юрита бошлаган. Халқ хўжалигида ёғлар катта аҳамиятга эга, чунки улар карбон сувлар ва оқсиллар билан бир қаторда озиқ-овқатнинг асосий компоненти ҳисобланади. Ёғларнинг таркибида линол, линолен ва арахидон кислоталари (витамин Ф), витамин Е, Д, А, каротин (провитамин А), фосфатидлар, стеринлар мавжуд. Ёғлар халқ хўжалигининг турли соҳаларида, шунингдек, техник мақсадларда (совун, глицерин, олиф ишлаб чиқаришда) кенг ишлатилади.

Ёғларни қайта ишлаш саноатининг бошланғич хомашёси бири ўсимлик ёғларидир. Жумладан, пахта чигити.


Кластер тизимида чигитдан ёғ, чорва озуқаси, фармацевтика учун бошқа маҳсулотлар олишга жиддий ёндашилади.

Бухоро вилоятида амалга оширилаётган лойиҳада 8 минг гектар майдонда ғўза парваришланади. Бунда ўртача бир гектардан 30 центнердан ҳосил олинганда 24 минг тонна пахта хомашёси олинади. Демак, 2 минг тоннадан зиёд пахта ёғи, 384 килограмм совун олиш имконияти мавжуд. 10 минг тоннадан зиёд чорва озуқаси тайёрлаш мумкин. Айни шу жиҳатлар чигитни қайта ишлаш, хусусан, ёғ саноатини ривожлантириш истиқболини белгилаб беради. Ҳозирда лойиҳа доирасида бунинг учун технологиялар келтириш, корхоналар билан ҳамкорлик ўрнатиш борасида ишлар олиб борилмоқда.

Тола – тўқимачилик саноати учун хомашё

Бугун мамлакатимизда пахта толасини чуқур қайта ишлаш ҳажми ошмоқда. Бу кўрсаткич ўтган асрнинг 90-йилларидаги 7 фоиздан 50 фоизгача ўсди. Ҳисоб-китобларга кўра, яқин йиллар ичида Ўзбекистонда етиштирилаётган жами пахта толасининг асосий қисми ўзимизда чуқур қайта ишланади. Айни шу жараёнга *кластер* кўмакчи бўлади. У мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган тўқимачилик маҳсулотларининг ички ва ташқи бозорда талаб катта бўлган янги турлар билан бойитилишига муносиб ҳиссасини қўшади. Соҳага жалб қилинаётган инвестиция ва замонавий технологиялар маҳсулот сифатини ошириб, рақаботбардошлигини таъминлайди, экспорт салоҳияти юксалишига хизмат қилади.

Ғўзапоя – биогаз ва биогумус технологиялари ҳамда қурилиш саноати учун хомашё



Жониворлар боқилади, одамлар истеъмол қиладилар, фақат ақлли инсонларгина овқатланишни биладилар.

Ансельм Брилья-Саварен, француз ёзувчиси.

ҚОРАМОЛЧИЛИК

Ички бозорни мамлакатимизда ишлаб чиқарилган органик озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш – Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишларидан биридир. Аҳоли ўсиши янада жадаллашган ҳозирги замонда уни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масаласи долзарб аҳамият касб этади. Озиқ-овқат маҳсулотларини, айниқса сут-гўшт йўналишидаги маҳсулотларни кўпайтиришга эҳтиёж аҳоли даромадларининг ортаётганлиги, овқатланиш маданиятининг ўсаётганлиги, ушбу товарларга талабнинг



юқорилиги билан изоҳланади. Мазкур масалани ҳал этиш доимо Ўзбекистон ҳукуматининг диққат марказида бўлиб келди. Аҳоли фаровонлигини оширишга ғамхўрлик Республика Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 – йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланган.

Соҳанинг ривожида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг охирги йиллардаги кўплаб фармон ва қарорлари юзасидан амалга оширилаётган комплекс чоралар соҳанинг ривожланишида муҳим роль ўйнади. Бунда асосий эътобор кичик ва ўрта бизнеснинг имкониятларини кенгайтиришга, шахсий мулкнинг республика иқтисодиётидаги ўрни ва аҳамиятини тубдан ошириш, хусусий мулкни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш, ялпи ички маҳсулотда хусусий мулкнинг улушини хорижий капитал иштирокида тадрижий равишда ошириб бориш масалаларига эътибор қаратилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19 июнь 2017 йилда қабул қилинган "Хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш ва бизнеснинг қонуний манфаатларини

давлат томонидан ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари ҳақида”ги қарори муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Республика Президентининг 19 май 2017 йилда қабул қилинган ПП-2978 “Бухоро вилоятида замонавий пахта-тўқимачилик кластерини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қишлоқ хўжалигини, хусусан Бухоро вилоятида чорвачиликни ривожлантиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди ва унинг доирасида мазкур лойиҳани амалга ошириш мўлжалланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қабул қилинган фармон ва қарорларини бажариш кичик ва хусусий тадбиркорликнинг янада ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш, бизнес муҳитни яхшилаш, маҳаллий ва хорижий инвестицияларни Ўзбекистон иқтисодиётига жалб этиш, янги иш ўринларини ташкил этиш, хулоса қилиб айтганда, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Илмий-техник тараққиётнинг энг илғор ютуқлари асосида яратилаётган замонавий чорвачилик мажмуининг таклиф этилаётган лойиҳаси мазкур масаланинг амалий ечимига қаратилган

Лойиҳанинг мақсади

• Сут ва гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган замонавий наслли чорвачилик мажмуи учун тегишли миқдордаги йирик шохли қорамоллар сотиб олиш (12 000 бош);

• Қишлоқ хўжалиги экинлари етиштиришнинг илғор усулларини қўллаш ва захира тежовчи самарадор технологиялардан фойдаланиш асосида замонавий юқори технологик ишлаб чиқаришни ташкил этиш ;

• Ички бозорни юқори сифатли озиқ-овқат товарлари, жумладан, сут, гўшт ва уларни қайта ишлаш маҳсулотлари билан тўлдириш;

• Сотиш учун янги бозорларга чиқиш;

• Янги иш ўринларини ташкил этиш;

• Даволаш хусусиятига эга экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва реализация қилиш;

• Зотли наслдор бузоқ ва ғунажинларни етиштириш ва реализация қилиш;

• Тери ишлаб чиқариш ва чиқиндиларини суяк уни тайёрлашдиган корхоналарга реализация қилиш;

• Ишлаб чиқариш чиқиндилари асосида ёқилғи “брикетлари” ёки “пеллет”лар ишлаб чиқариш ва реализация қилиш;

• Чорвачилик мажмуи чиқиндилари асосида биогаз ва электрэнергияси ишлаб чиқариш;

• Пахта, буғдой ва сабзавотчиликка ихтисослашган фермер, иссиқхона хўжаликлари учун биоўғитлар ишлаб чиқариш ва реализация қилиш.

Маҳсулотнинг тавсифи

Чорвачилик мажмуи маҳсулотларининг асосий турлари:

• Давлат стандарти талабларига мувофиқ олий навли сут хомашёси.

Сутни қайта ишлаш маҳсулотлари:

• 1 босқич – пастеризацияланган сут, кефир, творог, сметана, қаймоқ, ряженка, простокваша, йогуртлар, пишлоқлар;

• 2 босқич – қаттиқ пишлоқ, эритилган пишлоқлар, бринза, табиий сариёғ, табиий ва қуюқлаштирилган сут, қуруқ сут, спрэдлар, эритилган ёғ.

• Давлат стандартига (гўшт) мувофиқ сўйиш учун букачалар ва яроқсиз деб топилган йирик шохли қорамоллар.

Гўштни қайта ишлаш маҳсулотлари:

• Колбаса маҳсулотлари;

• Сосиска ва сарделкалар.

Зотдорлик талабларига мувофиқ насл олиш учун Голштин-фриз и Симменталь бузоқлари.

• Насл олиш учун ғунажинлар (3-4 ойлик бўғоз).

• Биоўғитлар.



Сут – таркиби сут безлари секрети билан тўйинган ва чорва хайвонларини соғиш йўли билан олинадиган суюк озука махсулоти. Ҳозирги кунда сут ишлаб чиқариш – йирик саноат тармоғи ҳисобланади ва махсулотлари ер юзининг барча нуқталарида севиб истеъмол қилинади. Сут таркибида казеинлар, лактоза, сут ёғи (триглицеридлар, тўйинган ва тўйинмаган ёғ кислоталари, кефалин, холитин, эргостерин, холестерин), лактоглобулин, лактоальбумин, триптофан, макро ва микроэлементлар (асосан темир, кальций, фосфор, кобальт, мис, рух, йод, магний) ва организм учун зарур бўлган витаминлар, айниқса С, холин ва биотин мавжуд.

Кефир – каймоғи олинмаган сут ёки ёғсизлантирилган сигир сутидан бир неча турдаги микроорганизмларнинг сутли замбуруг симбиозлари: сут стрептококлари ва таёқчалари, нордон сирка бактериялари ва хамиртуруш қўлланган ҳолда нордон сут ва спирт воситасида ачитиш орқали олинадиган сутли ичимлик. Таркиби бир хил оқ рангли. Бир оз карбонат ангидрит ажралиб туриши мумкин. Кефир бошқа сут махсулотларидан таркибидаги бактерия ва замбуруғларнинг ғаройиб тўплами билан ажралиб туради. Кефир бошқа сут махсулотлари каби пробиотик таъсир кўрсатади, яъни ошқозон микрофлорасини, инсон танасида модда алмашинувини яхшилайди. Бундан ташқари, кефир иммунорағбатлантирувчи, тинчлантирувчи таъсир кўрсатувчи хусусияти билан ажралиб туради.

Творог – сутни ачитиш орқали олинадиган сутли нордон махсулот. Уни тайёрлаш билан қадим замонларда ҳам шуғулланишган. Творогнинг фойдаси таркибида кўп миқдорда витамин ва микроэлементларнинг мавжудлиги билан изоҳланади. Махсулотнинг таркибида суяк тўқималарининг барқарор ривожланиши учун зарур бўлган етарли миқдордаги кальций ва фосфор моддалари мавжуд. Таркиби турли аминокислоталарга бой бўлганлиги сабабли творог жигар касалликларини профилактикасида муҳим ҳисобланади. Творогда хайвон оқсилининг мукобили ҳисобланган тенгсиз табиий кислоталар мавжуд. Махсулотдаги фойдали моддалар қонда гемоглобин пайдо бўлишига ёрдам беради ва асаб тизими фаолиятини яхшилайди.

Қаймоқ – каймоғи олинмаган сутдан ёғларни сепарациялаш йўли билан фракцияларга ажратиш орқали олинган махсулот. Истеъмол учун одатда янги пастеризацияланган (оддий, ёғлиқлик) ёғ даражаси 10–20% ва 35%) кўринишда ишлаб чиқарилади. Юқори ёғлиқлик даражасига эга бўлганлиги учун қаймоқ жуда тўйимли махсулот ҳисобланади. Таркибида 3,5% оқсиллар, 4,3% углеводлар, минерал тузлар ва витаминлар (А, Е, В1, В2, С, РР ва б.ш.) бўлганлиги учун қаймоқ тиббиётда даволаш мақсадларида парҳез таом сифатида фойдаланилади. Қаймоқ сметана ва сарёғ тайёрлашда, шунингдек, турли кондитер махсулотлари тайёрлашда ишлатилади. Қаймоқ жаҳон халқларининг севиб истеъмол қиладиган энг сара махсулотларидан бирига айланган.

Сметана (қуюқ қаймоқ) – каймоқдан енгил ачитиш йўли билан олинадиган сут махсулоти. Унинг фойдали хусусиятлари таркибида витамин, макро ва микроэлементларнинг кўплиги билан изоҳланади. Ундаги витамин А, кўриш фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади ва кўз билан боғлиқ турли касалликларни олдини олишга ёрдам беради.Сметана таркибида мавжуд бўлган калий туфайли, инсон танасида модда алмашинуви нормаллашади ва юрак-қон тизими фаолияти яхшиланади. Бундан ташқари мазкур элемент инфаркт, инсульт ва бошқа юрак билан боғлиқ муаммолар хавфини камайтиради.

Простокваша (Чучук қатиқ) – сутли парҳез махсулоти бўлиб ачитиб ивитилган қуюқ сут кўринишига эга. Уни тайёрлаш технологияси сутни табиий соф сут кислотаси бактериялари асосида ачитиб ивитишга асосланган. Ёғнинг миқдори 3,2%дан кам эмас. Юқори ҳазм бўлиш, энергетик қуввати, организм, ошқозонга ижобий таъсир кўрсатиш хусусияти билан ажралиб туради.

Простокваша (Чучук қатиқ) – инсон организми учун бебаҳо аминокислоталар ва витаминлар манбаи ҳисобланади. Чучук қатиқнинг склерозга қарши таъсири унинг таркибида ярим тўйинган ёғ кислоталари омега-3 ва омега-6нинг мавжудлиги билан изоҳланади. Бундан ташқари ушбу кислоталар юрак ишемик касалликлари, гипертониянинг ривожланишини секинлаштиради ва уларнинг асоратларидан огоҳлантиради.















Пишлоқ – бу озуқа маҳсулотини пишлоқ тайёрлашга ярайдиган сутдан махсус ферментлар ва сут кислотаси ҳосил қиладиган бактерияларлардан фойдаланган ҳолда тайёрланади. Пишлоқ ўз таркибига кўра 25%гача оқсиллардан, 60%гача ёғлардан, 3,5%гача углеводлардан ташкил топади.

Энергетик қувватига кўра юқори калорияли маҳсулот ҳисобланиб, ёғ ва оқсилнинг миқдорига кўра 100 гр пишлоқда 250 дан 400 ккал бўлиши мумкин.

Сариёғ – сигир сутидан олинадиган асосий маҳсулот. Маҳсулот кўринишида 78 – 82,5% лик сут ёғлари концентратидан иборат. Эритилган ёғда унинг миқдори – 99% га яқин. Мазаси, хушбўйлиги, тўйимлилигига кўра сариёғ энг яхши ва қимматли озиқ-овқат ёғлари каторига киради.

Озуқа стандарти талабларига кўра сариёғ қуйидаги сифат хусусиятларига эга бўлиши керак: маза ва ҳид мусаффолиги, бегона таъм ва ҳидларнинг бўлмаслиги, консистенциясининг зичлиги, рангининг бир хиллиги (оқ ёки крем рангда). Тузли сариёғ учун шўрлик даражаси меъёри 2% дан ошмаслиги ва бир маромда тузланганлиги талаб этилади.

Қуруқ сут – сувда эрувчан кукун кўринишида бўлиб, меъёрлаштирилган ва пастеризация қилинган сигир сутини куритиш орқали олинади. Одатга кўра илиқ сувда эритилади ва ичимлик сифатида истеъмол қилинади. Бу жараёнда у янги пастеризацияланган сутга хос хусусиятларини сақлаб қолади. Кулинарияда кенг фойдаланилади. Кўплаб болалар сутли аралашмалари турларининг таркибига киради. Оддий сут маҳсулотларига нисбатан узоқ сақланиш муддатига эгалиги билан ажралиб туради. Бундан ташқари тез эрувчан қуруқ сут ҳам мавжуд. Ундан нон-булочка ва гўштдан тайёрланадиган маҳсулотларда бириктирувчи модда сифатида фойдаланилади.

Гўшт – аҳоли кундалик ҳаётида севиб истеъмол қиладиган кенг тарқалган озиқ-овқат маҳсулотидир. Гўштнинг озуқавий ва биологик қимматини унинг бой кимёвий таркиби(айниқса оқсиллар) ташкил қилади. У осон ҳазм бўлиши ва тўйимлилиги билан ажралиб туради. Таом тайёрлаш унга осон ишлов бериш мумкин. Гўшт кўнгилга урмайди. Истеъмол қилиш учун ундан кенг ассортиментдаги ранг-баранг таомларни тайёрлаш мумкин.

Гўштнинг таркибида тўлақонли оқсиллар, шунингдек, ёғлар, турли туман витаминлар, фойдали экстрактлар мавжуд. Гўшт ва гўшт маҳсулотлари инсон организмини оқсил ва ёғ, танага осон сингувчи фосфор, калий натрий, рух, йод, мис ва бошқа минерал моддалар, витаминлар (асосан В гуруҳи) билан таъминловчи муҳим бебаҳо манба ҳисобланади.

Колбаса – озуқа маҳсулоти, кўриниши узунчоқ ичак қобиқдаги гўшт қиймаси фаршидан иборат. Таркиби бир ёки бир неча турдаги гўшт ва бошқа қўшимчалардан иборат, маълум ҳароратда бир ёки бир неча марта қайнатилиб, қовуриб тайёрланган (ферментацияланган) бўлиши мумкин.

Сосиска – истеъмолдан аввал қисқа вақт ичида қайнатиш ёки қовуришни талаб қилувчи кичик ўрамдаги гўшт маҳсулоти.

Сарделька – қалин ва қисқа сосиска.

Икки маҳсулотнинг таркиби ва тайёрланиш усулида ҳеч қандай принципиал фарқ йўқ. Фарқи фақат шакли ва номланишида.

Симменталь зотининг наслдор бузоклари. Янги туғилган бузокларнинг тирик вазни 34 - 42 кг оралиғида. Бузоклар ёши 1-3 ойлик ва вазни 100 - 130 кг бўлганда реализация қилинади.

Голштин-фриз зотли наслдор бузоклар.Туғилгандаги тирик вазни 38 - 45 кг. Бузоклар ёши 1-3 ойлик ва вазни 100 - 110 кг бўлганда реализация қилинади.

Насл олиш учун 18 – 20 ойлик ғунажинлар. Вазни: реализация давридаги ёши ва бўғозлик муддатига қараб 450-550 кг. Бўғозлик даври: 3 – 4 ой. Зоти: Голштин-фриз, ранги ола-була ва Симменталь.

Биоўғит – органик моддалар (гўнг, қий, ўсимлик колдиклари ва б.ш.) нинг анаэроб (кислородсиз) муҳитда ачиши жараёнида пайдо бўладиган шлам. Биоўғит биогаз қурилмаси фаолиятининг қимматли маҳсулоти ҳисобланади. Биоўғитдан окилона фойдаланиш экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқаришга ёрдам беради.









"Буюк ишларни узоқ вақт ўйлаш эмас, балки рўёбга чиқариш керак".

Юлий ЦЕЗАРЬ.

ЗОТЛАРНИНГ ХАРАКТЕРИСТИКАСИ

Голштин-фриз



Сут йўналишидаги қорамолларнинг зоти.

Голштинлар – бу йирик, узун оёқли, ясси мускулатурага эга қора-олачипор ва қизил-олачипор рангли сигирлар зоти. Қора-оқ ёки қизил-оқ рангли жониворларнинг одатда елини, думининг попуги ва оёқнинг тўпиққа қўшилган қисми оппоқ бўлади.

Голштин зотли молларнинг кўпчилиги қора-олачипор рангга эга. Бир йиллик сигирларнинг тирик вазни – 650 кг. гачани ташкил этади. Вояга етганлариники эса – 750 кг. гача. Буқаларнинг тирик вазни – 1200 кг. гача. Бир йиллик сигирлар яғрининг баландлиги 137 см, вояга етганлариники 143-145 см, кўкрагининг чуқурлиги 80 см, кенглиги 55 см. Буқачаларнинг тирик вазни туғилишда 35-42 кг, урғочиларники эса 32-38 кг. Ўртача сут соғиш миқдори 7000дан 8538 кг. гача (таркибидаги ёғ – 3,8%, оқсил 3,2%).

Голштин зотли сигирларнинг сут безлари яхши ривожланган, мускулатураси эса европанинг бошқа ола-була молларига нисбатан ихчамроқ кўринишга эга. Сигирларнинг елини катта ҳажмли, кенг, қорин деворига мустаҳкам ёпишган. 95% дан ортиқ сигирларнинг елини яримшарсимон шаклга эга. Елининг индекси – 48-50%, сут бериш тезлиги – минутига 2,5 кг. гача. Танлов пайтида одатда эътибор минутига 3,0 кг. ва ундан ортиқ сут берадиган говмишларга қаратилади.

Тез вояга етувчи голштин сигирининг оёқ ва туёқлари тўғри жойлашган. Ем-хашакка иштаҳаси зўр. Функционал тана тузилишига эга. Танага мустаҳкам жойлашган ва соғиш учун қулай сут безлари юқори сут маҳсулдорлиги ва лактацияларнинг муҳим асосидир. Маҳсулдорликдан ташқари даромад келтирувчи голштинлар осон бўғоз бўлиш ва насл бериш қобилиятини ҳам намойиш этади. Қорамол етиштиришнинг соғлом шароитларини таъминлаш доирасида тўйимли озуқа рациони билан уларни боқиш ва ўтлатиш натижасида ёш бузоқлар танасига ўртача кундалик вазн қўшилади. Говмишлар бўғоз бўлишининг сабаби уларнинг ёшида эмас, балки яхши жисмоний ўсишидадир. Мазкур соҳада Германияда турли шаклдаги ихтисослашган махсус корхона ва муассасалар мавжуд. Ҳар йили жаҳоннинг 35 дан ортиқ мамлакатига ўн минглаб насли зотлар китобига қайд этилган қорамоллар экспорт қилинади. Тан олинган немис етакчи наслдор буқаларининг сперма ва эмбрионларига жаҳон мамлакатларида талабнинг катталиги бежиз эмас.

Хулоса сифатида, бир неча афзалликларини кўрсатиш мумкин:

- *Юқори сут маҳсулдорлиги кўрсаткичи;*
- *Турли иқлим шароитларига осон мослашишининг юқорилиги;*
- *Касалликларга чидамлилик (тегишли парвариш бўлганда);*
- *Покизалик.*

Симменталлар – икки йўналишдаги (сут ва гўшт) сигирлардир ва иккисида ҳам маҳсулдор ҳисобланади.

Замонавий симменталь зотли қорамоллар йирик, баланд кўринишга эга. Яғрининг баландлиги 135-140 см. Бўйлама тана узунлиги 160-165см), гавда суяклари бақувват (товонининг айланаси 20-21см), калла катта, пешона қисми кенг, бўйни ўртача узунликда, кўкраги чуқур (68-72 см) ва кенг (45-47 см). Асосий ранги - малла, малла ола-була, қизил ола-була. Бузоқларнинг туғилгандаги тирик вазни 36-45 кг. Вояга етган сигирларнинг тирик вазни – 575-650 кг, буқаларники – 900-1200 кг. Гўштга сўйилган бузоқларида гўштнинг миқдори 55-60% ташкил этади. Ўр-



тача сут бериши 3500 дан 7500 кг гача(умумий оғирлигида ёғнинг улуши – 3,8-4,2%, оқсили 3,3-3,5%. Елинининг индекси 42-45%.

Симменталь моллари оғир иқлим ва ем-хашак шароитларига мослаштирилган. Моллар дағал хашакни осон ҳазм қилишга қодир, юқори табиий резистентликка эга ва пишлоқ ишлаб чиқаришга яроқли ажойиб сифатли сут беради.

Симменталь зотли сигирларнинг ранги асосан чўтир олабула сарғиш, баъзан малла. Жониворларнинг аксариятининг ранги қизил ола-була тусда, калла ва думлари оқ. Сигирлар йирик, бақувват, кўпол тана тузилишига эга. Яғрининг баландлиги 136-148 см. Симменталларнинг танаси мутаносиб ривожланган, кенг, бўйлама узунлиги 160-165 см. Калласи катта, аммо калта, пешона қисми кенг. Шохлари оқиш, яхши ривожланган. Бурун юзаси тиниқ пушти ранг. Бўйни ўртача узунликда. Кўкраги чуқур (67-73 см), кенг (44-48 см). Айланаси катта, буқаларининг бақбақаси яхши ривожланган. Яғрини, елкаси ва бел қисми тўғри ва кенг. Елини кенг думалоқ. Думғаза текис, тўғри, баъзан кўтарилган. Гавдаси бақувват, мустаҳкам. Оёқлари калта, тўғри, туёғи мустаҳкам, оқиш. Териси қалин, чўзилувчан, мустаҳкам, тош босади. Мускулатураси яхши ривожланган.

Симменталь зотли қорамоллар ҳаракатчан, фаросатли, бўйсунувчан ва касалга чидамли ҳисобланади. Репродуктив функцияси яхши ривожланган. Симменталлар барча иқлим шароитларига яхши мослашувчан, чидамли зот ҳисобланади.

Хулоса қилиб, бир нечта асосий фазилатларини кўрсатиш мумкин:

- *Сут-гўшт йўналишидаги чатиштирилган қорамол зотлари икки томонлама ҳам маҳсулдор ҳисобланади;*
- *Бузоқлар озуқа танламайди, узоқ вақт сут билан озиқлантириш қўшимча озуқаларни иқтисод қилиш имконини беради;*
- *Яхши озиқлантирилганда суткасига 1 кг. гача вазни ортади.*
- *Ишлаб чиқарувчилар сутнинг сифатини яхшилаш мақсадида бошқа сутдор зотли сигирлар билан чатиштиришдан фойдаланадилар;*
- *Мустаҳкам соғлиқ ва босиқ феъл-атворга эга.*

Ем-хашак базаси

Сут ва гўшт ишлаб чиқаришни ташкил этиш вояга ётган қорамол гуруҳлари эҳтиёжини тўйимли моддалар била таъминловчи барқарор ем-хашак базасини яратишни назарда тутади. Тажриба шуни кўрсатадики, ишлаб чиқариш шаклидан қатъий назар сарфланаётган барча харажатлар таркибида озуқанинг улуши 70% ни ташкил этади.

Йирик шохли қорамол ўсимлик ва чорвачилик озуқалари, уларни қайта ишлаш маҳсулотлари ва турли озиқ-овқат чиқиндилари билан озиқланишга мослашган.

Чорвачиликда турли туман озуқалар ичида тўйимлиликда чорва моли эҳтиёжини тўла қондирадиган емиш топиш қийин. Бундан ташқари, шундай емларни топиш керакки, уни ишлаб чиқариш кам меҳнат ва харажат талаб қилсин. Бу, айниқса, озуқа базаси ва рационининг асосий қисмини ташкил этадиган ва унинг энергияга ва протеинга бўлган эҳтиёжини 60-80% қондирадиган ўсимликлик компонентига алоқадор. Турли ёшдаги вояга етаётган қорамол гуруҳлари учун рационлар тузишда у ёки бу озуқанинг тўйимлилик даражасини ва ҳайвонларга бериладиган оптимал дозасини билиш муҳим. Бу эса озуқа ишлаб чиқаришнинг маҳаллий имкониятларига боғлиқ бўлади.

Ер майдонларини суғоришда сувни тежовчи технологиялар

Лойиҳада табиат захираларидан самарали фойдаланиш мақсадида, асосан суғоришнинг ёмғирлатиш ва қисман юзадан суғориш усулларини қамраб олган аралаш усуллардан фойдаланиш режалаштирилмоқда. Бу яна ер майдонининг нишаблик ҳолатининг тавсифи ва сув захираларига нисбатан ўсиб бораётган талабнинг долзарблиги билан изоҳланади.

Режалаштирилаётган мазкур тадбирлардан мақсад:

• Суғориш юзасидан барча ишларни механизациялаш;

• Суғоришда фойдаланиладиган сувни энг камида 20-25 фоизга иқтисод қилиш;

• Ем-хашак экинлари экин майдонини бир текис намлаш ҳисобига ҳосилдорлигини ошириш;

• Сувни иқтисод қилиш ҳисобига насос агрегатларига сарфланаётган энергияни иқтисод қилиш;

• Ерга ишлов бериш, эгат, жўякларни суғориш зарурияти-ни камайтириш ҳисобига ердан фойдаланиш коэффициентини (ЕФК) ошириш;

• Минерал ўғитларни сув билан бирга бериш ҳисобига за-хираларни иқтисод қилиш;

• Тупроқда механизациялашган ишларнинг камайиши ҳи-собига ЁММ иқтисод қилиш;

• Ходимларнинг меҳнат шароитлари ва деҳқончилик мада-ниятини оширишдан иборат.

Ёмғирлатиб суғориш усулининг афзаллигини насос билан етказиладиган сув воситасида суғориш турларини қиёслаш орқали ҳам кўриш мумкин. Режалаштирилаётган ер участка-ларининг асосий қисми насослар ёрдамида суғорилади.

Экинни суғориш учун насос ёрдамида 10 метр баландликка узатиш орқали экинни суғориш турларини қиёслаш (пахта мисолида)

Харажатлар ва даромадлар моддалари	Ўлч. бир.	Эгатлар бўйлаб	Ёмғирлатиб суғориш
Ҳосилдорлик ва сув сарфи			
Пахта ҳосилдорлиги	ц/га	25	33
Пахта нархи	$/ц	47	47
Пахтани суғориш меъёри	м3/га	13000	6500
Сувнинг нархи	$/га	65	32,5
Пахта ҳосилининг нархи	$/га	1175	1551

Майдонга насослар орқали сув келтириш харажатлари			
Насос қурилмасининг нархи	$/кВт	300	300
Насос қурилмасининг яроқлилик муддати	йил	10	10
Қурилма амортизацияси учун йиғимлар	$/га	10	10
Майдон даражасида сув тортишнинг баландлиги	м	10	10
Электроэнергия харажатларининг нархи	$/га	170	85
Ходимлар персоналининг иш ҳақи	$/га	40	30
Далага сув келтириш харажатлари	$/га	220	125
Суғоришга кетадиган харажатлар			
Суғориш қурилмаларининг нархи	$/га	10	1000
Суғориш тизимининг хизмат муддати	йил	1	10
Биринчи йил учун суғориш қурилмасининг нархи	$/га/йил	10	100
ДУ, КО персонали ва суғорувчиларнинг иш ҳақлари	$ / йил	40	60
Суғориш қурилмаларидаги сувнинг босими	м	0	15
Суғориш қурилмаларига сарфланган ЭЭ харажатларининг миқдори	$/га	0	21
Суғоришдаги якуний харажатлар	$/га	50	181
Сувни етказиш ва суғоришга сарфланган жами харажатлар	$/га	335	338
Жами даромад	$/га	175	1551
Жами фойда	$/га	840	1213
Харажатларнинг қопланиш муддати муддати	йил	0,4	0,4

Техниканинг тавсифи

Замонавий ёмғирлатиб суғориш қурилмалари амалий жиҳатдан кўпроқ АҚШ, Хитой, Германия, Исроил, Италия ва Россия давлатларида қўлланилади ва мазкур давлатлар ушбу техникаларни ишлаб чиқаришда етакчи ҳисобланади.

Германиянинг "Beinlich" ёмғирлатиб суғориш машинаси мисолида буни кўриб чиқишимиз мумкин.

1 комплект ёмғирлатиб суғориш машинаси 50 га. майдонга хизмат қилади.



Комплект:

- суғориш барабани;
- консолли пуркагич (ишчи кенглиги 50 м.);
- насос агрегати;
- рухланган қувурлардан иборат.

Чорвачилик мажмуи учун механизациялаш концепти

Чорвачилик мажмуида замонавий қишлоқ хўжалик техникаси базасининг мавжудлиги ем-хашак экинларини етиштиришда жуда муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадда механизациялашнинг қуйидаги концепти ишлаб чиқилди.

Концептни ташкил этувчилар

1. Тупроқ ва экинларга ишлов бериш	• Омочли технология (Омоч, экиш олди тайёргарлик ишлови, экиш); • Омочсиз технология (Анғиз билан ишлов бериш, Экиш комбинацияси /дискли борона(мола) + сеялка).
2. Экинларни ҳимоя қилиш ва ўғитлаш	• Икки тарелкали сочувчи; • Тиркамали пуркагич; • Суюқ органик ўғитлар (Ўзи ҳаракатланувчи агрегат).
3. Йиғим-терим техникаси	• Дон йиғиш комбайни; • Ем-хашак комбайни.
4. Тракторлар	• Концептда тавсифи келтирилган техника маҳсулдорлиги билан мувофиқлаштирилган.

Ерга асосий ишлов бериш

Lemken
EuroPal 7 4+1
EuroPal 7 4
Маҳсулдорлик: 2,05 га/с.
Майдон/йил: 820 га.
Трактор: 250 и 150 о.к.



Анғиз билан ишлов бериш

Lemken
Rubin 9
Ишчи кенглиги: 3 м;
Маҳсулдорлик: 1,75 га/с;
Майдон/йил: эҳтиёжга кўра
Трактор: 150 о.к.



Экишдан аввалги тайёргарлик

Lemken
Kompaktor
Ишчи кенглиги: 4 м;
Маҳсулдорлик: 2 га/с;
Майдон/йил: 480 га;
Трактор: 150 о.к.



Донли экинларни экиш

Lemken
Saphir 7
Ишчи кенглиги: 3 м;
Маҳсулдорлик: 1,2 га/с;
Майдон/йил: 336 га;
Трактор: 150 о.к.



Кунгабоқар экиш

Maschio pneumatisch
Аниқ экувчи сеялка
Ишчи кенглиги: 4 м;
Маҳсулдорлик: 1,5 га/с;
Майдон/йил: 1350 га;
Трактор: 150о.к.



Қаттиқ минерал ўғитлар билан ўғитлаш

Rauch
(X2)
Ишчи кенглиги : 24 м;
Маҳсулдорлик: 14 га/с;
Майдон/йил: 11000 га;
Трактор: 120 о.к.



Ўсимликларни ҳимоялаш

Lemken – Ўсимликларни ҳимоялаш;
Eurolux 1000л пуркагич:
Ишчи кенглиги: 15 м;
Маҳсулдорлик: 4 га/с;
Майдон/йил: 640 га;
Трактор: 120 о.к.



Суюқ органик ўғитлар билан ўғитлаш

Holmer (Ўзи ҳаракатланувчи агрегат);
Terra Variant (10м³) (x1);
Иш кенглиги: 6 м;
Маҳсулдорлик: 5 га/с.




Ўт ўриш

CLAAS
DISCO FRC
DISCO RC
Ишчи кенглиги : 6 м;
Маҳсулдорлик: 4 га/с;
Майдон/йил: 1600 га.



Ғарамлаш

CLAAS
Volto 870 (x2)
Ишчи кенглиги: 8 м;
Маҳсулдорлиги: 4 га/с;
Майдон/йил: 1600 га.



Чорвачилик, ем-хашак экинларини йиғиш

CLAAS
Jaguar 850
Ишчи кенглиги: 4,5 м;
Маҳсулдорлик: 3 га/ч;
Майдон/йил: 800 га.



Пресслаш

CLAAS
Rollant 340
Ишчи кенглиги: 2 m;
Маҳсулдорлик: 4 га/с;
Майдон/йил: 1600 га.



Ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ва атроф муҳитга таъсири

Лойиҳанинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти

Лойиҳани амалга оширишда қуйидаги бир қатор масалаларни ҳал этиш назарда тутилган:

- **Ходимларининг барқарор даромад олишларига имкон берувчи янги иш ўринлари яратиш;**
- **Чорвачиликнинг сут-гўшт йўналишига ихтисослашган юқори технологик хўжалик субъекти яратиш;**
- **Ҳудуднинг ер-сув-энергетик захираларидан самарали фойдаланиш;**
- **Ромитан тумани бюджетига солиқлар ва бошқа тушумларни тушуриш.**

Ижтимоий таъсирлардан қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- **Аҳолининг сут маҳсулотларига бўлган талабининг қондирилиши;**
- **Ҳудуд аҳолисининг сут-гўшт маҳсулотларини истеъмол қилиш маданиятини ошириш;**
- **Аҳолига наслдор зотларни реализация қилиш уларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларида ЙШҚ зотини яхшилашга ёрдам беради;**
- **Шахсий ёрдамчи хўжалигига эга мажмуа персоналининг чорвачиликнинг илғор технологияларига ўқитиш ва тушунтиришга оид турли тадбирларда иштирок этиши.**

АТРОФ МУҲИТГА ТАЪСИРИ

Замонавий чорвачилик ишлаб чиқаришида энергия тежовчи янада мукаммал техиологияларни қўллаш атроф муҳитга антропоген таъсирнинг ошиши билан кечади. Бу эса чорвачилик мажмуи фаолиятидан юзага келадиган салбий ифлосланиш оқибатларини йўқотиш харажатларини ортишига олиб келади. Бунда эҳтимолий салбий оқибатларни аниқлаш ва унинг олдини олиш усуларини белгилаш муҳим ҳисобланади. Буларга атмосфера ҳавосини ифлослантирадиган моддалар; сув ҳавзалари, ер ости объектлари чиқиндилари; тупроқнинг зарарланиши; чиқинди ва ишлаб чиқариш, маиший чиқиндиларининг тўпланишини киритиш мумкин. Чорвачилик корхоналари томонидан атроф-муҳитга чиқариладиган ифлослантириш манбалари турларга:

• Газ-чанг ташламалари — бузилиш, чириш ёки органик чиқиндиларни ёндиришдан юзага келган маҳсулотлар: микроорганизмлар, чанг, органик бирикмалар, азот, олтингугурт оксидлари, углерод;

• Таркибида чангли қаттиқ ярим дисперс модда массаси, озуқа қолдиқлари, шунингдек, азот, нитритлар, нитратлар, хлоридлар, сульфатлар, фосфатлар, патоген микроблар, ёғлар, темир, бактериологик (БПК) ва кимёвий (КПК) зарарли моддалар, нефть маҳсулотлари ва б.қ.лар бўлган сизот сувлар;

• Ишлаб чиқаришнинг кўплаб микроорганизмлар бўлган органик чиқиндилари;

• Чорвачилик мажмуининг ноозиқавий чиқиндилари: ветеринар конфискатлар, кам қийматли маҳсулотлар ва бошқалар.

Мен учун ранг жуда муҳим.
Бу хусусият келажакнинг бир қисми.
Патриция Филд,
америкалик дизайнер.

ИНДИГО – РАНГЛАР ҚИРОЛИ



Лойиҳа концепциясида Индиго табиий бўёғини олиш учун Индигофера ўсимлигини етиштириш ва уни қайта ишлаш бўйича агросаноат фирмаси ташкил этиш назарда тутилган (маслаҳатчилар – проф. А.Эргашев, корейс ва хинд компаниялари ва тадбиркорлари).

Корхона фаолиятининг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

• Ички ва ташқи бозорларда сотиш учун юқори сифатли, экспортбоп, рақобатбардош органик маҳсулот олиш;

• Ишлаб чиқариш натижаларидан фойдани ажратиб олиш

ва маҳсулотни ички ва ташқи бозорларда реализация қилиш;

• Қишлоқ аҳолиси учун ишлаб чиқариш корхоналарида янги иш ўринлари яратиш ва уларнинг ижтимоий масалаларини ҳал этиш.

Иқтисодий жиҳатдан ушбу лойиҳа:

– Янги экспортга йўналтирилган маҳсулотни яратишга;

– Табиий Индиго бўёғини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришга;

– Ҳудудда товар айланишини кўпайишига;

– Янги иш ўринлари яратишга;

– Солиққа тортилувчи базани яратишга ёрдам беради.

Мазкур лойиҳанинг мақсади Бухоро вилоятида **"Индигофера"** ўсимлигини етиштириш ва ундан маҳсулот ишлаб чиқаришдан иборат. Ўзбекистон ва Германия олимлари шуни исботладиларки, Ўзбекистон вилоятларининг кам ҳосилли бўш ерларида табиий бўёқ хомашёси бўлган "Индигофера" ўсимлигини муваффақият билан етиштириш мумкин. Истиқболда саноат усули билан олинадиган ушбу экин экстрактидан ички ва ташқи бозорларда харидоргирлик хусусиятига эша қимматли товар олиш мумкин. Келажакда "Индигофера" ўсимлигини қайта ишлаш орқали **Деним** джинси матосини бўяшда фойдаланиладиган **"Индиго"** табиий бўёғи олинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги ПП – 2978-сонли қарори билан ВСТ "Agro" қишлоқ хўжалик корхонасига умумий ер майдони 8000 га. бўлган ҳудуд ажратилган ва унинг 70 гектарига Индигофера ўсимлигини етиштирилади.

Лойиҳа Ўзбекистон бозоридаги дастлабки ҳаракат ҳисобланади. Бугунги кунда ердан оқилона фойдаланмаслик оқибатида унинг ҳосилдорлиги ёмонлашиб озиқ-овқат маҳсулотлари етишмовчилиги юзага келмоқда. Чўллашиш ва ер ости

шўр сувларининг яқинлиги ўз қора ишини қилмоқда: амалий жиҳатдан ҳар қандай экин ҳам бундай унумсиз заминда ўлади. Ер ҳосилдорлик хусусиятини йўқотади, деградация юзага келади. Шундай қилиб тупроқ унумдорлигини тиклашнинг мумкин бўлган барча усулларидан фойдаланган ҳолда уни яхшилаш ва деградациянинг олдини олиш зарур. **"Индигофера"** ўсимлигини етиштириш мақсадга эришишнинг энг самарали усулларидан бири ҳисобланади. **"Индигофера"** ўсимлиги илгари республикамиз тупроқ-иқлим шароитларида кенг саноат миқёсида экилмаган. Ҳозирга келиб табиий Индиго бўёғига эҳтиёж дунё миқёсида кескин ошиб бормоқда.

Бўёвчи "Индигофера" (Indigofera tinctoria) — дуккаклилар оиласига кирувчи ўтсимон ўсимлик. Индигофера бутлари бўйи бир метрдан бир ярим метргача бўлган баландликгача ўсади. Бугунги кунда Индигофера ўсимлигининг ер шари бўйлаб тарқалган 700 дан ортиқ тури мавжуд. Индиго бўёғининг ватани Ҳиндистон ҳисобланади. ***Индигофера*** ўсимлиги ўша ерда ўсади ва 19 асргача Индиго бўёғи Ҳиндистонда тайёрланган. Индиго бўёғи Миср, Юнонистон, Рим, Эронда каби турли давлатларда қадимги даврлардан буён ишлатиб келинган. Америка қитъасининг жанубида хам учрайди. Индигоферанинг баъзи турлари Қрим, Кавказорти ўлкаларида ва Ўрта Осиёда учрайди. Индиго таркибини ўрганиш ва уни сунъий ишлаб чиқаришнинг техник усуларини кашф қилиниши тарихи қизиқ. 1883 йилда немис кимёгар олими Адольф фон Байер 18 йиллик тинимсиз тадқиқотларидан сўнг Индигони нитробензольдегид ва ацетондан синтез қилишга эришди. XIX аср охирида бозорда нисбатан арзон ва тоза синтетик Индигонинг пайдо бўлиши табиий бўёққа бўлган талабни камайтирди. Ушбу кашфиёт жинси матосини бўяш жараёнини анча арзонлаштирди. 2002 йилда жаҳон мамлакатлари бўйича 17000

тонна сунъий индиго ишлаб чиқилди. Янги индигони соф деб атадилар. Чунки унинг таркибида табиий бўёқдаги каби охиригача тозалаш имкони бўлмаган қўшимчалар йўқ эди. Индиго сувда эримайдиган нисбатан инжиқ бўёқ ҳисобланади. У шунингдек бўёқларнинг нисбатан мустаҳкам турига киради. Камчилиги эса ишқаланиш ва хлор таъсирига чидамсизлигида кўринади. Агар номланиши ҳақида бироз ўйлаб кўрилса, бўёқ қадимда улкан плантацияларида Индигофера ўсимлиги етиштирилган ва уни тарқатиш маркази бўлган Ҳиндистон атамасидан олинганлигини англаш мумкин. Ҳиндистон грекрим ҳукмронлиги даврларидаёқ Европага Индигони етказиб берувчи асосий давлат эди. Римликлар Индиго кукунидан матони бўяш, дори ишлаб чиқариш, косметик ва бошқа мақсадларда фойдаланардилар.

Марказий Европада қадимдан Вайда ўсимлиги (Isatis tinctoria) – таркибида Индиго бўёғи бўлган хочгуллилар оиласига кирувчи икки йиллик ўсимлик ўсади. Нисбатан камроқ нисбатдаги Индиго бўёвчи маржумак таркибида ҳам мавжуд. Шундай бўлсада XX аср бошларигача Маньчжурия ва Хитойда ундан кенг фойдаланилган. Вайда – мовий ранг бўёғи , Индиго кириб келгунга қадар Европада фойдаланилди. Вайда ўсимлиги ёввойи ҳолда Марказий Европа, Кавказ ва Кичик Осиё мамлакатларида учрайди. Қадимги замонларда ушбу бўёқ катта аҳамиятга эга эди ва у деворларга бадиий расм чизишда, мато ва йигирилган калава ипларни бўяшда фойдаланилган. Вайда кўплаб мамлакатларда етиштирилган, барглари йилига икки марта: баҳор ва куз ойларида йиғиб олинган. Вайда барглари озроқ миқдордаги сув билан кўриниши ягона хамир ҳолатига келгунча майдаланган ва баланд хумларда 15 кун мобайнида ачитиш йўли билан сақланган ва сўнгра ундан думалоқ шарчалар ясалган ва қуритилган. Бу тўқ мовий-яшил ёки сарик-яшил шарларни сувда эритиш жараёнида матоларни мовий рангга бўёвчи эритма ҳосил бўлган. Бўёқнинг энг олий навлари Франция жанубида тайёрланган. Вайда таркибида бор-йўғи 20% индиготин моддаси мавжуд ва ўртача сифатдаги 2 кг Индиго бўёғининг бўяш самарадорлигига 100 кг Вайда ўсимлиги бўёғи билан эришиш мумкин.

Европага Индиго XVI асрдан кейин кириб келган ва француз бўёқчилик амалиётида XVIII нинг иккинчи ярмидан ишлатила бошлаган. Ирим, диний хурофот таъсирида ва шунингдек Англия, Франция ва Германияда Вайда етиштириш анъаналарини йўқотмаслик мақсадида Индигодан фойдаланиш ўлим жазоси эвазига узоқ йилларга тақиқланди. Индигога тақиқ Германияда 1577 йилдан бошлаб икки юз йил мобайнида, Францияда эса 1609 йилдан 1733 йилгача амал қилди. Россияда XIX асрда Индиго ўсимлигини Кавказортида (Батуми округида) етиштиришга интилишлар бўлди ва тажрибалар ижобий натижа билан якунланди.

“Индигофера” ўсимлиги қадим замонлардан бери қуйидаги соҳаларда фойдаланилади:

– Қишлоқ хўжалигида кам ҳосилли, унумсиз ерлар мелиоратив аҳволини яхшилаш мақсадида, полиз экинлари, мевали дарахтлар, чой, кофе плантациялари ва шунингдек узумзор ва бошқа экинларга яшил ўғит –экин сифатида экилади;

– Осиё ва Европа мамлакатлари тўқимачилик саноатида пахта, ипак ва жун маҳсулотларини бўяш учун қимматли табиий Индиго бўёғи кукуни (мовийдан ёқут-қизил ранггача) сифатида фойдаланиб келинган;

– Тибет ва Ҳинди-хитой халқ табобатида, фармацевтика саноатида бактерия ва замбуруғга қарши препаратлар, ит тишлаганда, илон захрига қарши даволовчи аралашмалар, тутқанок, тери касалликлари, жигар токсикози, антидепресс

ва ҳатто рак касаллигининг баъзи шаклларига дори хомашёси сифатида ундан фойдаланилган.





Мевалари (ловиялари)нинг узунлиги 2-3 см, қизил-сариқ рангда. Ҳар бирининг ичида ўртача 3- 4 етилган уруғ мавжуд. Пишиб етилган ловияларнинг ранги жигарранг тусда. Уруғлари кичик ва жигарранг. Ён шохлари асосан асосий тананинг қуйи қисмида пайдо бўлади ва ўсиш даврида тананинг баландлигига етади. Экиш зичлигига қараб ҳар бир бутада 10 дан 15 тагача ёнлама шохи бўлиши мумкин. Индиго – бу ҳеч бир суюқликда эримайдиган органик пигмент ҳисобланади. Индиго таркибида рангсиз гликозид индикан мавжуд. Ферментлар ёки кучсиз кислоталар ёрдамида у глюкоза ва агликон индоксил моддаларига парчаланади ва ҳаво таъсирида индиготин моддасига айланади. Уни яна мовий индиго деб ҳам атайдилар. Ўсимликнинг эътибор қаратишга арзийдиган яна бир биологик хусусияти шундан иборатки, дуккакли ловия ва уруғлари етилгунга қадар унинг баландликка ўсиши ва баргларининг пайдо бўлиши фаол тарзда давом этади. Дуккакли ловиялар етила бошлагандан сўнг баргларнинг пайдо бўлиши кескин қискара бошлайди. Етилгандан сўнг эса барглар сарғаяди ва тўкилади. Ўсимликнинг мазкур хусусияти жуда муҳим ва у экинни етиштириш мақсадлари билан боғлиқ: сиз ёки уруғлик, ёки бўёқ учун барглар биомассасини оласиз. Ушбу ўсимликлардан бўёқ олиш қадим замонлардан маълум эди. Бугунги кунда жинси матосини сунъий (тоза) индиго билан бўяш арзонроқ ҳисобланади ва кўпгина йирик ишлаб чиқарувчилар бу имкониятдан фойдаланадилар. Товарни тавсифлашда кўпинча **pure indigo** атамасидан фойдаланилади. Бунда нафақат бўёқ, балки тиниқ тўқ мовий ранг назарда тутилади. Бўёқни тайёрлашда барглар узоқ вақт ферментация қилинади. Кейин, бўёқ тайёр бўлганида, индигонинг ўзига хос ранги кўрина бошлайди. Кўпгина ҳолатларда табиий индигода ипларни бўяш ўрилган ҳолатда қўлда амалга оширилади (гарчи нисбатан осонроқ ва нисбатан арзонроқ машина усули бўлса ҳам). Бунинг узоқ давом этадиган сермеҳнат ва сермашаққат жараён эканлигини айтмаса ҳам бўлаверади. Ип ранги керакли тус олмагунча астойидил бўялаверади ва куритилаверади. Америка Қўшма Штатларида табиий бўёқ сифатида индигодан асосан пахтадан тайёрланадиган жинси матосини бўяшда фойдаланилади. Дунёда бир миллиард жуфтдан ортиқ шимлар мовий индиго билан бўялади.



Индигофера реализациясининг асосий йўналишлари.

Табиий бўёвчилардан фойдаланиш кейинги ўн йилликларда аҳамиятли даражада ошди. Табиий индигоферанинг потенциал харидорлари сифатида:

1. Дизайнерлар;
2. Анъанавий тикувчилик жамоалари;
3. Нодавлат тузилмалари;
4. Музейлар;
5. Тўқимачилик индустриясини кўрсатиш мумкин.

Яқинда табиий бўёвчиларга эҳтиёжни ўрганиш юзасидан бозор ва техник сўровлар ўтказилди. Аниқландики, мазкур масалада АҚШ энг йирик импортерлардан бири экан. Унинг бир йиллик умумий миқдори 3500 тоннага яқин. Ҳозирги кунда Осиё мамлакатлари табиий индиго истеъмоли бўйича жаҳонда етакчи ҳисобланадилар. Хитой сўнгги йилларда 32 тонна, Гонконг эса 21 тонна индиго бўёғи импорт қилди.



Индигофера ўсимлигининг яшил биомассасини йиғиш



Қуруқ порошок (кукун)



Хулосалар

Индиго табиий бўёғини Ўзбекистонда кенг миқёсда етиштириш ушбу маҳсулот экспорти соҳасида жаҳонда етакчи ўринлардан бирини эгаллаш имконини яратади. Бу ҳолат, шунингдек, тўқимачилик саноати соҳаси фаолиятини яхшилашга ва Ўзбекистон ҳудудида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ассортиментини кенгайтиришга муносиб ҳисса қўшади.

Мазкур лойиҳа қуйидаги бир қатор муҳим хусусиятларга эга:

1. Индиго табиий бўёқ ҳисобланади ва унга талаб кундан кунга ўсиб бормоқда. Ривожланган давлатлар индустриясининг эътибори борган сари синтетик маҳсулотлардан табиийлар фойдасига ўзгариб бормоқда.

2. "Индигофера" қиммат маҳсулот бўлиб, талаб юқорилиги ҳисобига катта даромад келтириши мумкин.

3. "Индигофера", шунингдек, ўзи ўсаётган тупроққа ижобий таъсир кўрсатади, бу эса, айниқса, экин майдонлари қаттиқ шўрланган ҳудуди учун жуда муҳим жиҳат дейиш мумкин.

4. Реализациясини эса ички ва ташқи бозорларда амалга ошириш мумкин. Режада, шунингдек, тўқимачилик маҳсулотларини бўяшга ихтисослашган корхона қуриш ҳам кўзда тутилган.


5. Мазкур инновацион лойиҳа Ўзбекистонни Индиго экспорти соҳасида нафақат Марказий Осиёда балки жаҳонда етакчи ўринлардан бирига олиб чиқади.

Инсон қиёфасини либос яратади.
Эрнст Хайне.

УЧИНЧИ БОСҚИЧ – ЧУҚУР ҚАЙТА ИШЛАШ

Лойиҳа доирасида тола олиш замонавий технологиялар асосида амалга оширилиши режалаштирилмоқда. Тўқимачилик саноатининг илғор технологиялари билан таъминлаш ҳамда бу борадаги тажрибалар лойиҳани амалга ошираётган компанияларга ниҳоятда таниш.

Пахта хомашёсини қайта ишлаш



ЛОЙИҲАНИНГ МАҚСАДИ

Мазкур лойиҳанинг мақсади – Ўзбекистон табиий захираларидан фойдаланиш, енгил саноат корхоналари ва Ўзбекистон Республикаси аҳолиси эҳтиёжларини сифатли тўқимачилик маҳсулотлари билан таъминлаш, мамлакатга валюта тушумлари ҳажмини ошириш учун товарларнинг экспортини ташкил этишдан иборат.

Лойиҳага кўра Бухоро вилоятининг Бухоро шаҳрида кенг ассориментда калава, "Деним" матоси ва тикув маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган СП ООО "BUKHARA COTTON TEXTILE" тўқимачилик мажмуини ташкил этиш кўзда тутилган.


Кенг ассортиментдаги ва жаҳон стандартларига жавоб берадиган юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш мақсадида, ISO 9001 Европа стандартларига мос замонавий хорижий технологик қурилмалар ўрнатилади.

Мазкур ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этиш қўшимча иш ўринлари яратиш имконини беради ва ҳудуддаги мавжуд ижтимоий масалаларни ҳал этишга ёрдам беради ва ишлаб чиқариш кучларининг ривожланишига муносиб ҳисса қўшади.

Ишлаб чиқариш қуввати

Техник – иқтисодий асосномага кўра катта ассортиментдаги ип, калава, "Деним" матоси ва тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи тўқимачилик мажмуи ташкил этиш кўзда тутилган. "BUKHARA COTTON TEXTILE" ҚК Бухоро вилояти Бухоро шаҳрида мавжуд бўлган корхоналарни реконструкция қилиш ва "Бухоро текстиль саноат майдонида" янгиларини қуриш йўли билан барпо этилади.

Мазкур корхона қуйидаги тармоқлардан иборат:
- йигирув ишлаб чиқариш;
- калава бўяш;
- тўқимачилик;
- бўяш –пардозлаш;
- тикувчилик;
- ёрдамчи хизматлар.



Бухоро вилоятида пахта-тўқимачилик кластерини маҳсулот ҳажмлари

Экология қонунлари:

1. Табиатда барча нарсада ўзаро боғлиқлик бор.

2. Ҳамма нарсанинг ўз интиҳоси бор.

3. Табиатнинг ўзи доно.

Барри Коммонер.

ТЎРТИНЧИ БОСҚИЧ–ЗАНЖИРНИ ҚАЙТА БОҒЛАШ



БИОГАЗ – Бухоро кластеридаги энергиянинг муқобил манбалари

Биомасса энергетикаси. Маълумки, биомассанинг ачиш жараёнида кластер доирасида – ЙШҚ гўнги, ўсимликлар ва бошқа органика моддалар таркибида юқори миқдорда метан бўлган ва иситиш, электроэнергия ишлаб чиқариш ва бошқаларга яроқли биогаз ажралиб чиқади.

Шундай корхоналар (парранда фермалари, чорвачилик комплекслари ва б.) мавжудки, улар катта ҳажмдаги ҳайвонот фаолияти чиқиндиларини қайта ишлайдиган қурилмалардан фойдаланиш ҳисобига электрэнергияси ва иссиқликдан фойдаланадилар. Ушбу герметик қурилмаларда хомашё ачиш жараёнида ажралган газ ферма эҳтиёжлари учун ишлатилади.

Мазкур энергия турининг афзаллиги шундаки, энергия олиш учун намланган гўнгдан фойдаланиш натижасида гўнгдан фақат дала экинлари учун фойдали бўлган қуруқ қолдиқ (БИОГУМУС биоўғити) қолади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 — 2019 - йилларда Ўзбекистонда биогаз қурилмаларини ишлаб чиқариш ва жорий қилишни кенгайтириш чора-тадбирларига оид 2017 йил 1 июндаги 338В-сонли қарори ижросини амалга ошириш доирасида АЖ "Сирдарё ИЭС", "Хоразм ПТЭС" АЖ ва "Жиззах ПТЭС" АЖ чорвачилик комплексларида турли кўринишдаги БУдан фойдаланиш ва ишлатиш кўникмаларини ошириш мақсадида ўз эҳтиёжлари учун биогаз қурилмалари ишга туширилди. Бундан ташқари, "Ташкент ПТЭС" АЖда йиллик ишлаб чиқариш қуввати 6,0 минг $м^3$ бўлган биогаз қурилмасини ишга тушириш мўлжалланмоқда.

Энергия самарадорлигини ошириш ва харажатларни камайтириш мақсадида биринчи навбатда замонавий биогаз комплексини яратиш режалаштирилган. Асосий хомашё сифатида чорвачилик мажмуи фаолиятининг чиқиндилари жумладан, гўнг, похол ва кластерга кирган корхоналарнинг бошқа чиқиндилари (ғўзапоя, индигофера шохлари ва сут-гўшт комбинати чиқиндилари ва б.) киради. Биогаз лойиҳасининг янада муваффақиятли амалга ошириш учун 2017 йилнинг апрель ойида компаниянинг инглиз тилини мукаммал биладиган икки мутахассиси (Мақсуд Йўлдошев ва Ойбек Назаров) танлаб олинди ва БМТ ва Хитой савдо вазирлиги ҳомийлигида

ташкил қилинган ХХР қишлоқ хўжалиги вазирлиги қошидаги Биогаз институтига халқаро тренингда ўқиш учун юборилди.

Биогаз технологиялари соҳасидаги икки ойлик тренинг мобайнида мутахассислар замонавий даражада жиҳозланган бино ва илмий лабораторияларда соҳанинг етакчи мутахассислари раҳбарлигида маъруза ва амалий машғулотларда иштирок этдилар. Машғулотлар жараёнида соҳанинг назарий ва амалий ишланмалари, жумладан, биогаз қурилмаларининг конструкцияси ва технологияси, хомашёдан фойдаланиш усуллари ва хусусиятлари, биогаз, электрэнергияси, иссиқлик энергияси ва биоўғит генерациясининг имкониятлари, бижғиш жараёнларини тезлаштириш ва секинлаштириш мақсадида бактерия ва катализаторлардан фойдаланиш, охирги олинадиган якуний маҳсулотни тозалаш технологиялари, сақлаш ва ундан фойдаланиш йўллари босқичма-босқич батафсил ўрганиб чиқилди.

Лаборатория биноларида метан ҳосил қилувчи бактерияларни ажратиш, қўшиш ва кўпайтириш, метаболизм жараёнларини тезлатиш ва секинлатиш, лаборатория шароитларида биогазни генерация қилиш юзасидан турли илмий тажрибалар Хитой, Япония, Жанубий Корея, Германия ва АҚШ дан келтирилган энг етакчи илмий асбоб-ускуналар ёрдамида ўтказилди.











Фаолият кўрсатаётган турли ҳажм ва фойдаланиш йўналишидаги, хусусан 4-5 кишилик оилага мўлжалланган маиший, шунингдек, махсус когенерацион электростанцияда биогазни ёқиш йўли билан аҳоли турар жойларини электр ва иссиқлик энергияси билан таъминлашга мўлжалланган саноат қурилмалари жойида ўрганиб чиқилди.

Мутахассислар иштирокида Сычуань вилояти қишлоғида жойлашган хусусий уй ва 12 кишилик ферма эҳтиёжи учун уй паррандалари ва чўчқахона чиқиндиларидан фойдаланадиган анъанавий кичик биогаз қурилмаси яратилди.

Мазкур объект фойдаланишга муваффақиятли топширилгач Мақсуд Йўлдошев ва Ойбек Назаровга биогаз технологиялари соҳасида халқаро тренингни тугатганлиги ҳақида дипломлар тақдим этилди.



Бир ой мобайнида менежерлар томонидан бизнес режанинг дастлабки варианти тақдим этилди. Унга кўра, анъанавий биогаз қурилмалари технологиялари асосида катта металл метатен – идиш ўрнатилди ва унда мезофиль усулида ферментациялаш орқали таркибида 55% яқин метан (CH_4), карбонат ангидриди (CO_2) ва олтингугурт водороди (H_2S) бўлган биогаз олиш имконияти яратилди.

Кейинги тадқиқотлар жараёнида менежерлар томонидан Республикамизда қурилган биогаз қурилмалари бориб кўрилди ва шунингдек, илғор ғарб биогаз технологиялари ўрганиб чиқилди. Қурилмаларнинг иш самарадорлигини баҳолаш ва мазкур соҳадаги янги технология, ишланмаларни ўрганиш ва таҳлил қилиш мақсадида Россия ва Украина давлатларига илмий сафарлар уюштирилди. Сўнгра нисбатан оптимал ечим сифатида анъанавий биогаз қурилмаларидан фарқ қилган ҳол-

да бижғиш жараёни термофиль режимида кечувчи маҳсулдорлиги юқори, биогаз таркибида метан даражаси 70% дан кам бўлмаган янада такомиллашган илғор технологиялардан фойдаланишга қарор қилинди. Ва бу технология, шунингдек, биогазни мембрана тизими йўли билан тозалашни ва ундан қимматли товар сифатида арзон карбонат ангидрид газини ажратишга ҳам имкон беради. Биогаз комплексидан чиқиндилар чиқиш жараёнида юқори сифатли биоўғит олиш имконини берувчи қадоқлаш ва қатламлаш қурилма линияларини фойдаланишни назарда тутади. Улардан, шунингдек, ФИК юқори бўлган энергетик пеллетлар олиш имконини яратади ва уни махсус иситиш печларида ёқилғи сифатида фойдаланиш мумкин бўлади.

Юқорида кўрсатилган технология ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ассортименти ва сифатини яхшилашга ёрдам беради, рентабеллигини оширади ва биогаз лойиҳаси харажатларининг қопланиш муддатларини тезлаштиради.

"Илм ва изланиш бўлмаган жойда ҳеч қандай ривожланиш, юксалиш ва умуман, бирор-бир соҳанинг келажаги бўлмайди".

Ш.М. МИРЗИЁЕВ.

ГИДРОПОНИКА



Гидропоника усули ёрдамида йирик шохли қорамоллар учун озуқа ишлаб чиқариш





Гидропоника — бу тупроқсиз сунъий муҳитда ўсимликларни етиштириш усули

Усулнинг асосий афзаллиги :

• 1000 бош йирик шохли қорамоллар боқиш учун ем маҳсулотларига харажатлар 1,0 млрд. сўмдан ортиқга камаяди.

• **Асосий озуқанинг ҳазм бўлишини** 20-30% га ошади.

• **Ҳайдаладиган ерларнинг бўшаши:** гидропоника усулида етиштириладиган ем-хашак ва бошқа яшил озуқа экинларига банд этиладиган 1 га. ерга нисбатан, анъанавий деҳқончилик учун фойдаланиладиган 10-15 га. экин майдонлари бўшайди.

• Иқтисод қилинади:

- Суғориш учун сув – 1 га. дан 6-7 минг куб.м.,
- Ўғитлар – 1 га. дан 600 кг дан 700 кг гача,
- ЁММ – 1 га. дан 110 кг .

• **Йирик шохли қорамоллар** овқат ҳазм қилишининг яхшиланиши, бузоқларнинг **семириши** ва ўсишини 10-15%, сут маҳсулдорлигини 15 дан 30%гача оширади, бу эса 1000 бош йирик шохли қорамоллар учун йилига 980 минг литрни ёки 2,4 млрд. сўмни ташкил этади.

Қуввати суткасига 2 тонналик гидропоника ускунасининг нархи 1,2 млрд. сўмга яқин.

"...Энг муҳим вазифа — халқимиз онгида инновацион тафаккурни шакллантириш. Инновациялар бўлмаган жойда ривожланиш ва рақобат ҳам бўлмайди..."

Ш.М.МИРЗИЁЕВ.

ГОЛЛАНДИЯ ИННОВАЦИОН ЗИРОАТИ

Дунё мамлакатларида илғор технологиялар, инновацияларни жорий этиш буйича Голландия етакчи давлатлардан бири ҳисобланади. Бу мамлакатда инновацияга асосланган деҳқончилик, чорвачилик, паррандачилик, мева-сабзавотчилик, гулчилик ва бошқа соҳаларда кластер тизими ўта ривожланган. Шу сабабли Голландия инновацион зироатининг айрим жиҳатларини кўрсатиб ўтишни лозим деб топдик....

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўтган йили Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида соҳани ривожлантириш ҳақида сўз юритар экан, аграр тармоқни тараққий эттиришда инновациянинг ўрнига алоҳида тўхталиб, шундай деган эди: "Бир ҳақиқат барчамизга яхши маълум: илм ва изланиш бўлмаган жойда ҳеч қандай ривожланиш, юксалиш ва, умуман, бирор-бир соҳанинг келажаги бўлмайди".

Албатта, бу жараёнда биз дунёнинг ривожланган давлатлари тажрибасини ўрганишимиз, лозим бўлганда, тўпланган тажрибаларни амалиётга татбиқ этишимиз жоиз. Шу маънода, Голландиянинг қишлоқ хўжалиги ҳақида сўз юритишни лозим топдик. Зеро, ушбу мамлакат дунёда қишлоқ хўжалиги юқори даражада ривожланган, тараққиёт инновацион тарзда давом этаётган давлатлардан биридир.

Бу юртда ҳозирги кунда аграр соҳада фаолият юритаётган бир ишбилармон 112 нафар кишини боқади. Германия ва Францияда бу кўрсаткич 2-3 маротаба кам. Россияда эса 9 тага тўғри келади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакат қишлоқ хўжалиги билан аҳолининг атиги 2 фоизи шуғулланади. Голландия озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўз мамлакати аҳолисини тўла таъминлабгина қолмасдан, бу маҳсулотлар экспорти бўйича АҚШдан кейин иккинчи ўринда туради.

Инновация – асосий сифат

Гарчанд мамлакат ер майдони кам бўлса-да, дунё қишлоқ хўжалиги бозорида гигант мамлакат ҳисобланади. Голландияликлар "мамлакатимиз кичик бўлса-да, унинг ҳар бир квадрат метри юқори инновацион сифатга эга" дея фахр билан сўзлашади.

Мамлакатда турли соҳалар, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги ва уни механизациялаш, автоматлаштиришга инновацион инвестициялар жуда кўп киритилади. Эйндховен шаҳри дунёдаги энг инновацион ва истиқболли шаҳар деб тан олинганлиги ҳам бунга мисол бўла олади.

Мамлакатда саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ниҳоятда ривожланган. Шу сабабли бозорга ўн мингдан ортиқ номдаги турли-туман озиқ-овқат маҳсулотлари йилнинг ҳамма фаслида сотувга чиқарилади. Дунёда аҳоли зичлиги бўйича энг юқори ўринда бўлганлиги сабабли бу ерда ҳар бир квадрат метр жойдан тежаб-тергаб фойдаланилади. Голландия қишлоқ хўжалигининг деярли ҳамма соҳалари бўйича инновацион технологияларни жорий этиш борасида дунё эътироф қилган мамлакат ҳисобланади. Айниқса, мева-сабзавотчилик, чорвачилик, уруғчилик, ем-хашак ишлаб чиқариш, маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишлаш, гулчилик соҳасида бу давлат билан беллашадиганлар йўқ.

Голландия қишлоқ хўжалиги 4 та инновацион "кит"га таянади: 1) механизация; 2) ихтисослашув; 3) интенсификация (унумдорликни ошириш, самарали қилиш) ва 4) компьютерлаштириш.

Кейинги пайтларда мамлакатда бошоқли экинлар, қанд лавлаги ва бошқа экинлар ҳосилдорлигининг ошиши, шунингдек, чорвачилик, паррандачиликда маҳсулдорликнинг кўпайиши бевосита уруғчилик, наслчилик ва генетика фани ютуқларидан самарали фойдаланиш ҳисобига амалга ошмоқда. Масалан, ўсимликшунослиқда ҳар хил касалликларга чидамли шундай навлар яратилганки, бу ўсимликларга инсон саломатлигига зарар етказувчи кимёвий воситаларни ишлатишга ҳожат йўқ. Шунинг учун қишлоқ хўжалигида генетика, ген муҳандислиги фанларига алоҳида эътибор берилади. Айни вақтда алмашлаб экиш масалалари ҳам тўғри йўлга қўйилган. Ҳозирги кунда Голландияда буғдой, картошка, маккажўхори (силос учун) – қанд лавлаги алмашлаб экиш тизими қабул қилинган. Ерни ҳар хил касалликлардан, нематодалардан сақлаш мақсадида бир майдонда картошкани 4 йилда бир мартадан, қанд лавлагини эса 3 йилда бир мартадан ортиқ экиш қонун билан тақиқланади.

Ҳар бир қорамолнинг "прописка"си бор

Бу ҳеч ҳам муболаға эмас. Негаки, Голландия чорвадорлари ҳар бир сигирнинг аждодию ўзи ҳақида маълумотга эга.

Голландия қишлоқ хўжалигида чорвачилик алоҳида аҳамиятга эга. Биринчи ўринда йирик шохли молларни кўпайтириш туради. Юз йилдан кўпроқ вақтдан буён ҳар бир подадаги моллар бошма-бош санаб чиқилиши ва наслчилик китобига ёзиб борилиши йўлга қўйилган. Бир неча ўн йиллардан буён бу маълумотларнинг ҳаммаси компьютерга туширилган. Хохлаган киши компютер орқали мамлакат ҳудудидаги исталган сигир ёки буқа ҳақида бир неча сониялар ичида тўла ахборот олиши мумкин.

Голландияда қора-ола гольштин-фриз моллари кўп тарқалган (63 фоизни ташкил қилади). Бу наслли сигирлар лактация даврида 9 минг литр сут беради (айрим сигирлар 20 минг литргача ҳам сут берар экан). 35 фоизга яқин пода қизил-ола

моллар ҳисобланади. Мамлакат бўйича бир гектар яйлов ҳисобига 9,5 минг литр сут олинади, бу кўрсаткичга дунёнинг ҳеч бир давлати етиб олгани йўқ. Сутининг миқдори бир йилда 5600 литрдан камайиб кетса, сигирлар гўштга топширилади.

Мамлакат эътирофи ва ҳурмати сифатида сигир Голландиянинг фаровонлик тимсоли ҳисобланади. Унга махсус ҳайкал ўрнатилиб, бу жой мамлакатнинг диққатга сазовор ва сайёҳлар келиб кўрадиган жойи даражасига тенглаштирилган.

Йилнинг иссиқ фаслида озиқлантириш асосини яйловлардаги озуқалар ташкил қилса, қишда концентратлар қўшиладиган маккажўхори силоси, сенаж, қуритилган хашаклардан иборат бўлади.

Ҳар бир фермада 3 кунлик соғилган сутни сақлайдиган ҳажмда музлаткичлар мавжуд. Сутни қайта ишлаш жуда кўп турдаги юқори сифатли маҳсулотлар тайёрловчи кооператив корхоналарда амалга оширилади. Соғилган сут мамлакат ичкарисида фойдаланилса, уни қайта ишлашдан олинган маҳсулотлар асосан экспорт қилинади. Яна бир муҳим масала шундаки, бузоқлар учун ажратилган сутга тегиш ёки уни қайта ишлаш қатъиян тақиқланади.

Илмга асосланган тараққиёт

Чорвачилик соҳасидаги эришилган улкан ютуқлар нафақат тарихий, кўп асрлар давомида орттирилган тажрибалар натижасигина бўлиб қолмасдан, балки наслчиликда фаннинг охирги инновацион ютуқларини қўллаш, масалан, сунъий қочиришда ҳозирги замон ютуқларидан фойдаланиш, эмбрионал трансплантациясини қўллаш каби усуллари кенг жорий этилганлигидир. Селекция ишлари энг яхши наслли зотларнинг уруғларидан музлатилган ҳолда 5 миллион дозадан иборат махсус спермобанклар яратилган.

Голландияда муҳим йўналишлардан яна бири паррандачилик ҳисобланади. Ҳозирги кунда мамлакатда 90 миллиондан ортиқ товуқ боқилади. Паррандачилик фермасида бир кунда товуқнинг вазни ўртача 64 граммга ўсади. 1 килограмм парранда гўшти олиш учун 2,3 озуқа бирлиги сарфланади. Бройлер фермаларида бу кўрсаткич яна ҳам кам – 1,99 озуқа бирлигини ташкил қилади.

Мамлакатда табиий бошоқлар ва ем-хашак экилган майдонлар 1,2 миллион гектардан иборат. Бу майдонларда энг сара навли уруғлар экилган бўлиб, бир гектар майдондан 80 тонна силос массаси ёки 13,5 тонна қуруқ хашак олиш мумкин.

Голландия ҳар йили 40 дан ортиқ мамлакатга 20 минг тоннагача ўт-ўлан ва хашаклар уруғини сотиб, жуда катта фойда кўради. Ер танқислиги учун ҳар хил ўтлар ва хашакларнинг уруғини бошқа мамлакатларга (Германия, Франция, АҚШ, Польша ва ҳ.к) бориб экиш амалиёти кенг жорий этилган. Бу ҳолатда ҳисоб-китоб ем-хашаклар уруғи билан амалга оширилади. Чет элларга бориб экилган уруғ миқдори Голландиянинг ўзида олинган ҳосилга нисбатан бир неча баробар кўп экан.

Чорвачилик, айниқса, паррандачиликда эришилган ютуқлар омихта ем ишлаб чиқариш билан ҳам узвий боғлиқ. Голландияда омихта ем таркибидаги протеин миқдори дунёдаги энг кўп кўрсаткичга (16%) эга ҳисобланади.

Иссиқхоналар ва гуллар диёри

Голландияда мева-сабзавотчилик соҳаси йирик механизациялашган ва рентабелли соҳалардан бири ҳисобланади. Бу мамлакат "иссиқхоналар мамлакати" деб бежиз айтилмайди. Автомобилда Амстердам-Роттердам йўналишлари бўйича сафар қилсангиз, бир неча ўнлаб километрдан иборат улкан иссиқхоналарни кузатиб, голландлар меҳнатига яна бир бор таҳсин айтасиз.

Иссиқхоналарда сув, ўғит ва зараркунандаларга қарши курашиш моддаларини етказиб бериш, микроэлементлар, йилнинг барча фаслида бир хил ҳарорат ва намликни яратиб бериш – буларнинг ҳаммаси автоматлаштирилган.

Бу мамлакат шампиньон замбуруғлари етиштириш бўйича ҳам дунёда етакчи давлат ҳисобланади. Ҳар йили етиштирил-

ган ҳосилнинг 80 фоизи экспортга чиқарилади. Иссиқхоналарда механизация ўта ривожланганлиги туфайли бир йилда 6 мартагача замбуруғ экилиб, ҳосили териб олинади.

Иссиқхоналарда сабзавотлар кўчати етказиб бериш саноат асосида намуна бўладиган даражада йўлга қўйилган. Кўчат етиштиришнинг асосий қисми махсус мажмуаларга тўғри келади. Етиштирилган кўчатларнинг аксарияти Европанинг деярли барча мамлакатларига экспорт қилинади. Одатда кўчатлар йил бўйи тайёрланади.

Голландия иссиқхоналари замон талабига қараб мунтазам такомиллаштирилиб борилмоқда.

Бу юртни "гуллар мамлакати" ҳам дейишади. Шахсий, жамоатчилик ва давлат тасарруфидаги хоналарда коридор, балкон, ҳовли, кўча ва ўнлаб километр йўллар атрофида кўзни қувонтирувчи ранг-баранг гулларни кўрасиз. Еттита гулчилик илмий-тадқиқот маркази ва минглаб боғбонлар гулларнинг янги навларини етиштирмоқда. Масалан, ҳар йили мамлакат бўйича атиргулнинг юздан ортиқ нави рўйхатга олинади. Гул навларини рўйхатга олишда экспертлар гулнинг ранги, унинг шакли, ҳиди, рангининг барқарорлиги каби талабларни қўйишади. Очиқ тупроқдаги гулчилик умумий гулчиликнинг 10 фоизини ташкил қилади.

Савдода энг кўп талаб қилинадиган атиргул, иккинчи ўринда хризантема, ундан кейин гвоздика турар экан. Лола эса олтинчи ўринни эгаллаб турибди. Дунё гул савдосининг 60 фоизи Голландия улушидир. Бу соҳада ҳам у биринчи ўринда туради.

Ишбилармон – инноватор демак

Шу ўринда голландларнинг тадбиркорлиги ҳақида ҳикоя қилиб ўтсак. Голландияда қорамол боқиладиган чорвачилик фермасининг ҳар бирида алоҳида ўралган 8 та яйлов (ўт ўсиб турган майдон) бор. Қорамоллар бир яйловнинг ўтини тозалаб бўлгач, озуқа тугаганини компьютер автоматик равишда аниқлаб, кейинги яйловнинг эшигини очар экан. Тўсиқ очилгач, қорамоллар тезда кейинги яйловга ўтиб, ўтлашга киришиб кетади. Таблода яйловнинг неча фоизида ўт қолгани кўриниб турибди. Чорвадор бу жараённи хоҳласа уйда, хоҳласа ишда ёки бошқа интернет бор жойда бошқариши мумкин экан. Шунда бизни лол қолдирган яна бир ҳолатнинг гувоҳи бўлдик: тадбиркор билан суҳбатимиз қизиб, вақт ўтганини билмай қолибмиз. Компьютер қорамоллар молхонага сут беришга келадиган вақт бўлганини билдирди. Оператор ўз тилида бир нарсалар деганди, биздан узоқроқда ўйнаб юрган ит олдига югуриб келди. Яна бир нарсаларни гапирган эди, ит югуриб қорамоллар ўтлаб юрган яйловга бориб, сигирларни молхонага ҳайдаб келди. Ит операторнинг буйруғини, моллар эса итнинг буйруғини сўзсиз бажарганини кўриб ҳайратга тушдик. Бу ҳам ҳар бир ишга илмий ёндашишнинг меваси эди.

Тадбиркорлик фалсафасини эрта ўрганадилар

Голландияда мамлакат аҳолиси жон бошига ҳисоблаганда тадбиркорларнинг фоизи дунёда энг юқори даражада. Тадбиркорлик билими ва фалсафаси ёшликдан – боғча, мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртидан сингдирилиб, шакллантириб борилади. Уйда ва мактабда голландлар ўз болаларини креатив асосда, амалдаги стандартларга тўғри келмайдиган ноанъанавий инновацион ғоялар билан фикрлашга даъват қилиб тарбиялайдилар.

Мамлакат ёшларига дунё стандартлари даражасида билим олиш учун барча шароит яратилган. Дунёнинг юзта энг илғор олий таълим муассасаси каторига 5 та Голландия университети, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги соҳасига кадрлар тайёрлаб берувчи Вагенинген университети ҳам киради.

Голландияда инновация жадал ривожланиб кетишининг сабабларидан яна бири ўта ривожланган инфраструктура яратилганлигидир. Бу соҳада ҳам Голландия дунёда биринчи ўринни эгаллаб турибди.

Бундан ташқари, Голландия қишлоқ хўжалиги соҳасида дунё бўйича кадрларни амалий тайёрлаш билим дастурлари

аниқ инновацион деҳқончилик ва чорвачиликни амалга ошириш дастурлари, механизациялаш ва автоматлаштириш каби дастурларни реализация қилиш ва амалий малакавий ёрдам бериш ҳисобига жуда катта фойда кўради.

"Пастликдаги ер"дан дунёга бўйлаган давлат

Голландия немис тилида Нидерландия – "пастликдаги ер" маъносини билдиради. Ҳақиқатан ҳам, мамлакат умумий майдонининг учдан бир қисми океан сатҳидан паст. Шунга қарамай Голландиянинг ЯИМ 700 миллиард доллар бўлиб, аҳоли жон бошига 40,7 минг еврога тўғри келади ва бу соҳада ҳам дунёнинг кучли 10 та давлати қаторига киради.

Мамлакат умумий ер майдонининг 65 фоизини қишлоқ хўжалиги эгаллаган. Мамлакатдаги 4,5 миллион қорамолдан 2,5 миллион бош сигир сут ишлаб чиқаришга ажратилган. Ёғ етиштириш бўйича Европада 5-ўрин, пишлоқ ишлаб чиқариш бўйича 4-ўринда туради. Мамлакатдаги 15 минг гектар иссиқхонанинг тахминан 60 фоизи гулчиликка ажратилган.

Аграр соҳа экспорти бўйича мамлакатга мева-сабзавотлар 12 миллиард евро, сут маҳсулотлари 5 миллиард евро фойда келтиради. Ҳаммаси бўлиб қишлоқ хўжалиги мамлакатга 85 миллиард евро даромад олиб келади. Дунёда Голландиянинг агроинновациялари ва янги технологияларига йилдан-йилга талаб ошиб бормоқда. Шунингдек, ўсимликлар ва ҳайвонлар генетикаси, юқори технологик ускуналар ишлаб чиқариш, микро ва нанотехнологиялар бўйича дунёда биринчиликни бермай келаётир.

Буларнинг барчаси фақат инновация ва инновацияга интилиш ортидан. Демакки, айни шу жиҳатлар "пастликдаги ер"-дан дунёга бўйлашиш имконини бермоқда.

КЛАСТЕРДАГИ ИННОВАЦИЯЛАР

Инновация, янги тартибда киритилган янгилик (innovation) — бу жараён ёки маҳсулот самарадорлигининг сифатли ўсишини таъминловчи, бозор талабига кўра жорий этилган янгиликдир.



Кластердаги инновация ва интеграцияларнинг йўналишлари

Селекция йўналишидаги инновациялар	Техник-ишлаб чиқариш йўналишидаги инновациялар	Ташкилий-бошқарув иқтисодий йўналишдаги инновациялар	Ижтимоий-экологик йўналишдаги инновациялар
Агро-лойиҳа №1 **Ўсимликларнинг янги навларини яратиш ("кластер" нави)** **ЙШҚ-лойиҳа № 5** Қорамолнинг янги тур ва зотларини яратиш **МЭЗ-лойиҳа № 3** **Табиий гранулаланган озуқа ишлаб чиқариш**	**Агро-лойиҳа №1** **Янги техникаларни қўллаш** (К-744, ПЯ 5\3, 3\3) Кўчат ўтқазувчи машина **Алмашлаб экиш: ғўза – беда** **Суғоришнинг янги технологияси** - Гидропоника - ёмғирлатиш (2100 га) - томчилаб суғориш (2000 га) - Аквасорб (Жиззах) **Тараққиёт, ҳосилдорликни ошириш усули** - «Инагрос» биологик ўғитлари Ердан оқилона фойдаланиш Коллекторларни вертикал бетонлашга қайта мослаш ва суғориш тизимларида лотоклар ўрнатиш **Индиго-лойиҳа №8** **Индигофера** **Тўқимачилик-лойиҳа №4** - Fashion Premium - "Арқонча ҳосил қилиш" усулида бўяш - лайкра-полиэстр **1- 8 лойиҳалар** **Масофавий бошқарув ва ишлаб чиқаришни назорат қилиш**	**1- 8 лойиҳалар** **Фан ва олий таълим муассасалари билан кооперацияни ривожлантириш:** Ўзбекистон Фанлар Академияси, Республика ва Бухоро вилоятидаги етакчи институтлар билан шартнома асосида ҳамкорлик Талабаларнинг кластер корхоналарида амалиёт ўташи **Агрокластерни бошқаришда мутлақо янги тизим** Ходимлар сони: 2 гектарга 1 киши эди 2 гектарга 84 киши бўлди Ойлик маош: 456 минг сўм эди 1290 минг сўм бўлди Йил давомида иш билан бандлик: 8 ой эди 12 ой бўлди	**Тўқимачилик-лойиҳа №4** **Оқар сувларни тозалаш тизимини жорий этиш ва ундан такрорий фойдаланиш** Сувни тежаш ва ундан такрорий фойдаланиш Зарарли чиқиндилар ташламасини камайтириш **ЙШҚ-лойиҳа № 5** **БГУ (биогаз қурилмаси)да ишлаб чиқарилган электр энергиясини реализация қилиш** **Агро-лойиҳа №1** **Дала-шийпон** **1- 8 лойиҳалар** **Кластер ҳудудидаги мавжуд 27 км йўлларни таъмирлаш** **Ходимларни корхонанинг ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан таъминлаш** **Нонушта ва тушлик ташкил қилиш**

Техник-ишлаб чиқариш йўналишидаги инновациялар

	Номи	Инновация	Самарадорлик
 Жиззах вилоятида ўтказилган тажрибанинг ижобий натижалари	«Аквасорб» намлик сақловчи ускуна (Франция) Аквасорб тупроққа ёки материалларга киритилади, кўп миқдордаги сув ҳамда озуқа моддаларини абсорбция қилади (шимади) ва сақлаб қолади	Тупроқнинг намлик сақлаш ҳажмини бир неча йил ушлаб туради. Сув ҳамда озуқа моддалар ўсимликларнинг илдиз қисмида ҳар доим мавжуд бўлиб, оптимал даражада шимилиш учун қулайдир	Суғоришлар сони 50 % га камайиши мумкин. Сув ҳамда озуқа моддаларнинг йўқотилиши камаяди. Сувнинг тупроқдан буғланиши камаяди. Тупроқнинг аэрацияси яхшиланади. Табиатни қурғоқчиликдан ва ерости сувларининг ифлосланишидан ҳимоя қилади
	Гидропоника — бу қорамолларни боқиш учун керакли ўсимликларни тупроқсиз шароитда сунъий муҳитда ўстириш усули	Ўсимликлар илдизи атрофини ўраб турган эритмадан озиқланади Озуқанинг нархи пасаяди Асосий озуқанинг сингиши кўрсаткичи 20-30 % га ортади	Гидропониканинг ҳар 1 гектари ҳисобига 10-15 гектар шудгорланган ер бўшайди. Сув – гектарига 6-7 минг кубометр, ўғитлар – гектарига 600-700 кг, ёқилғи-мойлаш материаллари – гектарига 110 кг тежалади. Қорамолларнинг ҳазм қилиши яхшиланиши орқали сут бериш кўрсаткичи 15 дан 30 % га ортади
	Томчилаб (2000 га) ва ёмғирлатиб суғориш (2100 га)	Суғоришнинг сув тежовчи технологиялари	18 млн. куб.м сувни тежаш 1,8 минг га ер учун сувни қолдиради; минерал ўғитлар эса бир йилда 1000 тоннагача тежалади

Техник-ишлаб чиқариш йўналишидаги инновациялар

	Номи	Инновация	Самарадорлик
	К-744 трактори	Тупроқни шудгорлаш чуқурлиги максимал 30 см гача эди Тупроқни шудгорлаш чуқурлиги минимал 40 см бўлди	Тупроқнинг маҳсулдорлик чуқурлиги кўпаяди, сувни сингдириш қобилияти ортади
	Ғўзани экишга мўлжалланган кўчат ўтқазувчи машина	Экиш муддатларининг қисқариши; эртапишар ғўза етиштириш. Ғўзанинг ўсиши ва ривожланишида оптимал мувофиқликни таъминлаш	Ғўзани экиш муддатларининг об-ҳаво шароитига боғлиқлиги камаяди. Пахта хом ашёсининг ҳосилдорлиги ва тола сифати кўтарилади
	Суғориш тизимларини бетонлаш ва бетон лотоклар ўрнатиш (хўжаликлараро суғориш тизимларида 50 % сув йўқотилмоқда)	Кластер ҳудудида мавжуд бўлган 480 км ли суғориш тармоғидан 430 километрини бетонлаш ва 5000 лоток ўрнатиш	Минерал ўғитлар сарфининг 1000 тоннагача камайиши қўшимча равишда суғориладиган ерларни киритиш имконини беради
	Очиқ коллектор-дренаж тармоғини горизонтал-ёпиқ ва вертикал-очиқ тармоққа қайта мослаш	Коллекторларнинг мелиоратив тизимини такомиллаштириш (захкаш)	ЕФК (ерлардан фойдаланиш коэффициенти) ортади


Техник-ишлаб чиқариш йўналишидаги инновациялар

	Номи	Инновация	Самарадорлик
	Тўқимачилик саноатидаги дунёнинг етакчи компаниялари билан ҳамкорлик	Тўқимачилик саноатидаги энг замонавий дастгоҳ ва жиҳозлар	Жаҳон андозаларига мос сифатли Ўзбекистон бренди билан органик маҳсулотлар чиқарилади
	"Indigofera tinctoria" ўсимлигини етиштириш	Жаҳон тўқимачилик бозорида талаб катта бўлган табиий "индиго" бўёғини олиш	МДҲ мамлакатлари орасида биринчи бўлиб, "Fashion Premium" тоифасидаги джинси тайёрланади
	Бўяшнинг "Арқонча ҳосил қилиш" усули. Лайкра-полиэстрни ип шаклида қўшиш усули	Калава ипни бўяшнинг янги технологиялари (Know How)	Юқори истеъмол талабига эга бўлган сифатли ва пишиқ-рангли джинси матоси олинади
	INAGROS биологик ўғитлари (Испания) 2018 йил ҳосилида қўллаш режалаштирилмоқда	Фаол моддалари L-аминокислоталар ва олигопептидлар ҳисобланувчи биологик органик ўғитларнинг янги турини қўллаш	Тупроқ унумдорлиги ортади Пахта хом-ашёси етиштиришнинг ҳосилдорлиги ва рентабеллиги ортади

Селекция йўналишидаги инновациялар

	Номи	Инновация	Самарадорлик
	Ғўза ва бошқа экинларнинг янги навлари	Ғўзанинг "кластер" нави	Ғўза етиштиришнинг маҳсулдорлиги ортади

Ижтимоий-экологик йўналишдаги инновациялар

	Номи	Инновация	Самарадорлик
	Ходимларни чорвачилик маҳсулотлари билан бепул таъминлаш ва ўзимизда (биогаз қурилмасида) ишлаб чиқарилган электр энергиясини сотиш	Ходимларнинг ижтимоий ҳимояси соҳасига янгича ёндошув	Ходимларни моддий рағбатлантириш кучаяди
		Биринчи марта янги типдаги дала шийпонларининг биноси кўлқаватли ва қулайликларга эга қилиб қурилади	Яхшиланган меҳнат шароитлари яратилади. Ходимлар ва уларнинг оила аъзолари саломатлиги мустаҳкамланади. Меҳнат унумдорлиги ортади
	Оқова сувларни тозалаш тизими ва ундан такрорий фойдаланиш	МДҲ мамлакатларининг тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари орасида биринчи бўлиб "Деним" жорий этилади	Сув ресурслари сезиларли даражада тежалади. Теварак-атрофга зарарли чиқиндиларни ташлаш камаяди

Ташкилий-бошқарув\иқтисодий йўналишдаги инновациялар

	Номи	Инновация	Самарадорлик
 BUKHARA COTTON TEXTILE CLUSTER	Хўжалик юритишнинг кластер усулини бошқариш тизими	Маҳсулотни чуқур қайта ишлаб, тайёр маҳсулотга айлантириш ва юқори қўшимча қиймат яратиш бўйича корхоналар ташкил этиш	Масалан, агрокомплексда: Ойлик маош: 456 минг сўм эди 1290 минг сўм бўлди Йил давомида иш билан бандлик: 8 ой эди 12 ой бўлди
	Фан билан ҳамкорлик ва интеграция (Ўзбекистон Фанлар Академияси, Республиканинг етакчи институт ва олий таълим муассасалари)	Ишлаб чиқаришга илмий-техник тараққиётнинг ютуқларини жорий этиш. Олий таълим муассасаларининг талабалари кластер корхоналарида ишлаб чиқариш амалиётини ўташи.	Ишлаб чиқариш, жамият ва давлатнинг иқтисодий ўсиши кузатилади. Халқ хўжалиги учун мутахассис тайёрлаш сифати ортади
	Инсон капиталига · сармоя	Ходимларнинг ривожланган хорижий давлатларда таълим олиши	Кластер ходимларининг малакаси ортади, бу эса меҳнат самарадорлигининг ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмининг кўпайишига асос бўлади

"Биз юқори даражадаги ишонч билан кашфиётлар ва ихтироларни башорат қиламиз ва ўз келажагимизни белгилай оламиз".

Уинстон ЧЕРЧИЛЬ.

ХОТИМА ЎРНИДА

Республикада илк қалдирғоч кластер тузилганига кўп вақт ўтмаган бўлсада, унинг дастлабки натижалари кувонарли...

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги ПҚ-2978 - сонли "Бухоро вилоятида замонавий пахта - тўқимачилик кластерини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан маълумот



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги ПҚ-2978 - сонли "Бухоро вилоятида замонавий пахта - тўқимачилик кластерини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида **"BCT Cluster" хориж корхонаси** ташкил этилиб, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 14.06.2017 йилда давлат рўйхатидан ўтказилди. Шунингдек қарорда кўрсатиб ўтилган лойиҳаларни амалга оширилиши учун "BCT Cluster" хориж корхонаси таркибида масъулияти чекланган жамият шаклидаги "BUKHARA COTTON TEXTILE" қўшма корхонаси ҳамда "BCT CLUSTER AGROKOMPLEKS" масъулияти чекланган жамиятлари ташкил этилди. Ушбу корхоналар ўз фаолиятини бошлади ва бугунгача 2 мингдан ортиқ ишчи-ходим ишга қабул қилинди.

"BUKHARA COTTON TEXTILE" қўшма корхонаси бўйича:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги ПҚ-2978 - сонли "Бухоро вилоятида замонавий пахта – тўқимачилик кластерини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида масъулияти чекланган жамият шаклидаги "BUKHARA COTTON TEXTILE" қўшма корхонаси томонидан Бухоро вилояти, Бухоро шаҳар, Халқлар дўстлиги кўчаси 7-уй манзилда жойлашган собиқ "БУХОРОТЕКС" акциядорлик жамиятининг ип-калава бўяш фабрикаси маъмурий ва ишлаб чиқариш бино-иншоотлари ҳудудида замонавий тўқимачилик мажмуасини ташкил этиш лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги "BUKHARA COTTON TEXTILE" қўшма корхонаси Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 21.07. 2016 йилда 73-сонли қарори билан рўйхатга олинган.

Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун тўқимачилик саноати асбоб-ускуналарини ишлаб чиқаришда дунёда етакчи ҳисобланган "Schlafhorst Zweigniederlassung der Saurer Germany Gmbh&Co KG", "Volkmann Saurer", "Beninger AG", "Xetma", "Monforts", "Mayer", "Menzel", "Osthoff" (Германия), "MORRISON" (США), "PICANOL n.v." (Бельгия), "AESA" (Франция), "JUKI CORPORATION" (Япония) ва бошқа бир қатор компаниялар билан асбоб-ускуналар хариди учун импорт шартномалар имзоланган ҳолда, Енгил ва пахта тозалаш саноат корхоналарини лойиҳалаш Институти "Ўзенгсан-

лойиҳа" масъулияти чекланган жамияти томонидан мазкур лойиҳанинг техник - иқтисодий асослаш ҳужжатлари ишлаб чиқилди. Қўшма корхона мутахассислари томонидан ҳар бир асбоб-ускуналар олиниши мўлжалланаётган компанияларга ташриф буюрилиб, ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита танишган ҳолда танланди.

Корхона биринчи босқичда йилига 9,5 минг тонна ҳар хил турдаги калава - ип, 12,0 млн. пог.м. юқори сифатли ва табиий бўёқлардан фойдаланган ҳолда "Denim Premium" матоси ва 1 500,0 минг дона тайёр тикувчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни, ҳамда 1 000 га яқин янги иш ўринларини яратишни режалаштирган.

"BUKHARA COTTON TEXTILE" қўшма корхонаси лойиҳаси бўйича ишлаб чиқилган техник - иқтисодий асослашга "Ўзбекенгилсаноат" АЖ илмий техник кенгашининг 18 август 2017 йилдаги 65-сонли ижобий хулосаси олинган. Шунингдек, лойиҳа бўйича тегишли ҳужжатлар тўплами ва импорт шартномалари Ўзбекистон Республика инвестиция Қўмитаси томонидан кўриб чиқилди ва ижобий хулосалар олинди.

Мазкур лойиҳанинг умумий қиймати 53,0 млн. АҚШ долларини ташкил этиб таъсисчиларнинг шахсий маблағлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳамда Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки кредитларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Ҳозирда "BUKHARA COTTON TEXTILE" қўшма корхонаси ҳудудида мавжуд ишлаб чиқариш бино иншоотларда қайта таъмирлаш ва янги бино-иншоотлар қурилиши бўйича ишлари давом эттирилмоқда. Мазкур даврга қадар таъсисчиларнинг ўз маблағлари ҳисобидан қурилиш ишлари бажарилди, шу жумладан барча мавжуд бино иншоотлар тўлиқ экспертизадан ўтказилиб қайтадан мустаҳкамланди, фасадлар ва том қисмлари тўлиқ капитал таъмирланди, ҳудудда муҳандислик

коммуникациялари қайтадан лойиҳа асосида ўтказилмоқда. Маъмурий бино тўлиқ тозаланган ҳолда қайта таъмирлаш учун лойиҳалар тасдиқланди ва таъмирлаш ишлари олиб борилаяпти.

"BCT CLUSTER AGROKOMPLEKS" масъулияти чекланган жамияти:

"BCT CLUSTER AGROKOMPLEKS" масъулияти чекланган жамияти Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 28.06.2017 йилда Давлат рўйхатидан ўтказилган.

Бухоро вилояти Ромитан туман ҳокимининг 2017 йил 30 сентябрдаги 1613-сонли қарори асосида "BCT CLUSTER AGROKOMPLEKS" МЧЖ корхонасига пахта етиштириши учун жами 8 000 гектар экин майдони ажратилди.

"BCT CLUSTER AGROKOMPLEKS" МЧЖ корхонасига фойдаланишга берилган 8 000 гектар экин майдони 5 та ҳудудга ажратилган бўлиб, бўлар: Нурафшон, Боғитуркон, Қоқиштувон, Миришкор ва Шўрча ҳудудларидир.

"BCT CLUSTER AGROKOMPLEKS" МЧЖ корхонаси сув йўлларига ва қишлоқнинг яхлитлигини сақлаган ҳолатда аҳоли билан келишиб 5 та ҳудуддаги майдонлар 78 та участкаларга бўлинди ва бу участкаларнинг ҳудуди 90 - 120 гектаргача белгиланган ҳолда тақсимланди.

Бешта бўлимга: Бўлим бошлиғи, агроном, гидротехник, бухгалтер, иқтисодчи, механик ва ер тузувчилар ишга қабул қилинди.

Ташкил этилган 78 та участкага агрономлар, менежер бухгалтерлар танлов асосида ишга қабул қилинди.

78 та участкага ернинг миқдорига қараб ҳозир 25 тадан (баҳорги мавсумда 40 кишига етказилади) аъзолар қабул

қилиниб қишлоқ хўжалигида бажариладиган ишлар билан шуғулланишмоқда. Уларга иш ҳақи ишбай усулида ҳисобланиб, энг кичик ставкада ишловчи ишчининг бир ойлик маоши 1.2 млн сўмни ташкил этмоқда.

"BCT CLUSTER AGROKOMPLEKS" МЧЖ корхонасида 2017 йил дастлабки кузги дала тадбирларини олиб бориш учун Ромитан тумани фермер хўжаликлари тасаруффида бўлган қишлоқ хўжалик техникалари шартнома асосида ижарага олиниб қишлоқ хўжалик агротехник тадбирларни амалга ошириш учун ишлар бошланди.

МЧЖ да 2017-2018 йилги кузги қишки агротехник тадбирлар ишлаб чиқилган бўлиб, бу асосан қуйидаги йўналишларда амалга оширилмоқда:

• Дала четлари, рош ва челларни қирқиш, дарахтларни буташ, оқлаш, тартибга келтириш. Бугунга қадар 5 минг гектарда ортиқ майдон тозаланиб, тартибга келтирилди ва дарахтлар оқланди.

• Катта ва ўрта ариқлар, каналларда қўл кучи ва техника билан ҳашар ўтказиш, сув йўлларини тартибга келтириш. Ҳозирга қадар 382 км. узунликдаги сув йўллари, сув олишга тайёрланди.

• Шудгорлаш ишлари. 21 та техника билан бугунга қадар 3501 гектар ер майдони сифатли шудгор қилинди.

• Ер текислаш, чел олиш ва суғоришга тайёрлаш. Техникалар ёрдамида 498 гектар майдонга челлар ва ўқ ариқлар тортилиб, 105 гектар майдон шўр ювишга тайёрлаб қўйилди.

Агротехник тадбирлардан ташқари машина трактор парки қурилиши ва Ўба қишлоғида дала шийпон қурилиши ишлари жадал амалга оширилмоқда. Яна бир дала шийпони, Қокиштувон ҳудудида 20 гектар иссиқхона қуриш учун зарур ҳужжатлар тайёрланмоқда. 12000 бошга мўлжалланган чорвачилик комплекси қуриш ва чорва молларини боқиш учун 12

минг гектар яйлов ерлари танланмоқда.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалигида энг муҳим тадбирлар саналган:

• Сув йўлларини инвентаризациядан ўтказиш ва таъмирлаш чораларини кўриш;

• Ерларни шудгорлаш учун тайёрлаш;

• Ерлардан фойдаланадиган майдонларни кенгайтириш (симёғоч остидаги, ер карталари атрофидаги фойдаланмасдан ажриқ босган ерларни ағдариб бегона ўтлардан тозалаб экин экиладиган майдонни кенгайтириш;

• Вилт ва бошқа касалликларни олдини олиш учун алмашлаб экиш схемасини ишлаб чиқиш;

• Маҳаллий ўғит жамлаш;

• Ерларни шўрини ювишга тайёрлаш каби муҳим агротехник тадбирларни амалга ошириш учун кенг қамровли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Юқоридаги чора-тадбирларни белгиланган муддатларда бажариш учун қатъий ва мунтазам мониторинг ишлари олиб борилмоқда.

"BCT CLUSTER AGROKOMPLEKS" МЧЖ корхонасида янгидан барпо этиладиган қишлоқ хўжалик техникаларига хизмат кўрсатиш паркини қуриш учун Ромитан тумани ҳокимининг 2017 йил 27 сентябрдаги 1592-сонли қарори асосида 3 гектар ва намунавий тарзда бунёд этиладиган дала шийпони учун Ромитан туман ҳокимининг 2017 йил 26 сентябрдаги 1588-сонли қарори асосида 0.18 гектар ер майдони ажратилди, бугунги кунда иккала лойиҳанинг дастлабки қурилиш ишлари жадал суръатларда амалга оширилмоқда.

2018 йилда қуйидаги янги қишлоқ хўжалик техникаларини таъсисчиларнинг ўз маблағлари ҳисобидан олиб кириш учун импорт шартномалари тузилмоқда:

• Россиянинг Киров заводида ишлаб чиқарадиган К-700

ҳайдов техникаларидан 12 дона ;

- NEW Holland компаниясининг T 70/60 PUMA ҳайдов тракторларидан 10 дона;
- Олтой ўлкасида Алтай заводидан К-700 ҳайдов техникасига тиркаладиган ПЯ – 5/35 омочлари;
- Беларуснинг Минск трактор заводидан МТЗ 80 чопиқ тракторларидан 50 дона олиш бўйича шартномалар тузилди.

Қишлоқ хўжалиги ишлатиладиган бошқа техникаларни яъни экскаватор ва бульдозерлар "*Ўзагролизинг*" ва "*Ўзмелиомашлизинг*" компаниялари билан шартномалар тузилиб техникалар олиниши бошланди.

Қишлоқ хўжалик техникалари учун бугунги кунгача 300,0 тонна ёқилғи маҳсулотлари олинди. Вилоят агрохимия ташкилоти билан 10 000 тонна кимёвий ўғитларни сақлашда керакли жой учун ижара шартномалари имзоланди.

Фикрлаш очиқ, ислоҳатларга доир қадамлар эса тезкор бўлиши керак.

Дэн Сяопин.

АСОСИЙ НАТИЖА:

Юқори қўшимча қийматли маҳсулотлар яратиш, Бухоро пахта – тўқимачилик кластерини шакллантиришнинг мақсадларидан бирига эришишни таъминлайди. Шу билан бирга энг асосийси: Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётидаги рақобатбардошлигини ошириш ва халқимизнинг турмуш фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилади.


Илгари: 8000 тн. пахта хомашёси ташқи бозорда 9,6 млн. АҚШ долл. га сотиларди.

Энди: 8000 тн пахта толасидан 85,4 млн. АҚШ долл. қийматида охирги маҳсулот ишлаб чиқарилади.



Бухоро вилояти Ромитан туманидаги «BCT CLUSTER» дала шийпони биносининг лойиҳаси

Бухоро вилояти Ромитан туманидаги «BCT CLUSTER» дала шийпони биносининг лойиҳаси



Агрокластерда қўлланиладиган техникаларнинг намуналари:



К-744 трактори



Пресс подборщик



ПЯ 3/5 ва ПЯ 3/3 Плуглари



"Ferrari" ғўза кўчатини ўтқазувчи сеялка



РОУ МТУ-15



МТЗ -80



ОВХ – 600



Сувсиз аммиакни киритувчи агрегат

28 март 2017 й.

Халқ сўзи online

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КЛАСТЕРИ ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТГА ЎТИШНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИДИР

Ўзбекистонда қулай инвестициявий муҳит яратилиб, чет эллик сармоядорлар ҳуқуқларининг қонуний кафолати мустаҳкамлангани, уларга қўшимча имтиёзлар берилаётгани ишбилармон доиралар фаолиятини рағбатлантирувчи омил бўлмоқда.

Кейинги йилларда олиб борилаётган ана шундай оқилона ислоҳотлар самараси ўлароқ, ижтимоий-иқтисодий барқарорлик таъминланаяптики, бу, ўз навбатида, хорижлик инвесторларнинг қизиқишини янада кучайтирмоқда. Натижада дунёга машҳур кўплаб йирик компанияларнинг инвестиявий фаолияти кенгайиб, иқтисодиётнинг турли соҳаларида самарали иш олиб бораётир.

Яқинда Президент Шавкат Мирзиёевнинг жойларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, йирик лойиҳалар билан яқиндан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида Бухоро вилоятига буюрган ташрифи республика аҳолиси учун муҳим воқеа бўлиб, одамларнинг эртанги кунга ишончини янада мустаҳкамлади, эзгу саъй-ҳаракатларга шижоат -бағишлади.

Айтиш жонизки, бошқа ҳудудларда бўлгани каби кейинги йилларда ушбу вилоятда ҳам қатор истиқболли лойиҳалар

рўёбга чиқарилмоқда. Улар 2017 — 2021 – йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига биноан ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани билан аҳамиятлидир. Стратегияда, жумладан, таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, етакчи тармоқларни модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига иқтисодиётнинг рақобатдошлигини ошириш вазифалари белгилаб берилган.

Маълумки, Ўзбекистон саноати салоҳиятини юксалтиришда тўқимачилик соҳаси алоҳида ўрин эгаллайди. Президентнинг ўтган йил 21 декабрдаги "2017 — 2019 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги қарори тармоқ ривожида янги босқични бошлаб берди. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, инвестицияларни кенг жалб қилган ҳолда, замонавий корхоналарни барпо этиш, янги иш ўринлари яратиш, ташқи бозорларда харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қаратилган йирик лойиҳалар амалга оширилаяпти.

Бухоро шаҳрида ишга туширилаётган "Бухоро коттон текстильь" қўшма корхонаси ана шундай илғор ишлаб чиқариш объектларидан биридир. Эътиборлиси, инвесторлар — "Paraglide Ltd" (Буюк Британия) ва "Компания Петромаруз" (Россия) компаниялари мазкур лойиҳа доирасида тайёр тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришгача бўлган жараённи қамраб оладиган пахта-тўқимачилик кластери ташкил этиш юзасидан амалий тадбирларга киришган.

Табиий савол туғилади: пахта-тўқимачилик кластери нима дегани? Бу ягона технологик занжирга бирлаштирилган корхоналар мажмуи бўлиб, у илм-фан, таълим ҳамда ишлаб чиқариш интеграциясини чуқурлаштириш, янги технологияларни

амалиётга жадал жорий этиш имконини беради. Пировардида хом ашё қайта ишлашнинг барча босқичидан ўтиб, экспортбоп тайёр маҳсулотга айланади. Кластерни яратиш эса олим ва иқтисодчилар, қишлоқ хўжалиги ҳамда саноат ходимлари салоҳияти, илғор тажрибасини ягона мақсад йўлида бирлаштиришни тақозо қилади. Шу боис янги лойиҳани ишлаб чиқишда ўзбекистонлик олимлар, илмий-тадқиқот марказлари ходимлари, мутахассислар ва тадбиркорлар билан маслаҳатлашиб, шу ернинг ўзида илмий-техник кенгаш, илмий марказ ва кадрлар тайёрлаш бўйича кенгаш тузиш белгилаб олинди.

Кластерни ташкил этиш учун 123,1 миллион АҚШ долларилик инвестиция йўналтирилади. Ушбу маблағ эвазига мавжуд қувватлар модернизация қилиниб, қўшимча равишда йигирув, тўқув ҳамда тикув-трикотаж линиялари ўрнатилади. Натижада ички ва ташқи бозорга 6,5 минг тонна калава ип, 10 минг квадрат метр жинси мато ҳамда 1,5 миллион дона кийим-кечак етказиб берилади.

Лойиҳа билан танишган Шавкат Мирзиёев етиштирилган пахтани тола кўринишида сотиш энг кам даромад келтиришини, пахта толасини қайта ишлаб, экспортбоп тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш зарурлигини таъкидлади. Лойиҳани такомиллаштириш ва муваффақиятли амалга ошириш бўйича қимматли кўрсатмалар берди.

Лойиҳанинг яна бир янгилиги шундаки, тўқимачилик корхоналари учун саноатбоп хом ашё томчилатиб суғориладиган экин майдонларида етиштирилади. Кластер ҳудудида ёғ-мой заводи қурилиб, чигитни қайта ишлаш ҳисобига олинган ёғ истеъмолчиларга жўнатилса, кунжара ҳамда шулха шу ернинг ўзида ташкил этиладиган чорвачилик мажмуида парваришланадиган 10 минг бошдан зиёд қорамоллар учун тўйимли озуқа ҳисобланади. Бундан ташқари, чорва учун гидропоника усулида қўшимча озуқа экинлари етиштириш йўлга қўйилади. Ўз навбатида, ферма ва ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўладиган органик чиқиндилар келгусида бунёд этиладиган 20 гектарли иссиқхонани иситиш манбаи бўлган биогаз ишлаб чиқаришга йўналтирилади.

Кўриниб турибдики, мазкур йирик бизнес-лойиҳа тўлиқ циклни қамраб олган. Ундаги ҳар бир тузилманинг фаолияти тайёр маҳсулот олишга қаратилган. Иқтисодчиларнинг ҳисоб-китобларига кўра, лойиҳа беш йилда ўзини оқлайди. Кластердаги барча қувват фойдаланишга туширилгач, 3,5 мингта доимий иш жойи яратилиб, уларга, асосан, олий ва ўрта махсус таълим муассасалари битирувчилари қабўл қилинади.

Илм-фан янгиликлари, инновацион ишланма ва илғор технологиялар амалиётга кенг жорий этиладиган мажмуада ялпи ишлаб чиқариш ҳажми 460 миллиард сўмга, экспорт салоҳияти эса 50 миллион АҚШ долларига етказилади.

Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, яратиладиган кластер инновацияга кўмаклашувчи муҳим восита бўлиб, Бухоро вилояти иқтисодиётининг рақобатдошлигини ошириш ҳамда замонавий корхоналарнинг кўпайишига мустаҳкам замин яратади. Пировардида қўшимча қийматга эса саноат маҳсулотлари тайёрлаш ҳажми ортиб, экспорт салмоғи кўпаяди, шунингдек, ишлаб чиқариш ва савдо муносабатлари такомиллашуви ҳисобига катта иқтисодий самара келтиради.

Муртазо РАҲМАТОВ,
"Компания Петромаруз" (Россия)
директорлар кенгаши раиси,
иқтисод фанлари доктори.

КЛАСТЕР: ИНТЕГРАЦИЯ, ИННОВАЦИЯ, ЭКОНОМИЧЕСКИЙ РОСТ

"Народное Слово" 03.03.2018 г.

Широкое внедрение инноваций в аграрный сектор, углубление переработки выращенного сырья на месте являются требованием времени. Чем глубже промышленность проникнет в сельское хозяйство, тем значительней экономический и экспортный потенциал государства, поднимется уровень жизни людей. Поэтому в последние годы в Узбекистане серьезное внимание уделяется созданию инфраструктуры, основывающейся на передовых технологиях, и внедрению кластерного метода в сельском хозяйстве. Один из таких инновационных проектов реализуется в Бухарской области.

Коренные реформы, осуществляемые в Узбекистане Президентом Шавкатом Мирзиёевым во всех сферах, положили начало новому этапу развития. В мире не так много настоящих лидеров наций, которые в период перемен, ощутив дух времени, ведут свою страну к прогрессу, прокладывая нужное русло. В этом я не раз убеждался в течение многолетних научных изысканий и практической деятельности в экономической сфере. К примеру, Ли Куан Ю, руководивший Сингапуром во второй половине прошлого века, реформами за короткий срок вывел отсталое государство в разряд самых развивающихся.

Как результат, в мировой экономике прочно закрепилось известное выражение «Сингапурское чудо».

Или возьмем Дэна Сяопина, возглавившего Китай после «культурной революции», когда жизнь полностью вышла из колеи, сложилась ситуация, близкая к гражданской войне. Он воспитал новое поколение китайских руководителей, заложил основу для современного мышления, стал инициатором экономических преобразований. В итоге народ встал на ноги, начал ударно трудиться. И за короткий срок государство не только добилось социально-экономической стабильности, но и превратилось в одного из крупнейших игроков мирового рынка,

заняло свое место в одном ряду с ведущими державами планеты.

РЕАЛИЗУЕМЫЕ В УЗБЕКИСТАНЕ под руководством Президента Шавката Мирзиёева инновационные инициативы напоминают «Сингапурское чудо» и реформы Дэна Сяопина. Яркое подтверждение этого — выдвигаемые идеи о применении кластерного метода в важной отрасли сельского хозяйства — хлопководстве. Нет сомнений, что такая новаторская деятельность, взвешенная политика, такие энергичные действия и уверенные шаги, соответствующие духу времени, в скором будущем позволят Узбекистану занять достойное место в ряду развитых государств мира.

Президент Шавкат Мирзиёев в ходе поездки в Бухарскую область высоко оценил осуществляемую в данном направлении работу, дал ценные указания и рекомендации по дальнейшему ее совершенствованию. В рамках исполнения постановления главы государства «О Программе мер по дальнейшему развитию текстильной и швейно-трикотажной промышленности на 2017—2019 годы» от 21 декабря 2016 года в Бухарской области создано иностранное предприятие «BCT Cluster». Для его развития будет направлено 123,1 миллиона долларов инвестиций. Средства пойдут на организацию современных фабрик по изготовлению пряжи, ее крашению, выпуску трикотажных изделий. Согласно проекту, в составе данного кластера будет налажена деятельность восьми компаний. Это агрокомплекс по выращиванию хлопка-сырца, завод по очистке и обработке сырья, тексильный комплекс из пяти фабрик, маслоэкстракционный завод, животноводческий комплекс на 12 тысяч голов крупного рогатого скота, завод по выработке биогаза, теплица площадью 20 гектаров с применением экономичных технологий и предприятие по изготовлению мясомолочной продукции 25 видов. Также на территории кластера будет засеяно растение индигофера, из которого получают ценную природную краску, используемую в крашении ткани.

Часть промышленного сырья для инновационных тек-

стильных предприятий кластера будет выращиваться на посевных площадях с капельным орошением. Масло, полученное на маслоэкстракционном заводе за счет переработки семян хлопчатника, отправится потребителям, шрот и шелуха будут использоваться для удовлетворения потребностей фермы. В свою очередь органические отходы, которые образуются в животноводческом комплексе и производственном процессе, в качестве биогаза дадут тепло теплицам, а также пойдут на производство ценного минерального удобрения — биогумуса.

Если остановиться на преимуществах хлопково-текстильного кластера по сравнению с другими производственными структурами, то здесь выиграют масштабы. Комплекс предприятий объединит их в технологическую цепочку. Это важный этап перехода на инновационную экономику в данной отрасли. Он имеет большое значение в углублении интеграции науки, образования и производства. Здесь сырье, пройдя все стадии переработки, превращается в готовую экспортоориентированную продукцию. Создание кластера требует объединить вокруг главной цели знания, потенциал и опыт ученых, экономистов, производственников и аграриев, дизайнеров. Поэтому при разработке нового проекта проводились консультации с ведущими учеными не только Узбекистана, но и зарубежных стран, сотрудниками научно-исследовательских центров, специалистами и предпринимателями. А еще будет создан научно-технический совет, научный центр и совет по подготовке кадров.

Говоря проще, инновационный кластер — это метод производства, означающий объединение предприятий, которые в рамках одного комплекса и являясь одним коллективом, заняты подготовкой почвы для посева и посевом хлопчатника, уходом за ним и сбором урожая, глубокой переработкой сырья. В этом процессе гармонизируются интересы всех трудящихся. Все работники, включая тех, кто выращивает хлопок-сырец, и тех, кто его перерабатывает, несут одинаковую ответственность за качество продукции. Потому что часть добавленной

стоимости, возникающей после реализации конечного товара, будет распределяться среди участников. Такой стимул побуждает работать добросовестно. Правда жизни в том, что пока не будут взаимно связаны интересы людей, возделывающих землю и реализующих готовую продукцию, от этого будут в проигрыше не только дехканин или инвестор, но и государство.

Нашей кластерной системе выделено восемь тысяч гектаров земли в Ромитанском районе. Если раньше для работы на земельной площади такого размера привлекалось 436 человек, то теперь число работников превысило две тысячи человек. В будущем эта цифра будет расти. Самое важное, всем — от рабочего до менеджера — установлена приемлемая зарплата.

У некоторых людей, естественно, может возникнуть вопрос: понятно, что размер заработной платы удовлетворительный, но ведь работа сезонная? На самом деле не так. В условиях кластера и дехканин, и руководитель трудятся круглый год. То есть в течение года они будут получать не только зарплату, но еще и премии за хорошую работу. Каким образом? В этом году зимой наши работники занимались сбором отходов животноводства и заготовкой биогумуса. По расчетам специалистов, в животноводстве биогумус приносит в два раза больше дохода, чем мясомолочные продукты.

В настоящее время для развития животноводства завозится оборудование из Германии. Закупаем 230 современных тракторов и сельскохозяйственной техники. В результате будет создано дополнительно 500 рабочих мест для инженеров, водителей, механизаторов и представителей других профессий. В целом, когда кластерная система в полном объеме выйдет на заданные мощности, появится около десяти тысяч постоянных рабочих мест.

РАДОСТНАЯ НОВОСТЬ побуждает родителей звать обратно своих детей, уехавших на заработки в Россию или Казахстан. Вернувшихся принимаем на работу, открываем им трудовые книжки. Еще такие цифры: если в семье трое-четверо детей, то семейный бюджет пополнится в месяц почти

шестью миллионами сумов.

В ближайшие дни закончится строительство дополнительного животноводческого комплекса. Мясо, молоко и другая получаемая от двух тысяч голов крупного рогатого скота продукция — кефир, сливочное масло, колбаса — выдается работникам за счет зарплаты по льготным ценам. Например, мясо они приобретают в несколько раз дешевле, чем на рынке. Кроме зарплаты будут иметь еще и качественные продукты питания. По нашим расчетам, на семью каждого работника приходится по пять-шесть килограммов мяса и молочных продуктов в неделю. Когда начнем производить масло из семян хлопчатника, не только обеспечим им своих работников, но и бесплатно выделим домам «Мехрибонлик» и дошкольным образовательным учреждениям.

Еще один аспект. Преимущество кластера проявляется и в улучшении мелиоративного состояния посевных площадей. Это очень важно, так как большая часть земель истощена, требуется повышение их плодородия. Потому уже вспахали землю глубиной 41 – 45 сантиметров, привели в состояние готовности к посевной. Боремся с засолением. Кроме того, для улучшения состава почвы планируем внедрить севооборот. В этом году 700 из восьми тысяч гектаров земель засеем люцерной. Растение питает почву азотом, фосфором и калием. Во второй, третий и четвертый годы также по 700 гектаров отведем под эту культуру. А семенами хлопчатника засеем только те земли, где в первый год росла люцерна. Таким образом, на одной и той же площади семь лет будет выращиваться хлопок, а три года — люцерна. Как результат, земля оживет и наберется силы, что, конечно же, благотворно отразится на росте хлопчатника. Сокращение же хлопковых полей из-за применения схемы севооборота никак не уменьшит объемов получаемого урожая. Наоборот, за счет повышения урожайности они возрастут.

Президент Шавкат Мирзиёев по этому поводу сказал так: мы рассматриваем метод кластера как будущее хлопководства

Узбекистана. В этом смысле необходимо отдельно остановиться на вопросе, какую роль сыграет кластер-«ласточка» в развитии экономики региона.

Перспективы хлопководства и текстильной промышленности связаны именно с методом кластера. Дело в том, что раньше в Ромитанском районе при выращивании хлопка на восьми тысячах гектаров реализовывалось сырья всего на десять миллионов долларов. С помощью метода кластера этот показатель увеличится в 15 – 25 раз — до 150 миллионов долларов прибыли.

Рассмотрим кластер с экономической точки зрения. В составе хлопково-текстильного предприятия кластерной формы откроется пять фабрик. Для них сейчас приобретаем текстильное оборудование и технологические линии из Германии, США, Бельгии, Швейцарии, Японии. С их использованием будем производить джинсовую ткань индиго, на которую высокий спрос, а также другую продукцию.

Во всем мире аналогичные комплексы по производству джинсов на основе высоких технологий можно по пальцам пересчитать. А вот где еще выращивается хлопок и выпускается из него продукция по качеству мировых брендов, станет единственным на планете. **Его адрес — Узбекистан!**

Обратимся к подсчетам. Один килограмм хлопкового волокна стоит 1,5 доллара. А если из него изготовить ткань, которой будет достаточно для пошива одних джинсов? На мировом рынке ее цена от 500 до 1 000 долларов. Даже если считать по самой минимальной стоимости до 25 долларов, то из хлопка, собранного с восьми тысяч гектаров, можно сшить таких изделий на 150 – 250 миллионов долларов. Сумма не идет ни в какое сравнение с прежними десятью миллионами долларов дохода от экспорта сырья.

Эти средства, несомненно, станут большим вкладом в экономику не только Ромитанского района или Бухарской области, но и всего

Узбекистана, являясь основным фактором повышения

уровня жизни трудящихся сельского хозяйства.

В настоящее время строительно-монтажные работы на объекте находятся в самом разгаре. В частности, на территории кластерного предприятия «Bukhara Cotton Textile» производится ремонт имеющихся производственных зданий, также идет строительство. Здесь выполнены работы на 34 миллиарда сумов.

Земельная площадь на пяти территориях разделена на 77 участков по 90 – 120 гектаров с учетом расположения водных артерий и сохранением целостности кишлаков. Поставили перед собой цель: выручка от экспорта продукции, изготовленной из урожая текущего года; должна составить 45 миллионов долларов. В 2020 году планируем довести этот показатель до 100 миллионов, а к 2021 году — до 150 миллионов долларов. В свою очередь совместно с Министерством занятости и трудовых отношений принимаются меры по созданию условий для прохождения практики студентами профильных вузов, по учреждению стипендий для самых одаренных из них с условием приема их на работу, а также по направлению специалистов в Японию, Италию и другие страны для повышения квалификации. Ведь неразрывными звеньями цепочки кластера в Бухаре являются наука, образование, подготовка кадров. Наряду с этим в сотрудничестве с известными компаниями мира предпринимаются шаги по приглашению в нашу страну сильнейших дизайнеров-модельеров.

Все это неизбежно объединит интересы государства и граждан, а в конечном счете подтвердит, что кластер — важный фактор интеграции, инноваций и экономического роста.

Муртазо РАХМАТОВ,
председатель совета директоров российской компании «Петромаруз», доктор экономических наук, профессор.

ИЛМ-ФАН ЮТУҚЛАРИ — ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Илм-фан — башариятнинг бугуни ва келажагини белгилашда муҳим ўрин тутади. У тараққиётга бевосита таъсир кўрсатади. Аҳоли эҳтиёжларини қондириш баробарида, ҳаётини янада фаровон қилади, муҳофазалайди, энг муҳими, замонавий, ишончли хизмат кўрсатади. Иқтисодиёт ривожининг жадаллигини таъминлайди.

Шу боис олимларимиз янги ва ноёб изланишларни амалга оширишларини, илғор каш-фиётлар яратишларини, бу тадқиқотлар, ўз навбатида, давлат ва жамият ривожига муносиб ҳисса қўшиши зарурлигини давр ва вақт тақозо этаяпти.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев биз, илм-фан вакилларини бир даврага йиғиб, -мазкур йўналишдаги саъй-ҳаракатларни бутунлай янги боскичга кўтариш лозимлиги, бунинг учун давлатимиз доимо қўллаб-қувватлашга тайёр эканлигини алоҳида таъкидлаганидан беҳад кувонди.

Дарҳақиқат, бугун жамият олдида турган долзарб масалаларни илм-фансиз ечиш мушкул.

Мазкур соҳани ва олимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси алоҳида эътирофга лойиқ. Чунончи, Президентимиз томонидан якинда имзоланган "Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиклари фаолиятини такомиллаштириш ва рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармон биз учун улкан аҳамиятга эга. Унда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётида илм-фаннинг ўрнини янада мустаҳкамлаш, академиклар фаолиятини ҳар томонлама кучайтириш, юкори малакали илмий кадрлар тайёрлаш сифатини оширишни рағбатлантириш каби қатор муҳим чора-тадбирлар белгиланган калбимизни чексиз ифт-

тихорга тўлдирди.

Агар иқтисодий жиҳатдан энг тараққий этган давлатлар тажрибасига назар ташласак, бу юксалиш замирида илм-фанни тубдан ривожлантириш турганлигига гувоҳ бўламиз. Мисол учун, Японияни олайлик. Биласиз, Иккинчи жаҳон урушидан кейин "Кунчиқар юрт" жудаям оғир аҳволга тушиб қолганди. Ўша пайтда бу ўлкада асосий эътибор инсоннинг "бошини тўйдириш", яъни унга кучли билим беришга қаратилди. Пировардида илм-фан тараққиётига ажратилган сармоя бугунги кунгача ўзининг ижобий самарасини кўрсатиб келаяпти.

Файласуф Конфуцийнинг шундай ҳикмати бор: агар сен халқингни бир йил боқмоқчи бўлсанг, буғдой эк, ўн йил боқмоқчи бўлсанг, дарахт эк, агар асрлар давомида боқмоқчи бўлсанг, билим, илм эк. Бугун илм-фанга қаратилаётган эътибор ҳам узоқни кўра билиш, порлоқ келажак сари ташланган дадил қадамдир.

Учрашувда соҳада амалга оширилиши зарур бўлган долзарб таклифлар илгари сурилди. Жумладан, юқори технологик илмий маҳсулотларни амалиётга жорий этиш учун янги замонавий тажриба-ишлаб чиқариш, конструкторлик-технологик ташкилотлар ҳамда **инновация** марказларини ташкил этиш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Айтиш жоизки, бу ҳаётбахш ташаббуслар мамлакатимиз равнақида муҳим ўрин эгаллайди. Чунки **инновация** марказлари, аввало, **интеграция** жараёнларини жадаллаштиришга хизмат қилади. Яъни илмий-тадқиқот институтлари, таълим муассасалари ва саноат корхоналарининг рақобатдошлиги юксалади, соҳага маҳаллий ҳамда хорижий инвесторларни жалб этиш имконияти кенгаяди. Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, юртимизда генетика, тиббиёт, математика, физика, технология ва яна кўплаб соҳалардаги ноёб ишланмалар жаҳон миқёсида муносиб эътироф этилишига, харидоргир бўлишига эришишимизга замин яратилади.

Тадқиқотчиларимиз, олимларимизнинг изланишлари, кашфиётлари келажак авлодларга ҳам хизмат қилиши учун бугун нималар қилиш зарур? Бу саволга Президентимизнинг мамлакатимизда юқори салоҳиятга эга, жаҳон миқёсида эътироф этилган олимлар кўплиги, улар ўз мактабларини яратиши, шогирдлар тарбиялаши лозимлиги ҳақида билдирган фикрлари энг муносиб жавоб бўла олади.

Ушбу анжуманда давлатимиз раҳбари бу каби учрашувларнинг доимий бўлишини айтгани зиммамизга янада катта масъулият юклайди. Зеро, бундай эътибор ва ғамхўрлик мамлакатимиз илм-фанини янада ривожлантиришга, ҳеч шубҳасиз, улкан ютуқларга эришишимизга хизмат қилади.

Бакридин ЗАРИПОВ,
академик, биология фанлари докторн, профессор.

КЛАСТЕР — ИНТЕГРАЦИЯ, ИННОВАЦИЯ ВА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ МЕЗОНИ

"Халқ сўзи" 27.02.2018 й.

Аграр тармоққа инновацияларни кенг татбиқ қилиш, заминимизда етиштирилаётган хом-ашёни ўзимизда қайта ишлашни чуқурлаштириш бугунги замон талабидир. Зеро, қишлоқ хўжалиги канчалик саноатлашса, давлатнинг иқтисодий ва экспорт салоҳияти шунчалик ортади, халқнинг турмуш фаровонлиги юксалади. Шу боис Ўзбекистонда кейинги пайтда илғор технологияларга асосланган инфратузилмани яратиш, қишлоқ хўжалигида кластер усулини жорий этишга жиддий эътибор қаратилаяпти. Ана шундай инновацион лойиҳалардан бири Бухоро вилоятида рўёбга чиқарилмоқда.

Кези келганда шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев томонидан жамиятнинг барча жабҳасида амалга оширилаётган туб ўзгаришлар ривожланишнинг янги даврини бошлаб берди.

Аслида, ўзгаришлар палласида ўша давр нафасини ҳис қилиб, юрт тараққиётини тўғри ўзанга солиб юборган ҳақиқий миллат етакчилари дунёда кам топилади. Иқтисодиёт соҳасида узоқ йиллик изланишларим, фаолиятим давомида бунга кўп бора ишонч ҳосил қилганман. Масалан, ўтган асрнинг иккинчи ярмида Сингапурни бошқарган Ли Куан Ю янгича ислоҳотлари билан қолоқ давлатни қисқа вақт ичида жаҳондаги энг илғор мамлакатлар қаторига олиб чиқди. Пировардида "Сингапур мўъжизаси" деган машҳур атамани дунё иқтисодиёти истеъмолига киритди.

Ёки "маданий инқилоб"дан кейин ҳаёт тўлиқ издан чиқиб, деярли фукаролар уруши ҳолатига келиб қолган Хитой бошқарувини қўлга олган Дэн Сяопинни олайлик. У хитойлик раҳбарларнинг иккинчи янги авлодини яратди, янгича фикрлаш ва тафаккурга асос солди, Чин ўлкасидаги иқтисодий

ислоҳотлар ташаббускорига айланди. Натижада халқ жар ёқасидан ортга қайтди, каддини тиклади, ўзлигини англади, бир тану жон бўлиб меҳнат қилди. Буни қарангки, оз муддат ичида мазкур давлат нафақат иқтисодий-ижтимоий барқарорликка эришди, балки дунё бозорининг энг йирик вакилларидан бирига, сайёрамизнинг етакчилари сафига қўшилди.

Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев томонидан ҳаётга татбиқ этилаётган инновацион ташаббуслар, очиғи, менга "Сингапур мўъжизаси" ва Дэн Сяопин ислоҳотларини эслатаяпти. Биргина қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғи бўлган пахтачиликда кластер тизимини қўллаш бўйича илгари сураётган ғоялари ҳамда новаторлик фаолияти бунинг ёркин тасдиғидир. Бундай изчил сиёсат, жўшқин фаолият ҳамда шиддатли замон талабларига ҳамоҳанг ташланаётган шахдам қадамлар жуда яқин келажакда, аниқроғи, уч-тўрт йил ичида Ўзбекистон дунёни ривожланган давлатлари сафидан жой олишига мустаҳкам пойдевор бўлишига шак-шубҳа йўқ.

Президент Шавкат Мирзиёев яқинда Бухоро вилоятига ташрифи доирасида ушбу йўналишда олиб борилаётган ишларни юқори баҳолаб, уларни янада такомиллаштириш бўйича қимматли таклиф ва тавсиялар берди.

Қайд этиш лозимки, давлат раҳбарининг 2016 йил 21 декабрдаги "2017 — 2019 - йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида айнан ушбу ҳудудда "BCT Cluster" хориж корхонаси ташкил этилди. Бунинг учун 123,1 миллион АҚШ долларилик инвестиция йўналтирилиб, дунёнинг етакчи давлатларида ишлаб чиқарилган замонавий, калава, уни бўяш ва тўқув-трикотаж фабрикалари ташкил этилади.

Чунки лойиҳа кўра, мазкур кластер тизимида жами саккизта компания фаолияти йўлга қўйилади. Пахта экиш агрокомплекси, пахтани қайта ишлаш ва тозалаш заводи, бешта

фабрикани ўз ичига олган тўқимачилик мажмуаси, ёғ-мой заводи, 12 минг бош қорамол парваришлашга мўлжалланган чорвачилик фермаси, биогаз ишлаб чиқариш заводи, тежамкор технологияларга асосланган 20 гектарлик иссиқхона, 25 турдан ортиқ сут ва гўшт маҳсулотлари тайёрланадиган корхона шулар жумласидандир. Матони бўяшда ишлатиладиган қимматбаҳо табиий бўёқ олинадиган индиго-ферум ўсимлиги ҳам айнан кластер ҳудудида экилаяпти.

Кластернинг инновацион тўқимачилик корхоналари учун саноатбоп хом-ашёнинг бир қисми эса томчилатиб суғориладиган экин майдонларида етиштирилади. Ёғ-мой заводида чигитни қайта ишлаш ҳисобига олинган ёғ истеъмолчиларга жўнатилса, кунжара ҳамда шулха шу ердаги ферма эҳтиёжларини таъминлашда қўл келади. Ўз навбатида, чорвачилик мажмуаси ва ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўладиган органик чиқиндилар келгусида бунёд этиладиган 20 гектарли иссиқхонани иситиш манбаи бўлган биогаз ҳамда қимматбаҳо ўғит — биогумус ишлаб чиқаришга йўналтирилади.

Энди бевосита пахта-тўқимачилик кластерининг бошқа ишлаб чиқариш тузилмаларидан афзалликларига тўхталадиган бўлсак, бу ягона технологик занжирга бирлаштирилган корхоналар мажмуи ва аҳоли турли қатламларини ўзида жамловчи боғлам, айни пайтда соҳада инновацион иқтисодиётга ўтишнинг муҳим босқичидир. У илм-фан, таълим ҳамда ишлаб чиқариш интеграциясини чуқурлаштириш, янги инновацион технологияларни амалиётга жадал жорий этишда долзарб аҳамиятга эга. Чунки бу ерда хом-ашё қайта ишлашнинг барча босқичидан ўтиб, экспортбоп тайёр маҳсулотга айланади. Шундай экан, кластерни яратиш олим ва иқтисодчилар, қишлоқ хўжалиги, саноат ходимлари, дизайнерлар салоҳияти, илғор тажрибасини ягона мақсад йўлида бирлаштиришни тақозо қилади. Шу боис янги лойиҳани ишлаб чиқишда нафақат ўзбекистонлик, балки хорижлик етакчи олимлар, илмий-тадқиқот марказлари ходимлари, мутахассислари ҳамда тадбиркорлар билан маслаҳатлашилди. Шу ернинг ўзида илмий-техник кенгаш, илмий марказ ва кадрлар тайёрлаш бўйича кенгаш тузиш белгилаб олинди.

Оддий қилиб айтганда, инновацион кластер, бу — бир мажмуа доирасида бир жамоа бўлиб ерларни шудгорлаш, чигит экиш, пахтани парваришлашб, ҳосилини йиғиб-териб олиш, хом-ашёни чуқур қайта ишлаш билан боғлиқ корхоналарни бирлаштирувчи ишлаб чиқариш услубидир.

Мазкур жараёнда ҳамма меҳнаткашларнинг манфаатлари уйғунлашади. Яъни хом ашё етиштирувчидан тортиб, уни қайта ишловчиларгача бўлган барча ишчи-ходим маҳсулот сифатига бирдек жавобгар бўлади. Чунки шунга яраша охирги товарни сотишдан пайдо бўладиган қўшимча қийматнинг бир қисми шу ишга бош қўшган меҳнаткашларга тақсимланади. Бундай рағбат уларни номигагина эмас, балки сидқидилдан меҳнат қилишга ундайди. Ҳаёт ҳақиқати шуки, агар охирги маҳсулот олувчилар билан ерга ишлов берувчилар манфаатлари бир-бирига боғланмас экан, бундан нафақат деҳқон ёки инвестор, балки давлат ҳам ютқазади.

Айни пайтда кластер тизимимизга Ромитан туманидан 8000 гектар ер ажратилган. Илгари шунча майдонда атиги 436 киши меҳнат қилган бўлса, ҳозирги кунда уларнинг сони 2 мингдан ошди. Келажакда бу рақам янада ортади. Энг муҳими, ишчидан тортиб, менежер-раҳбарларгача ҳар томонлама мақбул ойлик иш ҳақлари белгиланган.

Шу ўринда кўпчиликда савол туғилиши табиий: ойлик маош миқдорининг қониқарли эканлиги тушунарли ҳол, лекин меҳнат қилиш муддати мавсумий-ку?

Аслида ундай эмас. Бизнинг кластер тизимида деҳқон ҳам, раҳбар ҳам қишин-ёзин ишлайди. Яъни улар йил давомида нафақат маош, балки яхши ишласа, мукофот пули ҳам олади. Қандай қилиб дерсиз?

Мисол учун, бу йил қиш мавсумида ишчиларимиз уч гуруҳга бўлиниб, чорва чиқиндиларини йиғди. Ҳар бир бригадага 100 гектардан майдон ажратиб берилди. Уларда қазилган катта-катта ҳандақларда биогумус тайёрланаяпти. Маълумот учун айтиб ўтаман, мутахассислар ҳисоб-китобларига қараганда, чорвачиликда гўшт-сут маҳсулотларидан кўра, биогумус икки баробар кўп даромад келтирар экан.

Айни пайтда чорвачиликни ривожлантириш учун Германиядан жиҳозлар олиб келинаяпти. Шунингдек, 230 та замонавий трактор, қишлоқ хўжалиги техникаси харид қилаяпмиз. Бунинг натижасида муҳандислар, ҳайдовчилар, механизаторлар каби мутахассисликлар бўйича қўшимча 500 та иш ўрни яратилади. Умуман, келажакда кластер тизими тўлиқ ишга туширилса, жами ўн мингга яқин доимий иш жойлари пайдо бўлади.

Бундай янгиликни эшитиб, ҳозир ота-оналар Россия ёки Қозоғистонга кетган фарзандларини чақириб олмоқда. Келганларини ишга қабул қилиб, янгидан меҳнат дафтарчаси очиб бераяпмиз. Тасаввур қилинг, битта оилада уч-тўрт фарзанд бўлса, ойига қарийб 6 миллион сўм кириб боради.

Яқин кунларда қўшимча чорва мажмуаси ҳам қуриб битказилади. Эътиборлиси, мавжуд қорамолларнинг 2 минг бошидан олинадиган қатиқ, гўшт, сариёғ, колбаса сингари сут-гўшт маҳсулотлари ишчи-ходимларга маошлари ҳисобидан имтиёзли нархларда берилади. Масалан, гўштни бозордагидан беш-олти баробар арзон баҳода олишади. Шундай қилиб, жамоа аъзолари ҳам ойлик иш ҳақи, ҳам сифатли маҳсулотга эга бўлади. Ҳисоблаб кўрсак, ҳар бир ходим оиласига ҳафтасига беш килограммдан гўшт, сут-қатиқ тўғри келаётган экан. Дастурхонидан бундай маҳсулотлар аримайдиган ота-оналарнинг уйидан кўнгли тўқ бўлади, болалари соғлом ўсади. Чигитдан ёғ олсак, уларни нафақат ўз ишчиларимиз, балки мехрибонлик уйлари ва боғчаларга бепул топширишни ҳам

режалаштирганмиз.

Яна бир гап. Кластер тизими экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилашда ҳам жуда қулай ҳисобланади.

Тан олиш керак, ҳозир кўп ерлар "чарчаган". Шунинг учун, энг аввало, экин майдонларининг унумдорлигини ошириш керак. Биз айни шу мақсадда ерларни 41 — 45 сантиметр чуқурликда ҳайдадик, шўрини ювиб, экиш учун тахт ҳолга келтирдик. Қолаверса, тупроқ таркибини яхшилаш учун алмашлаб экишни йўлга қўйишни режалаштирганмиз. Бу йил 8 минг гектарнинг 700 гектарига беда уруғи сепилади. Сабаби, ушбу ўсимлик ҳаводан табиий азот, фосфор, калийни олиб тупроққа беради. Иккинчи, учинчи, тўртинчи йили ҳам 700 гектарга беда жойлаштирилиб, фақат биринчи йилги беда экилган жойга чигит қадалади. Шунда етти йил бир ерга пахта, уч йил беда экилади. Қарабсизки, ер ҳам "тирилади", қувватга тўлади, пахта ҳосили ҳам зўр бўлади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, алмашлаб экиш схемасини қўллаб, ерларнинг бир қисмида пахта экиш қисқариши 8000 минг гектардан олинадиган ҳосил миқдорини асло камайтирмайди. Аксинча, ҳосилдорлик ошиши ҳисобига кўпаяди.

Бинобарин, Президент Шавкат Мирзиёев ҳам кластер усулига биз Ўзбекистон пахтачилигининг келажаги сифатида қарамоқдамиз, дея эътироф этган эди. Шу маънода, юртимиздаги кластер тизимидаги қалдирғоч мажмуа ҳудуд иқтисодиёти равнақида қандай роль ўйнашига алоҳида тўхталиб ўтиш лозим, деб ўйлайман.

Чиндан ҳам, пахтачилик ва тўқимачилик саноати истиқболи кластер усули билан боғлиқ. Сабаби, илгари биргина Ромитан туманида 8 минг гектар майдонга пахта экилганда, қиймати қарийб 10 миллион АҚШ долларилик хом-ашё сотилган, холос. Кластер усули ёрдамида бу кўрсаткични 15 — 25 баробар кўпайтириб, 150 миллион доллар, ҳатто ундан ҳам ошириш мумкин.

Энди бунинг иқтисодий жиҳатдан асосларини айтиб ўтсам. Кластер тизимидаги пахта-тўқимачилик корхонаси таркибида бешта фабрика очилади. Уларга дунёнинг энг илғор давлатлари компанияларидан тўқимачилик асбоб-ускуналари, технологик линияларни олиб келаяпмиз. Жумладан, ип йигириш фабрикаси Германиядан, бўяш фабрикаси АҚШдан, мато тўқиш фабрикаси Бельгиядан, пардозлаш фабрикаси Швейцариядан, тикувчилик фабрикаси эса Япониядан келтирилади. Мазкур линиялар уйғунлигида дунёда энг қимматбаҳо бўлган "Деним-индиго" жинси матоси ҳамда бошқа харидоргир маҳсулотлар чиқарамиз.

Кези келганда айтиш жоизки, дунёда мана шундай технологиялар асосида жинси тайёрлайдиган фабрикалар мажмуи саноқлигина! Энди тасаввур қилиб кўринг-а, ўзи пахта экиб, жаҳон брендлари даражасидаги маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган комплекс эса дунёда ягона бўлади. Унинг манзили — Ўзбекистон!

Шу ўринда оддий арифметикага мурожаат этамиз. Бир килограмм тола кўпи билан 1,5 долларга сотилади. Кластер тизимида қайта ишланган 1 килограмм толадан тўқилган мато битта "Деним-индиго" жинси шимини тикиш учун етарли. Бундай маҳсулот дунё бозорида 500 – 1000 долларгача туради. Биз эса буни минимал қийматда 15 – 25 доллар, деб баҳолаяпмиз. Энди ҳисоблаб кўринг, 8 минг гектардан оладиган пахтамиздан 150 – 250 миллион долларлик ана шундай маҳсулот тайёрланади. Оддий хом-ашё экспортидан келиб тушган 10 миллион қаерда-ю, бу рақамлар қаерда?

Бу эса нафақат Ромитан тумани, Бухоро вилояти, балки Ўзбекистон иқтисодиётига муносиб ҳисса бўлиб қўшилиши, қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари турмуш даражасини кўтаришда асосий омиллардан бирига айланиши, шубҳасиз.

Айни пайтда кластер тизимимиздаги қурилиш-монтаж ишлари қизғин паллага кирган. Хусусан, "Bukhara cotton

textile" кластер корхонаси ҳудудида мавжуд ишлаб чиқариш бинолари қайта таъмирланиб, янги иншоотлар бунёд этилаяпти. Аниқроғи, бугунги кунга қадар 34 миллиард сўмлик қурилиш ишлари бажарилди. Сув йўллари ва қишлоқнинг яхлитлигини сақлаган ҳолда, аҳоли билан келишиб, 5 та ҳудуддаги майдонлар 90 — 120 гектардан 77 та участкага бўлинди.

Олдимизга жорий йил ҳосилидан тайёрланган маҳсулотлар экспортини 45 миллион, 2020 йилда 100 миллион, 2021 йилда 150 миллион АҚШ долларигача етказишни асосий мақсад қилиб қўйганмиз. Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан ҳамкорликда олий ўқув юртлари талабалари амалиёт ўташлари учун шароит яратиш, келгусида уларни ишга олиш шарти билан энг иқтидорли ҳамда аълочиларига стипендия жорий этиш, шунингдек, Япония, Италия ва бошқа чет давлатларга малакасини ошириш учун жўнатиш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Зеро, Бухородаги кластер занжирининг узилмас халқаси бу илмий, таълим ҳамда кадрларни тайёрлаш тизими ҳам ҳисобланади. Бундан ташқари, дунёдаги машҳур компаниялар билан ҳамкорликда энг кучли дизайнер-модельерларни олиб келиш бўйича саъй-ҳаракатлар давом эттирилаяпти.

Буларнинг барчаси одамлар ва давлат манфаатларини бирлаштириб, пировардида кластер — интеграция, инновация ва иқтисодий ўсиш мезони эканлигини амалда тўлиқ исботлаши, муқаррар.

Муртазо РАҲМАТОВ,
Россиянинг "Компания Петромаруз" компанияси директорлар кенгаши раиси, иқтисод фанлари доктори.

Народное слово, 14 март 2017 г.

ПРОИЗВОДСТВЕННЫЙКЛАСТЕР—СОВРЕМЕННЫЙ ПОДХОД В ЭКОНОМИКЕ

В Узбекистане создан благоприятный инвестиционный климат, широкая система правовых гарантий и льгот для иностранных инвесторов, разработана целостная система мер по стимулированию деятельности предприятий с иностранными инвестициями.

Ускоренные темпы социально-экономических реформ четко прослеживаются на примере принятия важных, давно назревших решений. Видя перспективы, иностранные компании ведут активную инвестиционную деятельность в Узбекистане, принимают участие в проектах в разных отраслях экономики.

Состоявшаяся на днях поездка Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева в Бухарскую область с целью ознакомления с осуществляемыми реформами, диалога с народом, предпринимателями стала очередным важным событием для всех жителей страны и региона, укрепила в них уверенность в завтрашнем дне, явилась огромным стимулом для продолжения созидательной широкомасштабной работы.

В последнее время в Бухарской области, как и по всей республике, реализуется множество перспективных проектов. Особое значение в их разработке и претворении в жизнь уделяется задачам, изложенным в Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017—2021 годах, где, в частности, предусмотрен комплекс мер по углублению структурных реформ, повышению конкурентоспособности национальной экономики за счет модернизации и диверсификации ведущих отраслей. В промышленном комплексе Узбекистана текстильная отрасль играет важную роль.

Очередным этапом в ее развитии стало постановление главы государства от 21 декабря 2016 года "О программе мер по дальнейшему развитию текстильной и швейно-трикотажной промышленности на 2017—2019 годы".

Поставленных целей намечено достигать путем кардинального изменения отношения к труду, строгой установкой на конечный результат, привлекая для реализации задуманного инвестиции. В первую очередь вложения капитала требуются предприятиям, которые будут производить товары и изделия с высокой добавленной стоимостью.

Одно из подобных современных производств, создаваемых при участии иностранного капитала — это СП "Бухара коттон текстил". В ближайшее время инвесторы предприятия "Paraglide Ltd" (Великобритания) и "Компания Петромаруз" (Россия) планируют организовать в регионе хлопково-текстильное производство по типу кластера — группы предприятий, объединенных в единую технологическую цепочку, где интегрированы наука, образование и производство. Здесь сырье, пройдя все стадии переработки, превращается в конечную продукцию высокого качества, ориентированную на экспорт.

Целью создания кластера является интеграция всех заинтересованных предприятий, входящих в него, — от выращивания сырья до конечного продукта путем глубокой переработки. При таком подходе обеспечивается повышение экономической заинтересованности производителя сырья от результатов конечного продукта, в чем заключается уникальность и ценность данного проекта. Подобный интегрированный и инновационный подход успешно применяется в развитых странах.

С претворением в жизнь перспективной идеи запланировано объединить знания ученых Узбекистана, экономистов, опыт и навыки производственников и аграриев в единой структуре. В стороне от влияния кластера не остались и профессиональ-

ные колледжи. При разработке проекта проводились консультации с учеными, сотрудниками научно-исследовательских центров, специалистами, предпринимателями, здесь же намечается создать научно-технический совет, научный центр и совет по подготовке кадров. На создание кластера совместно с партнерами будет направлено 123,1 миллиона долларов инвестиций. Здесь намечено производить 6,5 тысячи тонн пряжи, 10 тысяч квадратных метров джинсовой ткани, 1,5 миллиона штук готовых швейных изделий.

Знакомясь с проектом предприятия, Шавкат Мирзиёев отметил, что реализация только хлопкового волокна приносит значительно меньше прибыли, чем готовых изделий из него, в связи с чем необходимо еще более расширять переработку сырья и выпуск конкурентоспособной экспортоориентированной готовой продукции. Глава государства дал ценные указания по результативному воплощению замысла и его развитию.

Новшество проекта также состоит в том, что сырье для текстильного производства будет выращиваться на участках с капельным орошением, на территории кластера появится маслоэкстракционный завод, побочная продукция которого — шрот и шелуха — станут основным ингредиентом в меню более 10 тысяч голов крупного рогатого скота — питомцев животноводческого комплекса. Дополнительным питанием для них послужит также зеленый корм, выращиваемый методом гидропоники, — то есть не в почве, а во влажно-воздушной среде, что значительно повысит урожайность. В свою очередь продукты отходов фермы и производства пойдут на выработку биогаза — источника подогрева для создаваемой на 20 гектарах теплицы. Суммарный валовый продукт комплекса превысит 460 миллиардов сумов, экспортный потенциал — 50 миллионов долларов.

Масштабный бизнес-проект так называемого полного цикла, где итогом работы каждой из его структур является готовая продукция, окупится, по подсчетам наших экономистов, за пять лет. В кластере после ввода в строй всех его мощностей планируется создание 3,5 тысячи рабочих мест, основу трудового коллектива составят выпускники местных колледжей и вузов республики. Широко будет внедрена в практику научно-инновационная продукция нашей страны и зарубежных государств.

Кластер призван стать важным инструментом содействия инновациям, развитию конкурентоспособности и эффективности экономики Бухарской области, появлению здесь большего числа современных предприятий, необходимость чего подчеркнул в ходе поездки Президент. Реализация проекта принесет экономическую выгоду за счет ускорения доведения конечного продукта до потребителя, поспособствует росту производительных сил, повышению эффективности производства, увеличению объема продукции, совершенствованию производственных отношений.

Муртазо РАХМАТОВ,
председатель совета директоров
"Компания Петромаруз"
(Россия), доктор экономических наук.

КЛАСТЕР – ҚАЛДИРҒОЧ ЛОЙИҲА

Апрел 25, 2017 й., "Қишлоқ ҳаёти"

Биз мавжуд ривожланиш суръатлари билан ўз олдимизга қўйган юксак мақсадларга эришга олмаймиз. Бугун замон ўзгармоқда, унинг талаби, олдимизга қўяётган вазифалари тобора ортиб бормоқда. Вазиятни ўзимиз, ўз ақл-заковатимиз, меҳнатимиз билан ўзгартирмасак, ҳеч ким четдан келиб, бу ишни биз учун қилиб бермайди.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қабўл қилинган 2017-2021 - йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, етакчи тармоқларни модернизация ва диверсификация қилиш асосида мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш борасида барча соҳаларда кенг кўламли ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этиш кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари хомашёни сотиб эмас, хомашёни тайёр маҳсулотга айлантириб, моддий манфаатдор бўлиш зарурлиги ҳақида кўп бора гапириб, бунга эришишнинг йўлларига алоҳида эътибор қаратиб келмоқдалар. Зотан, бу йўл билан юртимиз ва унинг меҳнат аҳли ҳозиргидан кўра ўн мартагача кўпроқ моддий бойликка эга бўлади.

Бу борада таълим ва ишлаб чиқариш интеграциялашувини чуқурлаштиришнинг аҳамияти, янги технологияларни жорий этишнинг ўта муҳимлиги ҳам алоҳида эътироф этилмоқда. Бугунги кунда инвесторлар томонидан лойиҳаси таклиф қилинаётган замонавий ишлаб чиқариш кластери – бу бир технологик тизимга жамланган корхоналар, яъни фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциялашган мажмуадир. Бунда хомашё бир тизим томонидан барча қайта ишлаш жараёнларидан ўтказилиб, юқори сифатли тайёр якуний маҳсулотга айлантирилади. Бундай интеграциялашган ва инновацион ёндашув дунёнинг ривожланган давлатлари тажрибасида муваффақиятли қўлланилмоқда.

Президентимиз Бухоро вилоятига қилган ташрифи давомида Бухоро шаҳрида ишга туширишга мўлжалланаётган "Бухоро коттон текстильь" қўшма корхонаси ва кластер лойиҳаси билан танишиб, бу борада ўзининг қимматли маслаҳатларини берган эди. Ушбу лойиҳа, яъни, қўшма корхона ўз моҳиятига кўра, юқоридаги жараённи ўз ичига олгани билан аҳамиятлидир. Яъни, бу ерда инвесторлар – "Paraglide Ltd" (Буюк Британия) ва "Компания Петромаруз" (Россия) компаниялари мазкур лойиҳа доирасида пахта етиштиришдан то тайёр тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришгача бўлган жараённи қамраб оладиган пахта-тўқимачилик кластери ташкил этиш юзасидан амалий тадбирларга киришишган.

Мавзуга доир маълумот

"Кластер" атамаси французча сўз бўлиб, ўзбекчада "панжа", "бош", "боғлам", "гуруҳ", "занжир", "тўпланиш" маъноларини беради. Мамлакатимиз раҳбари томонидан танқид остига олиниб, иқтисодий йўналишнинг анъанавий усуллари самараси етарлича эмас, деб баҳоланаётган ҳозирги даврда, инновацион технологиялар асосида бизнесни ташкил этишда "Кластер" назариясини амалиётга татбиқ этиш энг мақбўл йўл, дея эътироф этилмоқда.

Пахта-тўқимачилик кластери – аҳоли турли қатламларини жамловчи боғлам

Пахта-тўқимачилик кластери нафақат енгил саноатни, балки ўз йўлида қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноати, фармацевтика, қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш каби ўнлаб тармоқларни ҳам қамраб олади. Далил. Пахта хомашёсидан 25 турдан зиёд маҳсулот тайёрланади. Бир тонна пахтадан ўртача 360 килограмм момиқ пахта, 110 килограмм пахта ёғи, 16 килограмм совун олинади. Шунча толадан ўртача 7200 метр мато, ундан 54 минг метр ғалтак ип юзага келади ва ўнлаб турдаги ҳаёт учун зарур бошқа маҳсулотлар тайёрланади. Қолаверса, фармацевтика саноатида қўлланиладиган моддалар, чигитидан чорва учун озуқа, ҳаттоки, ғўзапоясидан биогаз, ёғоч материаллари тайёрлаш имкониятини ҳисобга олсак, унинг аҳамияти янада ойдинлашади.

Ягона занжирда айланадиган тараққиёт – Кластер – яъни, ягона технологик занжирга бирлаштирилган корхоналар мажмуи илм-фан, таълим ҳамда ишлаб чиқариш интеграциясини чуқурлаштириш, янги технологияларни амалиётга жадал жорий этиш заруриятини юзага келтиради ва бунинг имконини беради, – дейди академик, биология фанлари доктори, профессор Бакридин Зарипов. – Кластерни яратиш олим ва иқтисодчилар, қишлоқ хўжалиги ҳамда саноат ходимлари салоҳияти, илғор тажрибасини ягона мақсад йўлида бирлаштиради.

Кластерни шакллантиришда академиклар, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги илмий-тадқиқот марказлари ходимлари, олий таълим муассасалари олимлари, шу жумладан, Тошкент тўқимачилик енгил саноат институти, М.Улуғбек номидаги ЎзМУ мутахассислари, тадбиркорлар ва бошқаларнинг маслаҳатларига таяниб иш кўрилди. Кластер кошида турли кенгашлар, жумладан, академик ва олимлар техник кенгаши, илмий марказ, коллежлар қатнашувида кадрлар тайёрлаш кенгаши, олий таълим муассасалари ва бошқаларнинг кенгашлари ташкил этилди. Уларда Ўзбекистон тўқимачилик ва енгил саноати тизимида кластерларни шакллантириш масаласи вилоятлардаги аниқ иқтисодий-ижтимоий шарт-шароитлар асосида, кластер назариясининг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўлади, деган хулосага келинди.

Академик Б.Зарипов бўларни эътироф этаркан, – бу кластерни "ягона занжирда айланадиган тараққиёт", деб таърифлаш мумкин, – дейди. Бу жараённинг тўрт босқичдан иборат бўлиши эътироф этилди: Биринчи босқич аграр тармоқ юмушлари – саноатбоп хомашё етиштирувчи жабҳа бўлиб, ерни экинга тайёрлашдан, то ҳосилни йиғиштириб олгунча бўлган жараённи ўзи ичига олади.Иккинчи босқич хомашёни бирламчи қайта ишлаш – ҳосилни тола, уруғ, чигит каби маҳсулотларга айлантиришни ўз ичига олади. Шунингдек, қурилиш соҳаси учун ғўзапояни тайёрлаш.

Учинчи босқич чуқур қайта ишлаш жараёнини ўзига олиши билан аҳамиятлидир. Бунда пахта хомашёсидан олинган бирламчи маҳсулотлар истеъмол учун тайёр маҳсулотга айланади. Жумладан, толадан ип-калава ва ундан мато, тайёр кийим-кечаклар, чигитдан ўсимлик мойи, хўжалик совуни, чорва учун озуқа, фармацевтика учун керакли маҳсулотлар олинади. Ғўзапоя қайта ишланиб ундан иссиқхона учун биогаз тайёрланади. Ва ҳакозо…

Тўртинчи босқич Бунда биринчи босқич билан тўртинчи босқич ўзаро боғланади – ҳақиқий занжир юзага келади. Яъни, олинган озуқа ҳисобига чорвачилик мажмуи ташкил этилиб, ундан олинган маҳсулотларни қайта ишлаш орқали озиқ-овқат саноати учун гўшт-сут етиштириш, уни қайта ишлаш натижасида эса бозорга 15 турдаги тайёр маҳсулот чиқариш мумкин. Чорвачилик тармоғи бевосита аграр тармоқни – ерларни та-

бий ўғит билан бойитиш имконини беради. Бундан ташқари, биогаз олиш, у орқали кластердаги яна бир тармоқ – иссиқхона хўжалигини ривожлантириш имкони юзага келади.

Янги тараққиёт мавсуми даракчиси – Кластерни ташкил этиш учун 123,1 миллион АҚШ долларилик инвестиция йўналтирилади, – дейди "Компания Петромаруз" (Россия) директорлар кенгаши раиси, **иқтисод фанлари доктори Муртазо Раҳматов**. – Ушбу маблағ эвазига мавжуд кувватлар модернизация килиниб, қўшимча равишда йигирув, тўқув ҳамда тикув-трикотаж линиялари ўрнатилади. Шунингдек, лойиҳада тўқилган матоларга ранг бериш учун индигофера ўсимлиги экилиб, ундан индиго рангини берувчи буёқ ҳам олиш мўлжалланган.

Ўз моҳиятига кўра, бу ерда **тўқимачилик корхоналари** учун саноатбоп хомашё етиштирилади. У ҳам инновацион технология асосида – томчилаб суғориладиган экин майдонларида етиштирилади.

Кластер ҳудудида **ёғ-мой заводи қурилиб**, чигитни қайта ишлаш ҳисобига олинган ёғ истеъмолчиларга жўнатилса, кунжара ҳамда шулха шу ернинг ўзида ташкил этиладиган чорвачилик мажмуига берилади. Яъни, лойиҳага кўра, кластер ҳудудида **чорвачилик мажмуи** ҳам барпо этилмоқда. Чорва учун тўйимли озука ҳам "бир занжир"да тайёрланади. Кунжара ва шулхадан ташқари **гидропоника усулида қўшимча озука экинлари етиштиришни йўлга қўйиш режалаштирилмоқда**. Муҳим жиҳати, чорвачилик яна бир **инновация**ни амалиётга татбиқ этишга йўл очади. Яъни ферма ва ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўладиган органик чиқиндилар келгусида бунёд этиладиган иссиқхоналарни иситиш манбаи бўлган биогаз ишлаб чиқаришга йўналтирилади. Бунда 9 мингдан ортиқ киши иш билан таъминланади. Меҳнат жамоасининг асосини маҳаллий касб-ҳунар коллежи, республика олий таълим муассасалари битирувчилари ташкил этади. Бўларнинг барчаси мамлакатимизда кенг кўламдаги ўзгаришлар амалга оширилаётганининг ёрқин далилидир. Энг муҳими, ушбу ислоҳотлар **жаҳон стандартлари даражасидаги инновация** билан бойитилаётгани билан аҳамиятлидир.

Анвар ҚУЛМУРОДОВ,
журналист.

КЛАСТЕР – ЯНГИЛАНИШ ТИМСОЛИ

Май 5, 2017, "Қишлоқ ҳаёти"

"Қишлоқ ҳаёти" газетасининг 25 апрель сонидаги "КЛАСТЕР – қалдирғоч лойиҳа" сарлавҳали мақолани ўқиб, мамлакатимизда ана шундай улкан, истиқболли лойиҳа амалга оширилаётгани билан танишиб, ниҳоят даражада таъсирландик.

Лойиҳанинг ҳаётга татбиқ этилиши иқтисодиётимизни ривожлантириш билан бирга, аҳолининг кенг қатламини бир-бирига боғлайди, уюштиради ва жипслаштиради. Жумладан, касб-хунар коллежлари ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабалари, илмий ходимлари, изланувчи ва докторантлари дунёнинг илғор технологияларини жамлаган ушбу Кластер майдонида профессор-ўқитувчилар, академиклар раҳбарлигида амалиёт ўташади, курс иши, диплом лойиҳалари ва диссертацияларини ёқлаш имконияти яратилади. Битирувчилар ўз фаолиятини тажрибали мутахассислар билан бирга давом эттириш имконига эга бўлишади.

Лойиҳанинг бу жиҳати Президентимизнинг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида белгиланган дунёнинг инновацион ғояларидан фойдаланиб таълимда сифат масаласини тубдан яхшилаш, барча соҳаларда интеграцияни кучайтириш мақсадига мувофиқдир.

Шунингдек, лойиҳа ижроси доирасида минглаб битирувчилар янги иш ўринларига эга бўлишади. Лойиҳанинг яна бир ижобий жиҳати, кластер орқали турли касб эгалари – деҳқон, сувчи, боғбон, агроном, инженер, агрохимик, фермер, иқтисодчи, чорвадор, ветеринар, энергетик, технолог, бичувчи, тикувчи, дизайнер, маркетолог, қурувчи, тарбиячи, олимларни умумий мақсад сари сафарбар этади. Бошқарувнинг битта кластерга бирлашуви эса барча иш жараёнларини мувофиқлаштиради, осонлаштиради ва тезлаштиради.

Кластернинг қалдирғоч лойиҳа деб аталишида ҳам чуқур маъно бор. Чунки қалдирғоч ўзи билан яхшиликни, ёшаришни, хурсандчилик ва яратувчанликни, қалбларнинг уйғонишини, поклик ва бошқа ижобий туйғуларни бирга олиб келади. Ўйлаймизки, яратилаётган Кластер мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги, саноати, умуман, барча соҳаларига янги нафас киритади.

Шаҳноза КИМСАНБОЕВА,
Тошкент давлат аграр университети ўқитувчиси.

Бахтигул СИНДОРОВА,
талаба.

ПАХТА – ТЎҚИМАЧИЛИК КЛАСТЕРИ: ЗАМОНАВИЙ ВА БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ЛОЙИҲАСИ

«Қишлоқ ҳаёти» газетаси Январь 18, 2018 й

Бугунги шиддатли тараққиёт даври барча тоифадаги маҳсулот ишлаб чиқариш субъектларидан ақл билан узоқни кўзлаб тузилган аниқ ва пухта режалар асосида иш юритишни талаб этяпти. Мамлакатимиз иқтисодиётининг жадал ривожланишида, халқимиз дастурхони тўкинлигини таъминлашда муҳим ўрин тутаётган қишлоқ хўжалиги соҳаси ҳам бундан мустасно эмас, албатта.

Президентимизнинг 2017 йил 19 майдаги Бухоро вилоятида замонавий пахта – тўқимачилик кластерини ташкил этишга оид қарори асосида олиб борилаётган амалий ишлар соҳага кириб келаётган инновациянинг ёркин кўринишидир.

"Тайёр маҳсулотгача" тамойили асосида

Шу ўринда кластер лойиҳаси ҳақида маълумот бериб ўтишни жоиз деб билдик.

Пахта – тўқимачилик кластери бу пахта хомашёсини етиштириш учун ерларни тайёрлаш, пахтани экиш, етиштириш, йиғиштириб-териб олиш, қайта ишлаш ва бирламчи қайта ишлашдан олинган маҳсулотларни чуқур қайта ишлаш йўли билан юқори қўшимча қийматга эга бўлган, жаҳон стандартларига мос келадиган, юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларнинг реализацияси билан шуғулланувчи корхоналарни битта бошқарув тизимида бирлаштирган ишлаб чиқаришни ташкил қилиш услубидир. Бухоро пахта-тўқимачилик кластерида ушбу услубнинг моҳияти ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда иш ташкил этилган. Яъни бу ерда фан ва замонавий ишлаб чиқариш жараёнини ўзаро боғлаган, саккизта лойиҳани ўзида бирлаштирган яхлит тизим шакллантирилган. Биринчидан, саноатбоп хомашё етиштирилади ва йиғиштириб олинади. Иккинчидан, қайта ишлаш жараёнида бирламчи хомашё тайёрланади. Учинчи босқичда эса пахта толаси ип-калавага айлантирилади. Кейинги босқичда у табиий бўёқ билан бўялади, маҳсулот тўқилади – тайёр маҳсулот ҳолатига келтирилади. Сўнг корхонада ташкил этиладиган тикувчилик цехида тайёр кийимга айлантирилади.

Иккиламчи маҳсулот сифатида олинган чигитдан эса ёғ, шрот, кунжара ишлаб чиқарилади. Озуқа маҳсулотлари кластерда ташкил этиладиган 10 минг бошга мўлжалланган чорвачилик мажмуаси учун керак бўлади. Мажмуада олинадиган хомашё – сут, гўшт ва терини қайта ишлаш учун учта завод курилади. Чорва чиқиндиларини қайта ишлаш натижасида биогаз олиниб, 20 гектарлик иссиқхонани иситиш учун ишлатилади. Қувонарли томони шундаки, мазкур лойиҳа аграр соҳанинг бир қатор тармоқларини ўз ичига олади ва улар истиқболда белгиланган "Тайёр маҳсулотгача" тамойили асосида иш олиб боради. Буларнинг барчаси соҳада хомашёни сотиб эмас, уни тайёр маҳсулотга айлантириб, моддий манфаатдор бўлиш йўлидаги дастлабки одим ҳисобланади.

Амалий ҳаракатлар самараси

Президентимизнинг қарори асосида ўтган йилнинг иккинчи ярмида Бухоро вилоятида "Paraglide Limited" (Буюк Британия) ва "Петромаруз" (Россия) компаниялари инвестициялари асосида "Bukhara cottoh tekstile cluster" масъулияти чекланган жамияти шаклидаги пахта-тўқимачилик корхонаси ва унинг пахта етиштириш ва пахтани қайта ишлаш шўъба корхоналари ташкил этилди.

Бухоро вилоятида замонавий пахта – тўқимачилик кластерини ташкил этиш лойиҳаси 2017-2021 йилларга мўлжалланган бўлиб, унинг умумий қиймати 123,1 миллион АҚШ долларига тенг. Корхона учун зарур бўладиган пахта хом-

ашёси ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш мақсадида Ромитан туманининг суғориладиган майдонларидан 8 минг гектар ер ажратилди. Бу ерда "BCT CLUSTER AGROKOMPLEKS" МЧЖ корхонаси ташкил этилди. Ҳозирда деҳқончилик юмушларини бажаришга ихтисослашган агрокорхона, ёқилғи мойлаш ва машина-трактор парки каби мажмуалар барпо этилмоқда. Ер майдонлари 8 бўлим, 78 та участкага ажратилиб, бунда ерларнинг сув йўлларига мослиги, аҳоли яшаш манзиллари эътиборга олинди. Буларнинг барчаси мутахассислар ва аҳоли эътирофига сазовор бўлди. Ҳозирда агротехник юмушлар бошлаб юборилди. Хусусан, ерларни шудгор ва шўр ювишга тайёрлаш, контур атрофларини тозалаш, шудгорлаш, сув йўлларини таъмирлаш каби агротехник тадбирлар тўлиқ бажарилди. Бунда маҳаллий ўғит жамғариш ишларига ҳам алоҳида этибор берилди. 8 минг гектар майдонда ушбу агротехник тадбирларни амалга ошириш учун олдинги йиллари 426 нафар киши меҳнат қилган бўлса, бу йил уларнинг сони салкам 8 баробарга ошди. Энг муҳими, бунда сифат бош тамойил ҳисобланди.

Албатта, корхонада техникалар кучидан унумли фойдаланиш, механизациялашга ҳам жиддий қаралмоқда. Жумладан, экиш мавсуми бошлангунга қадар корхона машина-трактор паркини 20 та "К-700", 20 та "ПЯ-4-35" ва "ПЯ-5-35" омочлари, 12 та "Кейс-1200" русумли экишгич, 5 та экскаватор, 6 та бульдозер, 156 та "МТЗ 80-1" русумли чопиқ, 78 та транспорт трактори, 156 та тиркама, 5 та "Isuzu" русумли ёқилғи ва маҳаллий ўғит ташишга мўлжалланган автомашина ҳамда бошқа зарур техника воситалари билан тўлдириш кўзда тутилган.

Янги иш ўринлари ва муносиб меҳнат шароити

Пахта – тўқимачилик инновацион кластер лойиҳаси тўлиқ амалга оширилиши баробарида 4 мингдан ортиқ янги иш

ўрни яратилади. Ҳозирда корхонанинг 3 қаватли дала шийпони кўринишидаги маъмурий биноси қад ростламоқда. Бу ерда ишчи-ходимларнинг овқатланиши, дам олиши, китоб ўқиши, талаба-ўқувчиларнинг ўз билимини ошириши ва олимларнинг инновацион ғояларни муҳокама қилишлари учун барча шароитлар яратилади. Келгусида яна 77 та шундай дала шийпони қуриш режалаштирилган.

– Фаолиятимизда иккита йўналиш асосий мезон қилиб белгиланган, – дейди агрокорхона бош агрономи Норбой Жамилов. – Биринчиси, ишчи-ходимларнинг меҳнатига яраша ҳақ тўлаб, уларнинг реал даромадларини ошириш орқали меҳнатга бўлган муносабатини ўзгартириш. Иккинчиси, уларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш орқали турмуш даражасини янада юксалтиришдир.

Лойиҳа фаолияти билан яқиндан танишиш жараёнида кўплаб ишчилар билан учрашиб, уларнинг фикрлари билан ўртоқлашдик. Агрокорхона менежер агрономи Ҳасан Юсупов шу вақтгача фермер хўжалигида иш юритувчи ва фермер сифатида фаолият юритган экан. Унинг таъкидлашича, илгари қишлоқ мулкдорларининг аксарияти етиштирилган хомашёни қабул қилувчи корхоналарга етказиб берган. Табиийки, қайта ишлаш ҳисобидан келадиган қўшимча даромаддан хомашё етиштирувчи манфаатдор бўлмаган. Кластер лойиҳасида эса корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан эркин фойдаланиш, мустақил равишда нархларни ва маҳсулотларни сотиш ҳажмларини белгилашга рухсат берилган.

Мухтасар айтганда, пахта – тўқимачилик кластери услубида ишлаб чиқаришнинг ташкил этилиши, қишлоқ хўжалигининг интеграциялашувига ҳамда ишлаб чиқаришга янги инновацион ғояларни татбиқ этишга имкон беради. Шу боис, кластерни мамлакатимиз аграр соҳасини замон талаблари даражасида тараққий эттиришга хизмат қиладиган "бугунги кун-

нинг қалдирғоч лойиҳаси", дея таърифлаш мумкин. Уни амалиётга татбиқ этишда муайян қийинчиликлар бўлиши табиий. Аммо янги лойиҳанинг истиқболи порлоқ эканлигига шубҳа йўқ. Зеро, табиий пахта толасидан ишлаб чиқарилган тўқимачилик маҳсулотлари хорижда ҳар доим харидоргир бўлганини барчамиз яхши биламиз. "Ўзбек бренди" номи билан жаҳон бозорига сифатли, сертификатланган тайёр маҳсулот чиқариш эса юртимиз тадбиркорларига фахр ва ғурур бағишлайди.

Ҳамроз АЛИ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

"BUKHARA COTTON TEXTILE CLUSTER" ҚАНДАЙ КОРХОНА БЎЛАДИ?

Жойларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, кенг кўламли бунёдкорликлар ва ободонлаштириш ишлари, йирик лойиҳалар билан яқиндан танишиш мақсадида шу йилнинг 10-11 март кунлари республикамиз Президенти Шавкат Мирзиёев вилоятимизда бўлган чоғида унинг эътиборига "Ўзбекенгилсаноат" акциядорлик жамияти томонидан 2017-2018 – йилларда Бухоро вилоятида пахта толасини қайта ишлаш дастури лойиҳаси ҳавола этилди.

Айни чоғда Бухорода етиштирилаётган пахта толасининг 20,6 фоизи вилоят ҳудудида саноат усулида қайта ишланмоқда. Янги лойиҳа бўйича вилоятнинг 7 шаҳар ва туманида шу йўналишда 13 та йирик саноат корхонасини фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Бу вилоятда етиштирилаётган пахта толасининг 65 фоизини қайта ишлаш, 5 мингга яқин янги иш ўрнини ташкил этиш имконини беради.

Сафар чоғида Юртбошимиз вилоят марказида ташкил этилиши мўлжалланган, хорижий инвестициялар иштирокидаги "Bukhara cotton textile cluster" корхонаси лойиҳасига катта қизиқиш билдирар экан, мамлакатимизда етиштирилаётган пахтани тола ҳолида сотиш кам даромад келтиришини, пахта толасини қайта ишлаб, экспортбоп тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш зарурлигини таъкидлади. 1000 кишининг бандлиги таъминланиши кўзда тутилган янги корхона йилига 6,5 минг тонна ип-калава, 10 минг квадратметр жинси мато ва 1,5 миллион дона тайёр тикувчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади.

Амалга оширилаётган тизимли ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида давлат ролини камайтириш, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш, пахта хомашёсини етиштириш ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни, шунингдек, аграрсекторда меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақини ошириш мақсадини кўзлаб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 19 майда ПҚ-2978-сонли "Бухоро вилоятида замонавий пахтачилик-тўқимачилик Кластерини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида" қарор қабул қилди.

Мазкур ҳужжатда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон фермерлар кенгаши, Бухоро вилояти ҳокимлиги, "Ўзпахтасаноатэкспорт" ХК, "Ўзбекенгилсаноат" АЖ, "Paraglide Limited" (Буюк Британия) ва "Компания Петромаруз" МЧЖ (Россия Федерацияси)нинг тўғридан-тўғри хориж инвестицияларини жалб этиш ва тижорат банклари кредити ҳисобига пахта хомашёсини етиштириш ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, уларни қайта ишлаш ва рақобат бардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни белгилаган замонавий Кластерни яратиш бўйича намунали лойиҳани амалга оширувчи масъулияти чекланган жамият шаклидаги "Bukhara cotton textile cluster" ("BCT cluster") хорижий корхонасини ташкил этиш ҳақидаги таклифларига

розилик берилди.

Президент қарорига асосан Бухоро вилоят ҳокимлигининг барпо этилаётган "BCT cluster" хорижий корхонасига пахта хомашёси ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш учун қишлоқ хўжалиги ташкилотларининг суғориладиган майдонларидан 8 минг гектар ер ажратиш ҳақидаги таклифи маъқулланди. Ташкил этилаётган "Bukhara cotton textile cluster" корхонаси таркибида пахта хомашёси ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш, пахта хомашёсини қайта ишлаш, ёғ-мой маҳсулотларини ишлаб чиқариш, тайёр тўқимачилик ва тикувчилик буюмларини ишлаб чиқариш, сут-гўшт маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларни қайта ишлаш (чорвачилик комплекси), сабзавот ва кўкатлар етиштириш (замонавий иссиқхона мажмуи), ғўзапояни ва чорвачилик комплексидаги маҳаллий ўғитни қайта ишлаш ҳамда табиий бўёқлар ишлаб чиқариш бўйича ташкилотлар фаолияти йўлга қўйилади. 2017-2021 – йиллар мобайнида амалга ошириладиган бу инвестиция лойиҳалари умумий қиймати 123,1 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Президент қарорига биноан мазкур инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида "BCT cluster" хорижий корхонаси 2022 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган ускуналар, махсус транспорт воситалари ва техника, чорва моллари ва экинлар, ветеринария препаратлари, хомашё ва материаллар, қурилиш материалларини вилоятга олиб киришда божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви тўловлари бундан мустасно) озод қилингани лойиҳа ташаббускорлари учун катта имтиёз бўлиш баробарида янги корхона ва унинг таркибидаги ташкилотлар меҳнат ҳли манфаатларини таъминлашда ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Хуллас, вилоятимизда пахта етиштиришдан тайёр тўқимачилик ва тикувчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришгача

бўлган жараённи қамраб оладиган пахтачилик-тўқимачилик Кластери — "Bukhara cotton textile cluster" корхонасининг ташкил этилиши 2017-2021 – йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобат бардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш борасидаги ислоҳотларни давом эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларга хорижий сармояларни фаол жалб қилиш юзасидан белгиланган вазифаларни бажаришга хизмат қилади.

Абдужалил ХАЛИЛОВ,
"Бухоронома" мухбири.

ВПЕРВЫЕ ПОСЛЕ 20-ЛЕТНЕГО ПЕРЕРЫВА НАЧАЛИСЬ ПОСТАВКИ ТРАКТОРОВ КИРОВЕЦ В УЗБЕКИСТАН

1 февраля 2018.

В январе на полях Бухарской области начали работать два трактора Петербургского тракторного завода (дочернее общество ОАО "Кировский завод"): КИРОВЕЦ К-424 (240 л. с.) и КИРОВЕЦ К-744Р1 (300 л. с.). Это первая за последние 20 лет поставка мощных российских тракторов в Республику Узбекистан.

Покупателем техники выступила компания "BCT cluster agrokompleks", которая входит в состав Бухарского текстильного кластера, объединяющая несколько хозяйств на территории Бухарской области Республики Узбекистан. На сегодняшний день в её активе около 8 000 га земель сельскохозяйственного назначения. Основная специализация: хлопок, зерновые и кормовые культуры.

По словам представителя компании Толибжона Кудратова,

тракторы были приобретены для работы в комплексе с 4- и 5-корпусными плугами производства Алтайского края. КИРОВЦЫ выступают альтернативой американским и немецким тракторам, как более производительные и простые в обслуживании. На них делают ставку при возделывании залежных земель.

В ноябре 2017 года, после подписания контракта, пять представителей "ВСТ cluster agrokompleks" прошли обучение на Петербургском тракторном заводе по программе "Эксплуатация и ремонт сельскохозяйственных тракторов КИРОВЕЦ". Также аграрии получили от заводских специалистов дополнительные рекомендации с учётом региональной специфики и детальный инструктаж перед запуском тракторов в работу непосредственно на территории хозяйств.

По заказу покупателя трактор К-744Р1 поставлен с комплектом для сдваивания колёс, системой позиционно-силового регулирования навесного устройства (EHR), механизмом отбора мощности. К-424 также укомплектовали КСК, тягово-сцепным устройством для транспортных работ и механизмом отбора мощности. КИРОВЦЫ успешно агрегатированы с плугами российского производства, проведены их тестовые испытания.

В настоящее тракторы готовят поля к посеву хлопка: в среднем наработка составляет около 20 га в смену при глубине вспашки до 40 см.

В планах "ВСТ cluster agrokompleks" расширение парка мощных тракторов и покупка новой партии КИРОВЦЕВ в ближайшее время, а также создание на своей базе дилерского центра с ремонтной базой и складом запасных частей.

www.mcx.ru/
Министерство сельского хозяйства
Российской Федерации

Ислоҳотлар сиёсий тизимнинг
ўзгаришини ўз ичига олиши керак.
Ден Сяопин.





АСОСИЙ МАНБАЛАР:

1. Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаЎзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 22.12.2017й.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2016 йил 21 декабрда ПҚ-2687 сонли "Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги Қарор.

4. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги ПФ-5264-сон Фармони.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти 2017 йил 19 май "Бухоро вилоятида замонавий пахта-тўқимачилик Кластерини тузиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2978 сонли Қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентнинг Конституциянинг 25 йиллиги кунидаги маърузаси 07.12.2018 й.

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи, 09.12.2017 й.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 октябрдаги "Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"гиПФ-5199-сон Фармони.

9. Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, Тошкент шаҳри, 2017 йил 14 декабрь.

10. Бухоро вилояти хокимининг 2017 йил 24 май "Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Бухоро вилоятида замонавий пахта-тўқимачилик Кластерини тузиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2017 йил 19 майдаги ПҚ-2978-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳақида"ги 328 сонли Қарори.

11. Б. Зарипов "Илм-фан ютуқлари — тараққиётнинг муҳим омили" "Халқ сўзи" 12 январь 2017 й.

12. М.А.Раҳматов "Ишлаб чиқариш Кластери инновацион иқтисодиётга ўтишнинг муҳим босқичидир" "Халқ сўзи" 28 март 2017 й.

13. М.А.Раҳматов "Производственный кластер — современный подход в экономике" "Народное слово" 14 март 2017 г.

14. Муртазо Раҳматов " Кластер — интеграция, инновация ва иқтисодий ўсиш мезони" "Халқ сўзи" 27.02. 2018 й.

15. М.А.Раҳматов, Ф.Х.Раҳимов, Б.З.Зарипов. "Интеграция ва юксалишларга замонавий ёндашув. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, "Petromaruz" компанияси (Россия). – Материалы международной научно-технической конференции" Посвященной 80-летию Узбекского научно- исследовательского института натуральных волокон. Част III. стр. 300-305, г.Маргилан, 27-28 июня 2017 г.

16. Муртазо Раҳматов – Кластер: Интеграция, инновация, экономический рост. Народное слово. 03 март 2018.

17. Муртазо Раҳматов – Кластер Ўзбекистон иқтисодиётига янги нафас олиб кирмоқда. "Қишлоқ ҳаёти" махсус сон март 2018 й.

18. А. Қулмуродов "Кластер – қалдирғоч лойиҳа" "Қишлоқ ҳаёти" 25 апрель 2017 й.

19. Ш.Кимсанбоева, Б.Синдорова "Кластер – янгиланиш тимсоли" "Қишлоқ ҳаёти" 5 май 2017 й.

20. А.Эргашев ва бошқалар. "Нил бўёғи ўсимлигини етиштириш, табиий бўёқ биотехнологияси ҳамда емирилган ерларни яхшилаш" , 2012 й.

21. Alfred Marshall, Principles of Economics , 1890 й.

22. From Marshall's to the Italian "Industrial Districts", 1879 й.

23. Michael Porter's Competitive Advantage Theory, 2008 й.

24. WWW. NAUKA – X – PDF.RU. Руководство по созданию и развитию инновационных центров (технологии и закономерности). 2012 г.

25. Жак Ашенбройх. Революционные фундаментальные инновации. Состояние инноваций в 2016. stateofinnovatijn.com.

26. Кто управляет Кремниевой долиной. "Эксперт", №50 (783) за 2011 г.

27. Б.Ш.Усмонов, Ф.Х.Рахимов, М.Х.Дусмухамедова. Таълим, фан ва ишлаб чиқариш инновацион корпоратив ҳамкорлиги янги босқичда. Тошкент: Таълим, фан ва инновация. №1, 2016 й., 6-9 бетлар.

28. Б.Ш.Усмонов, Ф.Х.Рахимов, М.Х.Дусмухамедова. Таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси ва инновацион ҳамкорлик. Илмий-услубий қўлланма. – Тошкент, "Adabiyot uchqunlari" нашриёти, 2017 й.

29. Руднева, П.С. Опыт создания структурных кластеров в развитых странах [Электронный ресурс] // Экономика региона. 2007. №18. Ч. 2 (декабрь) Режим доступа: http://journal.vlsu.ru.

30. Портер М. Международная конкуренция. - М., Международные отношения, 1993.

31. Портер, М. Конкуренция. М.: Издат. дом "Вильямс", 2003.

32. Хасаев, Г.Р. Кластеры - современные инструменты повышения конкурентоспособности региона (через партнерство к будущему) [Электронный ресурс]. Режим доступа: http://www.compass-r.ru.

33. Скоч, Александр. Международный опыт формирования кластеров [Электронный ресурс] // Режим доступа: http://www.intelros.ru.

34. Соколенко, С.И. О кластеризации в странах ОЧЭС [Электронный ресурс]. Режим доступа: http://www.ucci.org.ua.

35. Бараболина, А.И. Формирование автомобильного кластера в Китае [Электронный ресурс] // Проблемы современной экономики. 2008. № 4(24). Режим доступа: http://www.m-economy.ru.

36. Усмонов Б., Раджабов О. Изучение опыта развития и управление инновациями в кластерах Т., "Fan va texnologiya", 2017.

37. Ли Куан Ю. Из третьего мира – в первый. История Сингапура 1965-2000г. «Манн, Иванов и Фербер» Москва 2018.

38. Интернет материаллари.

Мундарижа

1. АГРОСАНОАТ "ҚАЛДИРҒОЧ"И (Сўзбоши ўрнида)..... 6

2. Кластер – инновацион тараққиёт асоси 9

3. "Кластер"нинг ўзбекча таърифи – "хазиналар сандиғи" 20

4. Нега айнан пахтачиликда? 23

5. Инновацион иқтисодиётнинг муҳим босқичи 34

6. Кластер лойиҳаси амалиётда 36

7. Фан, таълим, ишлаб чиқариш интеграцияси 41

8. Биринчи босқич – агротехнология 45

9. Иккинчи босқич – бирламчи қайта ишлаш 48

10. Индиго – ранглар қироли 73

11. Учинчи босқич – чукур қайта ишлаш 83

12. Тўртинчи босқич – занжирни қайта боғлаш 86

13. Гидропоника 93

14. Голландия инновацион зироати 95

15. Кластердаги инновациялар 103

16. Хотима ўрнида 110

17. Мақолалар (илова) 120

18. Асосий манбаалар 164

Муртазо Ахмедович Раҳматов
Бакридин Зарипов

КЛАСТЕР – ИНТЕГРАЦИЯ, ИННОВАЦИЯ ВА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ

Муҳаррир - Ё. Иноғомов
Ношир - А. Гапуров
Компьютерда саҳифаловчи - С. Ғофуров

Нашр.лиц. AI № 296. 22.05.2017 йил
Босишга рухсат этилди 10.04.2018 й. Бичими 60x84 1/16.
"Times New Roman" ҳарфида терилди.
Шартли б.т. 10,3. Нашр т. 9.7
Адади 5000. 2018-13 – сонли буюртма.

Оригинал-макет "Zamin Nashr" МЧЖ
нашриётида тайёрланди.
100053, Тошкент ш., Боғишамол 160.
Тел: 235-44-82
E-mail: extremum-press@mail.ru

"Credo Print" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент ш., Боғишамол к. 160.
Буюртма № 1644.


9 789943 512542